Юридик соҳа бўйича илмий фаолият билан шуғулланувчи изланувчининг асосий вазифаси энг аввало, илмий тадқиқотнинг тегишли тушунчалари мазмун-моҳиятини чуқур тушуниш, унинг ривожланиш қонуниятларини кашф этиш, тадқиқот ишларини илмий ижод методологиясига қўйилган талаблар асосида тўғри ташкил этиш ҳамда мавзу доирасида ўрганилган масалаларни кенг жамоатчиликка аниқ етказиб бериш билан боғлиқ яхлит чора-тадбирларни ўз ичига қамраб олади. Ҳуқуқ соҳасидаги илмий фаолият юридик фаннинг муайян соҳасида шаклланган, тизимлаштирилган, аниқланган билимларни тўплаб, уни мантиқий равишда тизимли ўрганиб, энг илғор хулоса ва тақлифларни ишлаб чиқиш баробарида унинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш билан

боғлиқдир. Ҳуқуқий илм соҳибининг юридик фанларни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракати унинг илмий ижодий фаолиятида ёрқин намоён бўлади. Юридик соҳа бўйича илмий тадқиқот ишларини ташкил этишда, энг аввало, тадқиқотчи унинг асосий таъриф ва тушунчаларидан хабардор бўлиши жоиз. Айниқса, ижод эркинлигининг моҳиятини мушоҳада этиши, илмий ижод тушунчасидан воқиф бўлиши, у амалга ошираётган тадқиқотнинг услубий жиҳатларини пухта англаб олиши шарт. Шу сабабли, юридик соҳалар бўйича тадқиқотчи ўзи амалга ошираётган илмий-таҳлилий ишнинг долзарблиги, мақсади, вазифалари, предмети, объекти доирасини мукаммал билиб олиши лозим. Юридик соҳа бўйича илмий тадқиқ қилишнинг хусусиятларини тушуниб олиш тадқиқот натижасига эришишда муҳим ўрин тутди. Бинобарин, бир қатор илмий билиш усуллари мавжуд бўлиб, булар жумласига эмпирик ва назарий тадқиқотлар кирди. Юридик соҳа бўйича илмий тадқиқ қилиб ўрганишнинг объектив қонуниятларини мукаммал эгаллаш унинг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий тадқиқотларни тўғри ташкил этиш, унинг натижаларига эришишда муҳим ўрин эгаллайди. Ҳуқуқий тадқиқотларга янгича ёндашувни шакллантириш яхлит илмий концепцияларни, назарий тушунча ва таърифларни ишлаб чиқишни, методологик асосларни мукаммал даражада билишни тақозо этади. Шу аснода илмий йўналишни аниқлаш мақсадида мавзуни танлаш ва баҳолаш ҳал қилувчи босқич бўлиб ҳисобланади. Айнан шу босқичда муаммо ёки муаммовий вазият илмий мушоҳада этилади ва тадқиқ этиш усуллари аниқланиб, илмий башоратнинг истиқболи белгилаб олинади. Тадқиқотчи диссертациянинг тузилиши, мавзу режаси ва материалларнинг жойлашувини аниқлаб олишда бошқа тадқиқотларни қиёсий ўрганиб чиқиб, ўз мавзуси доирасида ишнинг шакли ва мазмунига қўйиладиган талабларни пухта мушоҳада этиши зарур. Бу босқичда илмий раҳбар ёки илмий маслаҳатчининг ўрни беқиёсдир. Айнан шу жиҳатдан илмий раҳбар томонидан тадқиқотчига мавзу режасини тузишга, ишнинг тузилиши ва ундаги материалларнинг жойлашувига оид тавсиялар берилиши талаб этилади. Тадқиқот иш режаси мантиқий кетма-кетликда баён этилишига эътибор бериш ишнинг муайян ички бирлигини таъминлашга ҳам ёрдам беради. Тажрибанинг далолат беришича, бу босқичда илмий изланувчи ва илмий раҳбарнинг ишлаш жараёни самарали ташкил этилиши унинг натижасига эришишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Энг муҳим босқич сифатида илмий тадқиқотни ўтказишга доир талабларга қатъий риоя этиш, илмий ахборотни таҳлил қилиш, илмий тадқиқотлар мақсад ва вазифаларини аниқ ифодалаган ҳолда тадқиқ этишга киришиш тақозо этилди.

Тадқиқотчи илмий ахборотларни тўплаш, таҳлил этиш, унинг манбалари эскириши хусусиятларини инобатга олиб, иш учун зарур материалларни тизимлаштириш чора-тадбирларини кўриши муҳим ўрин тутди. Ҳуқуқ соҳасида ахборот олишнинг ўзига хос йўллари мавжуд бўлиб, тадқиқотчи томонидан уни мукаммал билиш мавзу доирасидаги масалаларни тизимли илмий-амалий таҳлил этиш имкониятини яратди. Шу мақсадда тадқиқотчи ҳуқуқ соҳасидаги ахборотларни самарали ишлаб чиқиш йўллари аниқлаши зарур. Илмий ахборотни эслаб қолиш

усулларини татбиқ этиб таснифлаш ва тизимлаштириш, электрон ахборот тизимларидан ҳам унумли фойдаланиш талаб этилади. Энг аввало, раҳбарий адабиётлар, махсус адабиётлар билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимли таҳлил этиш, оммавий ахборот воситалари, интернет маълумотларидан тадқиқот доирасидаги масалаларни ўрганишда фойдаланиш муҳим ўрин тутди.

Ҳуқуқий-илмий ижодиётда усул ва методологик ёндашувларни тизимли ўзлаштирилиши тадқиқот ишини тайёрлашда аҳамияти катта. Тадқиқот ишига изчил ёндашув унинг ўзига хос умумий ва махсус методологик хусусиятлари мавжудлигидан ҳам далолат беради. Шу маънода, тадқиқотчи томонидан унинг объекти, предмети, мавзунинг ўрганилганлиги даражаси аниқланади. Айниқса, Президент асарларини мукаммал даражада ўзлаштириб, улардан ҳуқуқий тадқиқотнинг асосий методологик асоси сифатида фойдаланилиши, унинг натижаларига эришишда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, диалектик ва билиш қонуниятларининг методологик асос сифатида ўрганилиши, хусусан тадқиқот ишининг умумий ва хусусий методологияси ва унинг асосий элементларига баҳо берилиши, аниқ вазифанинг белгиланиши ҳамда илмий янгилигини тизимли тарзда баён этишга эришилиши зарур.

Юридик соҳа бўйича ҳуқуқий экспериментлардан кенг фойдаланиш мақсадида унинг мазмунини тушуниб олиш, режа ва дастурларини ишлаб чиқиш, жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли ўрганиш, илмий экспедиция имкониятларидан кенг фойдаланиш тадқиқот ишининг самарадорлик даражасига эришишда муҳим аҳамият касб этади. Амалиёт таҳлиллари кўрсатишича, юридик соҳа бўйича тадқиқотларни амалга оширишда ҳуқуқий эксперимент ва илмий экспедиция имкониятларидан талаб даражасида фойдаланилмапти. Шу сабабли, ҳуқуқий тадқиқотларга янгича ёндашувни шакллантириш баробарида, бу борадаги ишларни самарали ташкил этишга эришиш зарур. Айниқса, ишда математик, статистик усулларни ишлатиш, олинган натижаларнинг ишончлилигини баҳолаш муҳим мезон бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, ҳуқуқ соҳасида кузатув-тажриба, жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларини статистик усуллар билан ишлашга эътибор қаратилиши уни ҳар томонлама баҳолашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқ соҳасида илмий тадқиқот ишлари натижаларини амалиётда қўллаш ва унинг самарадорлигига эришишга бўлган талаб тобора ортмоқда. Энг аввало, унинг натижаси назарий ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти нуқтаи назаридан муҳим ютуқ сифатида баҳоланиши зарур. **Биринчидан**, тадқиқот натижасидан тегишли ҳуқуқий-илмий ишларни олиб боришда; **иккинчидан**, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда; **учинчидан**, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини оширишда; **тўртинчидан**, ўқув-таълим жараёнида; **бешинчидан**, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда фойдаланилганлиги ёки унинг истиқболи мавжудлиги баҳоланиши лозим.

Ҳуқуқий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этишда мониторинг имкониятларидан кенг фойдаланиш талаб этилади. Шунингдек, тадқиқотчи томонидан илмий ижод, мантиқ қонунлари ва қоидаларига амал қилишнинг ишнинг сифат

даражасини таъминлашда роли беқиёсдир. Тадқиқотчи давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг қонуниятларини, инсон ҳуқуқлари устуворлигининг методологик асосларини, ҳар бир ҳуқуқий институтнинг тадрижий ривожининг объектив қонуниятларини башорат қилиш илмини мушоҳада этиши лозим. Айниқса, мантиқ қонунлари, айният қонуни, грамматик қонунлар, исбот этиш қоидалари, бевосита ва билвосита исбот этиш қонунлари, рад этиш усуллари, мантиқий хулоса чиқариш, индукция ва дедукция, тадқиқот натижаларининг асосланганлиги ва мантиқан ишончлилигига баҳо бериш омилларини мушоҳада этган ҳолда илмий ижодиётда уларни татбиқ этиш қобилиятига эга бўлиш зарур.

Ҳуқуқ соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб боришда илмий материалларни нашрга тайёрлаш талабларини мукамал билиш талаб этилади. Олий аттестация комиссияси талабларига кўра чоп этилган ишлар нафақат сон жиҳатидан, балки мазмун жиҳатидан ҳар бир тадқиқот ишининг моҳиятига бевосита дахлдор ҳолда тайёрланиши ва шу илмий ишнинг асоси бўлиб хизмат қилиши зарур. Илмий материалларни чоп этишга тайёргарлик ва унинг босқичларига риоя этиш ҳамда сифат даражасини ошириш муҳим вазифадир. Хусусан, мақола, рисола, монография ва бошқа нашрларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, унга илмий маҳсулот сифатида баҳо бериш ва қўйиладиган талабларга қатъий риоя этиш лозим. Бундай талаблар биринчидан, унинг мазмунига дахлдор бўлса, иккинчидан, техник жиҳатдан расмийлаштиришга ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Ушбу ўринда илмий раҳбарнинг илмий материалларни чоп этиш бўйича тавсиялари бўлиш ва унга тегишли тақризлар олинганлиги, кафедра хулосасининг мавжудлиги чоп этилаётган материалнинг сифатлилигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари, чоп этилаётган нашр турига қараб илмий кенгаш ёки ихтисослашган кенгаш, методик кенгашларнинг илмий материалларни чоп этиш ҳақидаги тавсияларининг берилиши ҳам ишнинг сифатини янада ошириш учун хизмат қилади. Ҳуқуқий тадқиқот натижаларининг малакали тақриздан ўтказиб чоп этилиши унинг илмий ва назарий асосланганлиги даражасини юксалтиришда муҳим омил ҳисобланади. Ҳуқуқ соҳасида илмий тадқиқот ишларини расмийлаштириш ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси талаблари асосида амалга оширилади. Ҳуқуқий тадқиқот ишининг бошланишидан оқ изланувчи томонидан уни талаб даражасида расмийлаштириш кўникмаларига эга бўлиш баробарида унга қатъий риоя этилиши тадқиқот ишига қўйилган талабларга мувофиқ равишда диссертацияни тайёрлаш имкониятини яратади.

Мамлакатимизда ҳуқуқий-илмий ижодиётга қўйилган талабларни мукамал билишнинг объектив зарурияти мавжудлигини инобатга олиб, бу соҳада тадқиқот ишларининг назарий ва методологик асосларини тизимли равишда ўрганиш, тушунтириш ва тегишли тарзда тарғиб қилиш билан боғлиқ ташкилий-амалий чора-тадбирларни ташкил этиш юридик фанларнинг равнақ топиши ҳамда мустақилликни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, мустақилликни мустаҳкамлашда ҳуқуқий илм-фан ютуқларидан

самарали фойдаланиш демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги вазифаларни ҳал қилиш учун хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.87.
2. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.88.
3. Каримов И.А. Илму фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин // Биздан озод ва обод Ватан қолсин.Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.258.
4. Грязин И.Н. Текст права: Опыт методологического анализа конкурирующих теорий. – Таллин, 1983; Герлох А. О Методах познания права// Правоведение. 1983. – №1; Разум и экзистенция. Анализ научных и внеаучных форм мышления. – СПб. 1999; Тарасов Н.Н. Методологические проблемы юридических наук. – Екатеринбург. 2001; Тарасов Н.Н. Метод и методологический подход в правоведении (попытка проблемного анализа) // Правоведение. 2001. – №1; Урсул А.Д. Информация: Методологические аспекты. – М.: 1971. Ушаков А.А. Право, язык, кибернетика// Правоведение. 1991. – №2. Честнов И.Л. Право как диалог: к формированию новой онтологии правовой реальности. -СПб., 2000.
5. Бурхонуддин аз-Зарнужий. Таълим ул-мутаъллим. – Қозон, 1915.
6. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: Ўзбекистон. 1996. –Б.13.
7. Каримов И.А. Биз келагагимизни ўз кўлимиз билан кураимиз. Т.7. -Т.: Ўзбекистон, 1993. – Б.97-98.
8. Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами, 2006.-31-32-сон, июль-август, 311-модда.
9. Честнов И.Л. Методология и методика юридического исследования. Учебное пособие. – СПб, 2004; Юдин Э. Г. Методология науки: системность деятельности. – М., 1997.
10. Юридик адабиётларда ҳам юридик фанларнинг асосий йўналишларни ривожлантириш бир қатор усулларда амалга оширилишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу ҳақда батафсил қаранг: Рўзиёв Р.Ж. Юридик фанларни ривожлантиришда фундаментал тадқиқотларнинг аҳамияти ва истиқболлари // Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари / Илмий-амалий конференция материаллари. Масъул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов. – Т.: ТДҶОИ нашриёти, 2006. – Б.61-73.

У.Т.Тошканбаев

преподаватель кафедры «Уголовное право»
Академии МВД РУз**СФЕРА ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ КАК
ОБЪЕКТ УГОЛОВНО-ПРАВОВОЙ ОХРАНЫ В
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

Аннотация: в статье исследованы теоретические проблемы определения общественных отношений в сфере информационных технологий, подлежащих уголовно-правовой защите в рамках законодательства Республики Узбекистан.

Ключевые слова: информация, безопасность, преступление, охрана, объект.

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида жиноий-ҳуқуқий муҳофаза этилиши лозим бўлган ахборот технологиялари соҳасидаги ижтимоий муносабатларни аниқлашнинг назарий муаммолари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ахборот, хавфсизлик, жиноят, муҳофаза, объект.

Annotation: in this article were analysed theoretical problems of definition of the public relations in the sphere of the information technologies, which are subject to criminal legal protection within the legislation of the Republic of Uzbekistan.

Key words: information, security, crime, protection, object.

В современных условиях информационные технологии стали стратегическим инструментом, от эффективного использования которого зависят перспективы модернизации страны, решение многих задач государственного и общественного строительства, обеспечение экономического процветания и повышения благосостояния народа. Широкое распространение информационных технологий вызывает необходимость функционирования организационно-правового механизма регламентации общественных отношений в данной сфере.

Формирование законодательного регулирования в области информационных технологий в Республике Узбекистан имеет короткую историю и находится на начальном этапе своего развития. Признание обществом, а вслед за ним и законодателем общественной опасности преступлений в сфере информационных технологий, необходимость обеспечения уголовно-правовой охраны сферы информационных технологий повлекли необходимость введения соответствующих уголовно-правовых запретов, внесения дополнений в Уголовный кодекс Республики Узбекистан [1].

Термин «технология» произошел из совмещения двух понятий: *techno* (мастерство, искусство) и *logos* (учение, наука). Сущность технологии заключается в том, чтобы разложить на составляющие элементы процесс достижения какого-либо результата, она применима повсюду, где имеется стремление к результату [10].

Информационные технологии (ИТ, англ. – *information technology*, ИТ) представляют собой сферу, охватывающую технологии управления, накопления, обработки и передачи информации, в том числе компьютерные технологии – использование компьютеров и программного обеспечения для хранения, преобра-

зования, защиты, обработки, передачи и получения информации. Более того, новые современные, прогрессивные технологии сегодня стали именовать «высокими технологиями» (англ. *high technology*, *hi-tech*), поскольку использование таких технологий сегодня стало важнейшим фактором высокого уровня научно-технического развития. К высоким технологиям обычно относят самые наукоёмкие отрасли промышленности: микроэлектроника, вычислительная техника, робототехника, связь, космическая техника.

Статья 3 Закона Республики Узбекистан «Об информатизации» дает определение информационной технологии — «совокупность методов, устройств, способов и процессов, используемых для сбора, хранения, поиска, обработки и распространения информации» [10]. Учитывая изложенное, использование различных видов компьютерной техники, технических средств и иных современных технологий можно обозначать общим понятием «информационные технологии», как совокупности методов и средств реализации информационных процессов в различных областях жизнедеятельности общества.

Как указывают специалисты, объем мирового рынка информационных технологий оценивается в 1,7 трлн. долларов США. Мировой опыт показывает, что конкурентоспособность национальной экономики тесно связана с развитием информационных технологий, при этом индекс конкурентоспособности экономики имеет высокий уровень корреляции с индексом развития в стране информационно-коммуникационных технологий [7, 3-стр].

Республика Узбекистан придает огромное значение развитию информационных технологий. Были приняты законы Республики Узбекистан «Об информатизации», «О телекоммуникациях», постановление Президента Республики Узбекистан от 27 июня 2013 года № ПП-1989 «О мерах по дальнейшему развитию Национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан», постановление Президента Республики Узбекистан от 21 марта 2012 года № ПП-1730 «О мерах по дальнейшему внедрению и развитию информационно-коммуникационных технологий», постановление Кабинета Министров от 31 декабря 2013 года № 355 «О мерах по внедрению системы оценки состояния развития информационно-коммуникационной системы в Республике Узбекистан» и другие акты.

Наряду с несомненным положительным значением, широкое применение информационных технологий имеет, к сожалению, и отрицательные стороны: практика свидетельствует о появлении и распространении так называемой интеллектуальной преступности, характеризующейся использованием изощренных способов совершения преступлений, как посягающих на сферу информационных технологий, так и использующих достижения указанной технологии при совершении различных преступных деяний. Более двадцати лет назад, когда информационные технологии только входили в нашу повседневную жизнь правоведы предсказывали «резкий рост организованной преступности, связанной с использованием электронных и телекоммуникационных средств, особенно, компьютерных сетей» [5, 50-стр].

Как показывает изучение зарубежной практики, привлекательность информационных технологий для преступников заключается, прежде всего, в массовости аудитории потенциальных жертв, территориальной

удаленности жертвы и преступника, круглосуточности преступного воздействия, отсутствии непосредственного контакта между потенциальной жертвой и преступником, больших возможностях по сокрытию следов преступных действий, а также обеспечении значительного временного разрыва между началом активных действий и наступлением последствий [3]. Кроме того, определенная часть «традиционных» составов преступлений, давно известных уголовному праву, имеет тенденцию «включения» в себя, активного использования высоких технологий, что означает их постепенное смещение в сферу информационных технологий. Например, совершая хищение денежных средств с банковских счетов, преступники стали широко использовать различные вредоносные программы, которые способствуют установлению удаленного контроля над компьютерными и мобильными устройствами для снятия денег.

Следует согласиться с мнением специалистов, полагающих, что негативные факторы всеобщей информатизации будут нарастать, поскольку значительные возможности новейших информационных технологий создают предпосылки для их использования в качестве эффективного и доступного средства совершения умышленных преступлений [8, 222-стр]. Поэтому, сегодня, особую актуальность приобрели проблемы совершенствования правового регулирования уголовно-правовой борьбы с преступлениями в сфере информационных технологий. Международные организации и многие зарубежные страны пошли по пути соответствующего правового регулирования отношений, связанных с борьбой против правонарушений в сфере информационных технологий [4].

Описывая возможности использования современных информационных технологий при совершении преступлений, эксперты ООН применяют термин «киберпреступность», охватывающий любое преступление, которое может совершаться с помощью компьютерной системы или сети, в рамках компьютерной системы или сети [6]. Согласно подходу большинства зарубежных экспертов, понятие киберпреступность не ограничивается рамками преступлений, совершенных в глобальной информационной сети Интернет. Оно распространяется на все виды преступлений, совершаемых в информационно-телекоммуникационной сфере, где информация, информационные ресурсы, информационная техника могут выступать предметом (целью) преступных посягательств, средой, в которой совершаются правонарушения, и средством или орудием преступления [9].

Содержащаяся в Уголовном кодексе глава XX¹ «Преступления в сфере информационных технологий» содержит всего шесть статей, закрепляющих соответствующие составы уголовных деяний. По нашему мнению, такая ситуация не отвечает современным условиям и вызовам как информационного, так и правового развития нашей страны. Современное состояние уголовно-правовой охраны сферы информационных технологий явно не адекватно сложившемуся на практике положению дел. Качественные и количественные изменения в указанной сфере требуют как переосмысления степени общественной опасности существующих преступлений, так и адекватного реагирования на появление новых видов противоправных деяний.

Анализ действующего уголовного закона и тенденций его развития в области регулирования сферы ин-

формационных технологий позволяет сделать вывод о том, что сегодня в уголовном законодательстве идет процесс расширения и дальнейшего развития комплексного, обладающего существенным своеобразием, объекта уголовно-правовой охраны – сферы информационных отношений. В целом, общественные отношения, складывающиеся в сфере информационных отношений, можно определить как видовой объект информационных преступлений.

Как известно, вышеуказанная глава XX¹ расположена в разделе 6 Уголовного кодекса «Преступления против общественной безопасности и общественного порядка». Однако в кодексе имеется еще ряд составов уголовных деяний, связанных с информационными технологиями, но расположенных в различных главах и статьях уголовного закона, что можно объяснить историческим ходом их возникновения и закрепления в законе, например, статьи 149, 188¹, 244¹, 278 и др. Однако, сегодня, по нашему мнению, назрели предпосылки для объединения всех уголовно-правовых норм, предусматривающих ответственность за преступления, связанные с информационными технологиями, в одну главу.

Мы считаем, что повышение эффективности уголовно-правового регулирования сферы информационных технологий возможно лишь при наличии комплексного подхода, включающего единообразное толкование терминов, четкое законодательное определение объекта преступления, а также согласованное единообразное применение норм закона на практике, в том числе правильную квалификацию преступлений указанной категории.

Объединение в одну главу УК норм, предусматривающих уголовную ответственность за посягательства в сфере информационных технологий, позволит в определенной мере устранить существующие правоприменительные проблемы, эффективно противодействовать посягательствам на сферу информационных технологий, оптимизировать терминологический аппарат, выработать перспективы развития преступности в данной сфере. Учитывая особые признаки и свойства сферы информационных технологий, ее нельзя поставить в один ряд с уже освоенными правом объектами регулирования, поэтому необходимо не просто выделить ее в качестве межотраслевого объекта уголовно-правовой охраны (что частично уже сделано введением вышеуказанной главы в кодекс), но и критически пересмотреть соответствующие нормы кодекса, отразив в нем новые, появившиеся на практике, противоправные деяния. Анализ характера общественно опасных посягательств на указанную сферу позволяет сделать вывод, что такой подход на сегодняшний день отвечает потребностям юридической практики.

Таким образом, можно резюмировать: объектом уголовно-правовой охраны сферы информационных технологий является вся совокупность отношений, в которых информационные технологии являются предметом преступления либо используются в качестве средства, инструмента совершения преступления.

Список литературы:

1. Закон Республики Узбекистан от 25 декабря 2007 года № ЗРУ-137 (СЗ РУ, 2007 г., № 52, ст. 532).
2. Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2004 г., № 1-2, ст.10; Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2014 г., № 36, ст. 452.
3. Аналитическая справка к заседанию коллегии МВД России 26 сентября 2014 г. «О совершенствовании

нии деятельности по раскрытию и расследованию преступлений, совершенных с использованием современных информационных технологий» [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://mvd.ru>.

4. Международная «Конвенция о киберпреступности» принята Советом Европы 9 ноября 2001 г. в Страсбурге; Виды Интернет–преступлений (классификация ООН). [Электронный ресурс] URL: <http://www.bbf.ic.ru.>; Киберпреступление. Официальный сайт Департамента юстиции США [Электронный ресурс] URL: <http://www.cybercrime.gov>.

5. Основы борьбы с организованной преступностью / Под Ред. В. С. Овчинского, В. Е. Эминова, Н. П. Яблокова. М., 1996. С. 50.

6. Официальный сайт Европейского Союза. Преступления, связанные с использованием компьютерной сети / Десятый конгресс ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями //A/CONF. 187/10 [Электронный ресурс] URL: www.europa.eu.int.

7. Степанов-Егиянц В.Г. Методологическое и законодательное обеспечение безопасности компьютерной информации в Российской Федерации (уголовно-правовой аспект): Автореф. дисс. докт. юрид. наук. – М., 2016. – С. 3.

8. Стучилж О.В. Некоторые проблемы выявления и раскрытия преступлений, совершаемым по средствам беспроводной связи // Информатизация и информационная безопасность правоохранительных органов. – М.: Академия управления МВД России, 2005. – С. 222.

9. Щетилов А. Некоторые проблемы борьбы с киберпреступностью и кибертерроризмом [Электронный ресурс] URL: <http://www.cnme-research.org>.

10. <http://ru.wikipedia.org>.

О.Файзиев

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
булим бошлиғи

ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

Аннотация: ушбу мақолада идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш амалиёти миллий ва хорижий тажрибани таҳлил қилиш асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: норма ижодкорлиги, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат, ҳуқуқий экспертиза, давлат рўйхатидан ўтказиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот, Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестри.

Аннотация: в данной статье освещена практика государственной регистрации ведомственных нормативно-правовых актов, основанная на анализе национального и зарубежного опыта.

Ключевые слова: нормотворчество, ведомственный нормативно-правовой акт, правовая экспертиза, законность и правопорядок, Государственный реестр ведомственных нормативно-правовых актов.

Annotation: in this article the practice of state registration of departmental normative legal acts, based on an analysis of national and international experience.

Key words: rulemaking, departmental normative legal act, legal expertise, law and order, State Register of departmental regulatory acts.

Мамлакатимизда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норма ижодкорлиги фаолияти соҳасидаги асосий талаблардан бири улар томонидан қабул қилинган буйруқ ёки қарор (идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат)нинг давлат рўйхатидан ўтказилишидир. Мазкур тартиб фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи, идоралараро тусга эга бўлган, шунингдек, ҳужжатни қабул қилувчи бошқарув органи тизимига кирмайдиган ташкилотлар учун мажбурий кучга эга бўлган ҳужжатларга нисбатан татбиқ этилади. Мазкур ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг зарурати идораларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш эҳтиёжи билан боғлиқдир. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида текшириш (хусусан, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини қўшимча кафолатлашга хизмат қилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш орқали вазирлик ва идораларнинг норма ижодкорлиги фаолиятида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зид бўлган ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи ёхуд фуқароларга қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган мажбуриятлар юқловчи, шунингдек бошқа вазирлик ва идораларнинг манфаатларига алоқадор нормаларнинг кучга киритишга йўл қўймаслик ва бошқалар юзасидан назорат амалга оширилади.

Назорат тушунчасини назорат остидаги тизимда қонунийлик ва интизомни таъминлашга қаратилган фаолият сифатида тушуниш мумкин. Назорат бир қатор турларга ажратилади.

Энг аввало, назорат ички ва ташқи назоратга бўлинишини таъкидлаш лозим. Ички ёки ички идоравий назорат тегишли идоранинг ўзи, унинг алоҳида таркибий тузилмаси, алоҳида департамент, бошқарма, бўлим ёки хизмат томонидан амалга оширилади. Амалда давлат органининг назорат функциясини амалга оширувчи тузилмаси мазкур идорада ҳуқуқнинг тўғри қўлланилишини таъминловчи субъект ҳисобланади. Мамлакатимизда вазирлик ва идораларда мазкур функция асосан юридик хизматлар томонидан бажарилади.

Ташқи назорат тегишли идорага тизимида бўлмаган бошқа давлат органи томонидан, жумладан, мамлакатимизда мазкур функция Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Шунингдек, хорижий мамлакатларда бундай назорат парламент, ҳукумат, прокуратура ёхуд суд органлари томонидан амалга оширилишига доир механизмлар мавжуд [4, 37-бет]. Жумладан, Россия Федерациясида ташқи назорат Ўзбекистондаги ҳолатга яқин тарзда Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади. АҚШда бундай функция Конгресс ва суд органи томонидан амалга оширилади [10, 101-бет]. Ўз навбатида, Конгресс бирон таркибий тузилмага ҳам бундай функцияни амалга оширишни юклаши, ушбу тузилмага янги ваколатлар бериши мумкин.

Англияда идоравий норма ижодкорлиги фаолияти устидан назорат парламент ва суд томонидан амалга оширилади [9, 137-бет]. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, идоравий норма ижодкорлигини парламент назорати остида тўлиқ қамраб олиш мушкул. Шунингдек, Англияда ҳам, АҚШда ҳам суд назорати чекланган. Суднинг назорат функцияси фақат фуқаролар томонидан бирон низоли ҳолат юзасидан судга мурожаат қилинган ҳолатда юзага келади. Шу жиҳатдан фикр юритган ҳолда, мамлакатимизда жорий этилган тартиб, бизнингча, бошқа механизмларга нисбатан самаралироқ ҳисобланади.

Идоравий норма ижодкорлиги устидан маъмурий назорат тури ҳам алоҳида ажратилади. Бугунги кунда Англия, Канада, Австралия ва айрим ривожланган давлатларда парламент назорати орқали маъмурий назоратни кенгайтириш тенденцияси кузатилмоқда [7, 591-бет]. Бундан ташқари, кўплаб хорижий давлатларда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мажбурий нашр этилиши, уларнинг ишлаб чиқиши, қабул қилиниши ва эълон қилинишини тартибга солувчи қонун нормаларини ишлаб чиқиш, уларни парламентга юбориш, суд ёки парламент қарорига биноан уларни бекор қилиш ёки тўхтатиб қўйиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда [5, 25-бет].

Шунингдек, назорат қилувчи орган ва хизматларнинг асосий эътибори қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш, давлат органини бу ҳақда оголантириш ва бундай қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олишга қаратилмоқда.

Қайд этиш лозимки, давлат рўйхатидан ўтказилмаган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳим хусусияти уларнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилиши ҳисобланади, амалдаги қонунчилик бундай ҳужжатларни давлат рўйхатидан

ўтказиш орқали уларнинг қонунийлигини қўшимча кафолатлайди [6, 22-бет].

Демак, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш – ижтимоий муносабатлар субъектларининг қонуний манфаатлари бузилишининг олдини олиш мақсадида вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг фаолиятида қонунийлик ва норма ижодкорлиги интизомига риоя қилинишини назорат қилиш йўналишида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга ошириладиган фаолиятдир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тузилмасига кўра, мазкур фаолият билан Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси шуғулланади. Мазкур бошқарма ўз ваколатлари доирасида давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, қонун ҳужжатлари талаблари асосида қабул қилинган деб ҳисобланган ҳужжатларни тегишли сон билан рақамлайди ва Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига киритади, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ва қўллаш, шунингдек қабул қилинган ҳужжатларни эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказиш бўйича ишини назорат қилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш институтида кўтариладиган энг муҳим масала вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар томонидан қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукумати ҳужжатлари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат орқали тартибга солишга уринишдир. Шу жиҳатдан назар ташланса, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, тадбиркорлик субъектларига ортиқча бюрократик тўсиқ ва сансалорликни белгилловчи нормаларнинг қабул қилинишига йўл қўймаслик идоравий норматив-ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш институтининг самарадорлигига бевосита боғлиқдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш фақат идоравий норма ижодкорлигининг қонунийлиги устидан назорат ҳисобланмайди, балки идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг эълон қилиниши ва кучга киришининг муҳим шarti ҳисобланади. Акс ҳолда, яъни давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиб, амалга киритган мансабдор шахс Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 198³-моддасига (вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини амалга киритиш) мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади. Зотан, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 27-моддасига кўра [1], вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этиши лозим. Уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун асос бўлиб

хизмат қилиши мумкин эмас ва ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон “Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Адлия вазирлигига вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларга ўн кун муддатда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш ёки давлат рўйхатидан ўтмаган ҳужжатларни бекор қилиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, етказилган зарарларни қоплаш тўғрисидаги даъволар билан суд органларига мурожаат қилиш, шунингдек айбдор мансабдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш масаласини Ҳукумат олдига қўйиш ҳуқуқи берилган [2].

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнини кўриб чиқадиغان бўлсак, мазкур жараённинг олтита босқичдан иборатлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан: 1) ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш; 2) ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш; 3) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига рўйхатдан ўтказиш рақами берилган ҳолда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида ёзув киритиш; 4) ҳужжатни Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига киритиш; 5) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўз кучини йўқотганлиги тўғрисида ёзув киритиш; 6) ҳужжатни Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш.

Кўрсатилган босқичларнинг ҳар бири ўзига хос тартиб-таомилларга эга. Масалан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш унинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатларига, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослиги ва мақсадга мувофиқлигини текширишни амалга оширишга қаратилган кенг қамровли фаолият ҳисобланади.

Маълумки, экспертизанинг бир нечта турлари мавжуд: ҳуқуқий, молиявий, экологик экспертиза ва ҳ.к. Бугунги кунда мамлакатимизда ва хорижий давлатларда олимлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг криминалогик экспертизадан ўтказилишига доир қатъий талаблар қўйилиши хусусида фикрлар илгари сурилмоқда [4, 37-бет; 8, 34-бет]. Республикаимизда бу борада норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари криминалогик экспертизасига альтернатив сифатида коррупциявий экспертизадан ўтказилмоқда. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларининг (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) 21-бандига кўра [3], идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган қоидалар ва нормалар киритилиши тақиқланади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёнида аниқланган ҳолатлар ва камчиликларни таҳлили бугунги кунда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тилшунослик экспертизасидан ўтказишга доир талаблар белгилаш зарурати мавжудлигини

кўрсатмоқда. Шу сабабдан, Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) мазкур ҳужжатларнинг филолог мутахассис томонидан тилшунослик экспертизасидан ўтказилиши, филолог мутахассиснинг хулосасини Адлия вазирлигига тақдим этишга доир талабларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқий экспертиза натижалари бўйича тақдим этилган ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилиши (*Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи билан*), давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши, давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас деб топиллиши мумкин.

Тақдим қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин, агар:

а) ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатларига, мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар мақсадлари ва вазифаларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига зид бўлса;

б) ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги низом, шунингдек Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) билан ўрнатилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиш тартибини бузган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилган бўлса;

в) ҳужжат манфаатдор органлар билан келишиш мажбурий ҳисобланганда, бундай органлар билан келишилмаган бўлса;

г) ҳужжат Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) билан ўрнатилган бошқа талабларга жавоб бермаса.

Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган кундан бошлаб ўн кун ичида вазирлик ёки идора раҳбари ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс рўйхатдан ўтказиш рад этилган ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида тегишли ҳужжат қабул қилади ва унинг нусхасини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборади. Ушбу ҳужжат ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олмаслиги ва уни давлат рўйхатидан ўтказишга зарурат бўлмаслиги лозим.

Шу ўринда қонун ҳужжатлари бўшлиқ мавжудлигини эътироф этиш жоиз. Жумладан, Адлия вазирлигининг хулосасидан норози бўлган давлат органининг амалга ошириши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатлари қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган. Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганганимизда, хусусан, Россия Федерацияси Ҳукуматининг 1992 йил 8 майдаги 305-сон “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги қароридан давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган ҳужжат бўйича давлат органи Россия Федерацияси Ҳукуматига шикоят қилиши мумкинлиги белгиланган. Бизнингча, қонун ҳужжатларида қайд этилган низоли ҳолатни бартараф қилиш бўйича ўзига хос бўлган тартиб-таомилни ҳам белгилаш мақсадга мувофиқ.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат вазирлик ёки идорага бу ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилган органнинг илтимосига кўра, ҳуқуқий экспертизанинг исталган босқичида давлат рўйхатидан ўтказмасдан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қайтариб берилиши мумкин. Бу ҳолда вазирлик ёки идора Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тегишли хатни, ушбу ҳужжатни бекор қилиш ҳақидаги ҳужжатнинг нусхасини юборди.

Бундан ташқари, агар ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳуқуқий экспертиза ўтказиш натижасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас деб топилса, ушбу ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этган органга ушбу қарорни қабул қилиш асослари кўрсатилган тегишли хулоса юборилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши мамлакатимизда қонун устуворлигининг янада самарали таъминлашга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли муҳофаза қилишга, тадбиркорлик субъектларига ортиқча ғов ва тўсиқларни бартараф этишга доир қонун талабларини таъминлашга хизмат қилади. Зотан, қонун устуворлиги жамиятда қонунларга оғишмай риоя қилиш билан бирга, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва юқори турувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлишини талаб этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 1997 й., 10-сон, 33-модда

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 53-мх-сон “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Буйруғи (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль). // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 110-модда, 21-сон.

4. Арзамасов Ю.Г. Ведомственный нормотворческий процесс в Российской Федерации: Автореф. дисс... докт. юрид. наук. – М., 2004. – С. 37.

5. Белых С.В., Мельникова Л.С., Минашкин А.В. Нормотворческая деятельность федеральных министерств. // Законодательство и экономика. – 2000. – №1. – С. 25.

6. Жевакин С.Н. Ведомственные нормативные акты в Российской Федерации. – Воронеж, 1998. – С. 22.

7. Марченко М.Н. Источники права. Учебное пособие. – М.: Проспект, 2005. – С. 591.8. Ралдугин Н.В. Правовая экспертиза проектов федеральных законов. – М., 1998. – С. 34.

9. Романов А.К. Правовая система Англии. Учебное пособие. – М.: Дело, 2000. – С. 137.

10. Фридман Л. Введение в американское право. – М.: Прогресс, 1993. – С. 101.

Ж. Азамов
самостоятельный соискатель

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ В ПРАВОПРИМЕНИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация: мақолада ҳуқуқни қўллашнинг муҳим омили бўлган ҳуқуқни қўллашда прогнозлашнинг мазмуни ва моҳияти ўрганилган, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида прогнозлашни таъминлаш зарурати билан боғлиқ белгилар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ҳуқуқни қўллаш фаолияти, прогнозлаш, ҳуқуқни қўллашнинг самарадорлиги

Аннотация: в статье рассматриваются сущность и содержание правоприменительного прогнозирования, являющегося важнейшим фактором правоприменения, а также анализируются признаки, обуславливающие объективную необходимость прогнозного обеспечения в правоприменительной деятельности.

Ключевые слова: правоприменительная деятельность, прогнозирование, эффективность правоприменения.

Abstract: The article examines the nature and content of forecasting enforcement, enforcement is an important factor, as well as analyzes the features that contribute to the objective necessity of predictive maintenance to law enforcement.

Key words: enforcement activities, forecasting, law enforcement effectiveness.

Проблема эффективности правоприменительной деятельности имеет огромное научно-практическое значение, она приобретает приоритетный характер в условиях непрерывного обновления законодательства, совершенствования методов и способов применения норм права. Применение права, являясь особой, специфической формой реализации права, наиболее полно воплощает назначение права в действительность, отражает его цели и сущность. Право представляет собой мощный регулятор общественных отношений, однако процесс правового регулирования не осуществляется сам по себе. Ведь для того, чтобы принятый закон реально работал, он должен быть реализован. Важно не просто принять правовые акты, но и выстроить систему, позволяющую претворить эти акты в жизнь. Ведь, по сути, право ничто, если его положения не находят своей реализации в общественных отношениях.

Сегодня в юридической литературе под правоприменительной деятельностью традиционно понимается «властная деятельность компетентных органов и лиц по подготовке и принятию индивидуального решения по юридическому делу на основе юридических фактов и конкретных правовых норм» [1, 382-стр]. Правоприменение имеет свои средства и способы. Под средствами правоприменения понимают инструменты, при помощи которых обеспечивается получение необходимого социального, юридического и иного результата, достижение поставленных перед правоприменителем целей [2, 10-стр]. Способ правоприменения определяется как конкретный путь достижения намеченных целей и результатов с помощью конкретных средств и при наличии соответствующих условий и предпосылок правоприменительной практики. Указанные средства и

способы являются инструментами достижения цели – воплощение права в жизнь.

Конечно, эффективность правоприменительной деятельности во многом зависит от социально-юридической обоснованности и качества нормативного акта [3, 18-стр]. Непродуманные, поспешно сконструированные нормы закона оставляют широкое поле для «свободы усмотрения» правоприменителя. В результате наблюдается расширительное или ограниченное толкование содержания нормы права, что приводит к достижению целей, прямо противоречащим цели, заложенной в них законодателем. Следовательно, необходима жесткая привязка целей правоприменения к цели, преследуемой законодателем, только тогда возможна эффективность правоприменительной деятельности. Поэтому вполне обоснована позиция, о том, что «правоприменение является мерилom обоснованности и истинности правовых норм. Именно здесь проверяется степень истинности и качество принятой нормы права» [4, 86-стр].

Правовая жизнь, правовая система любого государства не может развиваться без предвидения будущего, без его прогнозирования. Как показывает практика, чем выше уровень разработки прогнозов, чем они качественнее, а значит достовернее и эффективнее, тем результативнее правовое регулирование общественных отношений. Без умения научно предвидеть ход и развитие правовых процессов невозможно обеспечить стабильность развития и функционирования правовой системы в целом, способствовать ее безболезненной адаптации к внутренним и внешним изменениям, адекватному реагированию на потребности юридической практики.

Следует особо подчеркнуть, что юридическая прогностика, как относительно молодая междисциплинарная дисциплина, сегодня вызывает не только академический интерес. Ее необходимость обусловлена еще и тем, что компоненты правовой политики (правовые отношения, процессы, действия) носят динамический характер, то есть отличаются постоянной текучестью и изменчивостью. А одним из параметров стабильно функционирующей правовой системы является предсказуемость динамики процессов ее развития. Добиваться этого, так же как и обеспечивать грамотное, рациональное правовое регулирование призвано, в том числе, прогнозирование, базирующееся на учете известных закономерностей и выявлении тенденций правового развития.

В научной литературе сущность юридического прогнозирования раскрывается по-разному. Зарипов З.С. считает, что «прогнозирование – это процесс научного предсказания (предвидения) будущего состояния прогнозируемого объекта на основе анализа его прошлого и настоящего, систематическое получение научно-обоснованной информации, содержащей количественную и качественную характеристику изучаемого явления относительно перспективного периода» [5, 4-стр]. Агамиров В.К. под ним понимает «исследование перспектив состояния и развития в сфере правовых отношений ... общества в рамках ближайшего исторического периода» [6, 8-стр]. Тультеев И.Т. дает следующее определение: юридическое прогнозирование есть система средств, приемов и способов познания тенденций развития и будущего состояния правовых процессов, явлений и институтов [7, 18-стр]. Ломтева В.С. отмечает, что «прогнозирование правоприменитель-

ных стадий предполагает моделирование результатов реализации нормы права в конкретной ситуации в виде получения социально-правового эффекта как позитивного, так и негативного характера» [8, 6-стр].

Для правоприменительных органов и лиц иметь научно обоснованные прогнозы – значит предвосхищать ход правовых событий и действий при применении норм права, и, соответственно, получить возможность своевременно реагировать на нежелательные ситуации, повышать эффективность управления и контроля над ними. Конечно для того, чтобы точно предсказать то или иное будущее событие, суметь достоверно описать то, что может произойти, необходимо выполнить множество условий, что весьма сложно в условиях непрерывно преобразующейся правовой действительности. Тем не менее, субъекты правоприменения обязаны постоянно стремиться к предвидению возможных последствий своих действий и актов. Баранов В.М. справедливо указывает на необходимость предварительного прогнозирования вариантов противодействия закону как на необходимое условие его качественного и эффективного применения [9, 34-стр].

Умелое ведение правоприменительной деятельности, грамотное осуществление предписаний норм права субъектами правоприменения, их способность оптимально организовать юридические действия и операции, а также быстрое, полное и адекватное разрешение юридических дел, рациональное использование имеющихся средств и вынесение грамотных юридических решений способствуют достижению целей и задач правового регулирования. Безусловно, правоприменительные решения должны быть прогностически обоснованными, взвешенными, продуманными, юридически грамотными и учитывающими все возможные последствия. Для этого необходимо широко использовать в правоприменении юридическое прогнозирование.

Если правотворчество может придать норме качество права, то степень адекватности новой нормы социальным потребностям выявляется посредством правоприменения. Принятию правового акта должна предшествовать научная разработка и оценка практики применения правовых норм. Предотвратить возможные недостатки правового акта можно во многом устранить, используя надлежащим образом обработанные данные правоприменительной практики, в ходе которой абстрактная норма права соотносится с реальными отношениями, проходит «обкатку». В качестве примера здесь можно привести постановления пленумов высших судебных органов, в которых на основе анализа и обобщения правоприменительной судебной практики выдаются правовые решения, которые должны приниматься нижестоящими судами в аналогичных ситуациях. Так, постановление пленума Верховного суда Республики Узбекистан №19 от 19 декабря 2003 года прямо так и называется – «О применении судами некоторых норм гражданского процессуального законодательства» [10]. Думаем, вряд ли можно отрицать прогностический характер таких постановлений, поскольку они предвизят и предупреждают возможные ошибки судей и призваны их не допустить.

Правоприменительная практика выступает основным элементом механизма правового регулирования, «тестирующем» законодательство на предмет эффективности, качества, логичности,

системности и т.д. Именно деятельность правоприменительных органов, которые в процессе своей деятельности реально сталкиваются с существующими недостатками права, способны адекватно оценивать действенность принятых норм права. В ходе правоприменительной практики уже выработаны определенные способы выявления недостатков законодательства, которые используются в процессе правоприменения. К ним следует отнести деятельность Пленума Верховного и Высшего хозяйственного судов, которые проводят обобщение и анализ судебной практики. Такое же обобщение осуществляет органы юстиции [11], прокуратуры и органов внутренних дел Республики Узбекистан. В качестве специфического способа анализа правоприменительной практики следует отнести и деятельность Института мониторинга действующего законодательства при Президенте Республики Узбекистан [12, 320-стр].

Итак, теория правоприменительного прогнозирования образует самостоятельное междисциплинарное направление юриспруденции и ориентировано на всестороннее предвидение социально-правового эффекта правоприменения. Мы присоединяемся к мнению Тультеева И. и Тастанбековой Г., считающих, что правоприменительное прогнозирование «есть система осуществляемых субъектами правоприменительной деятельности приемов и методов предвидения и распознавания желательных и возможных последствий применения правовых норм» [13, 80-стр]. Мы считаем, что прогнозирование является одним из условий эффективной правоприменительной деятельности, оно повышает действенность права, позволяет заблаговременно выявлять и избегать «сбоев» и иных негативных последствий правоприменительных действий. Такой подход к прогнозированию в правоприменительной деятельности определяет концептуальное значение прогнозного мышления правоприменителя, его способностей принять обоснованное, законное, адекватное решение, характеризующееся такими признаками, как компетентность, результативность и своевременность. Этот подход основан на учете закономерностей и требований процесса правоприменения, умения правильно применять их в повседневной деятельности.

Основываясь на сказанном, позволим обосновать следующий вывод: правоприменительные решения должны быть прогностически обоснованными, взвешенными, продуманными, юридически грамотными и учитывающими условия и перспективы правового развития ситуации. В процессе правоприменения реальная жизненная ситуация накладывается на ту идеальную модель, которая закреплена в нормах права. Программирующая функция правовой модели позволяет предвидеть реализацию правовых предписаний в процессе правоприменения. Примером этого может служить проект мирового соглашения, подготовленный адвокатом в гражданском процессе, которое затем должно быть утверждено судебным актом (определением) [14]. Поскольку подобный документ содержит, по сути, юридическое разрешение имеющегося спора, а также модель будущих взаимоотношений сторон по предмету спора, последствиям и исполнению соглашения. Значит, проект документа, подготовленный адвокатом, может рассматриваться как прогнозная модель, посредством которой разрешается спор сторон.

Как уже отмечалось, правоприменение представляет собой познавательный-оценочный и процедурный процесс, в ходе которого применяются соответствующие нормы права. Важным средством прогнозирования эффективности принимаемых правовых решений и отладки механизма реализации предлагаемых нововведений является правовое экспериментирование. Саидов А.Х. определяет правовой эксперимент как форму соединения правовой теории и юридической практики. По его мнению, правовой эксперимент является «теоретическим моментом» правоприменительной деятельности и одновременно «практическим моментом» теоретического познавательного правового процесса [15].

Например, апробация проекта закона «Об открытости деятельности органов государственной власти и управления», проводившаяся с апреля по декабрь 2013 г. в Бухарской и Самаркандской областях, позволила на основе реального правоприменения проверить действенность предполагаемого дополнения в законодательство. При этом прогнозирование стало и принципом, и функцией правового эксперимента. Как результат, за время эксперимента уполномоченные представители органов государственной власти Бухарской области сделали около 1500 выступлений и заявлений по телевидению, радио и в прессе, провели 67 пресс-конференций и брифингов для журналистов. В процессе реализации правового эксперимента в 3,5 раза выросло количество опубликованных критических материалов в печатных средствах массовой информации.

Таким образом, теоретический анализ проблем правоприменения позволяет констатировать объективную необходимость прогнозного обеспечения правоприменительной деятельности, обосновать идею о том, что правоприменительное прогнозирование является составным элементом и занимает важное место в системе правоприменительной деятельности. Системный анализ понятия «прогнозирование в правоприменительной деятельности» позволяет понимать его в трех значениях: как принцип, свойственный правоприменению, как важную функцию правоприменения и как определенную деятельность. Изложенное позволяет прийти к выводу о том, что прогнозное обеспечение правоприменительной деятельности выступает важным фактором ее обоснованности и эффективности.

Список литературы:

1. Теория государства и права. Учебник. /Под ред. В. М. Корельского и В. Д. Перевалова. – М., 1998. – С. 382.
2. Пулатова Н.С. Роль судебных актов в механизме правового регулирования (теоретико-правовые вопросы): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. (на узб. языке). – Т., 2011. – С.10.
3. Мухаммедов Ў.Х. Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни тизимлаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. - Т., 2010. – Б. 18.
4. Тультеев И.Т. Правотворческая деятельность и прогнозирование. – Т., 2010. – С. 86
5. Зарипов З. С. Основы криминологического прогнозирования и планирования в борьбе с преступностью. – Т., 1995. – С. 4.

6. Агамиров В. К. Прогнозирование в теории и социологии права: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 1987. – С. 8.

7. Тультеев И.Т. Правотворческое прогнозирование: теория, методология, практика: Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – Т., 2010. – С.18.

8. Ломтева В. С. Прогнозирование в правотворчестве и правоприменении: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2006. – С. 6.

9. Баранов В. М. Прогнозирование вариантов protivodeystviya zakonu как необходимое условие его качества (технико-юридический аспект) // Правотворчество и технико-юридические проблемы формирования системы российского законодательства в условиях глобализации. Сборник статей. – Н. Новгород, 2007. – С. 34.

10. Бюллетень Верховного Суда Республики Узбекистан. – N 4, – 2003.

11. «Аналитические материалы по итогам мониторинга за реализацией нормативно-правовых актов, направленных на совершенствование правового образования, воспитания и пропаганды в системе Министерства народного образования и Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан» // Текущий архив Центра по мониторингу за реализацией нормативно-правовых актов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан за 2008 г., дело №6-23/12

12. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни мониторинги / Масъул муҳаррир Ш.Х.Файзиев. – Т.: 2009. - 320 б.

13. Тультеев И.Т., Тастанбекова Г.С. Проблемы толкования и прогнозирования в правоприменительной деятельности органов внутренних дел. / ИИВ Академисининг 10-йиллиги юбилейига бағишланган илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ЎЗР ИИВ Академиси, 2004. – С. 80.

14. Ст. 180 Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан // <http://lex.uz>.

15. Саидов А.Х. Правовой эксперимент как эффективная форма законотворческой деятельности субъектов законодательной инициативы // The central European journal of social sciences and humanities. 2014. <http://cejsh.icm.edu.pl>.

О.Д.Утегенов

ТДЮУ мустақил изланувчиси, ю.ф.н., доцент

ЖАМОАТ ЭКОЛОГИК НАЗОРАТИ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ҲАРАКАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

Аннотация: мақолада жамоат экологик назоратининг субъекти сифатида Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг ҳуқуқий ҳолати ҳақида сўз юритилади, тегишли тавсиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: жамоатчилик экологик назорати субъекти сифатида, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг ҳуқуқий ҳолати.

Аннотация: в статье говорится о правовом статусе субъекта Экологического движения Узбекистана общественно-экологического контроля, имеются выводы и предложения по данной проблеме.

Ключевые слова: общественность как субъект экологического контроля, правовой статус экологического движения Узбекистана.

Annotation: This article is about particular qualities and conceptions of socio-ecological control of Uzbekistan, conclusions and offers are done about this problem.

Key words: society as subject of ecological control, legal state of ecological movement of Uzbekistan.

Жамоат экологик назоратини амалга оширишда Ўзбекистон Экологик ҳаракати муҳим ва ўзига хос ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра, 2008 йил 2 августда мамлакатимиз эколог олимлар, шу йўналишда иш олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фаол жамоатчиликнинг ташаббуси асосида Ўзбекистон экологик ҳаракатининг тузилганлиги жамоат экологик назоратини амалга ошириш имкониятини сезиларли даражада оширувчи муҳим қадам бўлди.

Президент Ислом Каримовнинг 2015 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида барча соҳаларда қабул қилинган янги қонунлар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, жамиятимизда манфаатлар мувозанатини таъминлаш каби энг муҳим вазифаларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтирганини алоҳида таъкидлади. Маърузада Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг фаолиятига ижобий баҳо берилиб, Қонунчилик палатасида ушбу ҳаракат вакилларига ўн бешта депутатлик ўрнини ажратиш ҳақида қабул қилинган қарор нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаётгани алоҳида қайд этилди.

Бундай амалиёт бугунги даврнинг долзарб талаби ҳисобланиб, халқаро андозаларга тўла мос келади. Ж.Т.Холмўминов эътироф этганидек, “Экоҳаракатнинг ташкил этилганлиги мамлакатимизда экологик жамоат бирлашмалари ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди. Айниқса, юртимизда фаолият юритаётган экологик жамоат бирлашмалари Экоҳаракат тимсолида атроф табиий муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазаси бўйича барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ҳамда сафарбар этиш имкониятига эга бўлинди” [1].

Ж.Неру номидаги университетнинг Халқаро тадқиқотлар мактаби Россия ва Марказий Осиё тадқиқотлари дастури директори Аджай Кумар ҳам Экоҳаракат фаолиятига юқори баҳо бериб, у бирлаштирувчи ва йўналтирувчи вазифани бажаришини, экология соҳасида давлат сиёсатини шакллантиришда фаол иштирок этишини бу эса, унга табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини такомиллаштиришга бевосита таъсир кўрсатиш имконини беришини таъкидлайди [2].

Ўзбекистон экологик ҳаракати фаолияти сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида экологик ёндашув мамлакатнинг барқарор ривожланишида энг муҳим омил бўлишига ишонган, атроф-муҳит ва инсон саломатлиги ҳақида ғояларни қўллаб-қувватловчи ҳамда уларни амалга ошириш истагида бўлган фуқаролар ва нодавлат нотирожат ташкилотларни бирлаштирган.

Экоҳаракат – Ўзбекистон фуқароларининг бугунги ва келажак авлоди қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш, соғлиқни сақлаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизлигини таъминлашга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларга сўзсиз риоя этилишига қаратилган янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштиришда бевосита фаол иштирок этишга ҳамда бу борада жамиятнинг барча саъй-ҳаракатларини сафарбар қилишга интилувчи мамлакат фуқаролари ва ташкилотларни ихтиёрийлик асосида бирлаштирувчи оммавий жамоат ҳаракатидир.

Ж.Холмўминов эътироф этганидек, “Экоҳаракатнинг асосий хусусияти ҳам шундан иборатки, у Ўзбекистон фуқароларининг ҳозирги ва келгуси авлодининг қулай атроф табиий муҳит шароитида яшаи, аҳоли саломатлигини яхшилаш, барча табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқларини ҳамда уларга сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштиришда жамиятнинг бор куч ва салоҳиятини сафарбар қилишга интилади [3]”.

Экоҳаракат дастурида белгиланишича, соғлом атроф-муҳит муҳофазаси давлатимиз, жамиятимиз ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлиши лозим. Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатларини олдини олиш борасида муайян тажриба орттирилди. Аммо соҳадаги вазифаларнинг миқёси ва кўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади. Соғлом атроф-муҳит муҳофазаси давлатимиз, жамиятимиз ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлиши лозим.

Экоҳаракатнинг ташкил этилганлиги мамлакатимизда экологик жамоат бирлашмалари ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди. Эндиликда юртимизда фаолият юритаётган экологик жамоат бирлашмалари Экоҳаракат тимсолида атроф табиий муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазаси бўйича барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ҳамда сафарбар этиш имкониятига эга бўлдилар. Ҳозирги кунда бундай жамоат бирлашмалари сони 260 дан ортди [4].

Бу борадаги жамоатчилик саъй-ҳаракатларининг давлатимиз томонидан фаол қўллаб-қувватланаётганлиги, жумладан, сайлов қонунчилигига мувофиқ Экоҳаракатга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидан ўн бешта депутатлик ўрни ажратилганлиги Экоҳаракат зиммасига катта масъулият юклаш баробарида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик аҳволни яхшилаш, аҳоли саломатлиги учун курашда кенг имкониятларни яратмоқда [5].

Экоҳаракатнинг ўз мақсадлари сифатида қуйидагиларни эътироф этди: Ўзбекистон бугунги ва келажак авлодининг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш, соғлиқни сақлаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизлиқни таъминлашга бўлган ҳуқуқларига риоя этилишига эришиш; аҳолини атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва инсон саломатлигини сақлаш, экологик ҳолатини яхшилаш, атмосфера, сув ва сув ресурслари, уларни зарарли чиқиндилардан муҳофаза қилиш, биологик хилма-хилликни асраш ва тиклаш борасидаги ишлар фаоллигини ошириш; қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, инсон саломатлигини сақлаш ва экологик хавфсизлиқни таъминлаш борасидаги умуммажбурий тусга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, ушбу соҳада зарур қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиши юзасидан ташаббуслар билан чиқиш; давлат органлари, ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтларининг улар зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича вазифаларни ҳал қилиш учун ажратилган маблағлардан оқилона фойдаланиш борасидаги масъулиятини ошириш; аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш, таълим муассасаларида экология, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва инсон саломатлигини сақлаш масалалари бўйича махсус фанларни жорий этиш; экологик хавфсизлик, қулай атроф-муҳит ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш.

Экоҳаракат ўз мақсадларига эришиш учун ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўйди: жамоатчиликнинг атроф табиий муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни соғломлаштириш ишидаги фаоллигини ошириш; атроф табиий муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш; атроф табиий муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, шу мақсадларга йўналтирилган маблағлардан оқилона фойдаланиш бўйича қонунлар ва бошқа давлат қарорларининг сўзсиз ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш; аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш; атроф табиий муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш; атроф-муҳит муҳофазаси давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлишига эришиш; экоҳаракат

қатнашчилари бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш [6].

Экологик ҳаракатнинг асосий эътибори атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг умумий вазифаси бўлиб қолишига йўналтирилади. Ушбу мақсадларда Экоҳаракат ўз саъй-ҳаракатларини: ўз қатнашчилари ва ташкилотларида, ҳамкорларида минтақавий, миллий ва маҳаллий экологик ҳамда аҳоли саломатлиги муҳофазаси яхлит дастурларини ишлаб чиқиш ва бажаришдаги амалий иштирокларини фаоллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни шакллантиришга; Экоҳаракат қатнашчилари ва ҳамкорларининг давлат органлари ва жамоат тузилмалари томонидан мавжуд экологик муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси борасидаги масъулиятини кучайтиришга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштиришга; жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг муайян экологик муаммоларни ҳал этишдаги ҳамкорликлари самарадорлигини ошириш ва ривожлантиришга йўналтиради. Экоҳаракат халқаро ва чет эл экологик ташкилотлари билан алоқаларни мустақамлаш орқали атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси бўйича самарали халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишга интилади [7].

Экоҳаракатнинг асосий вазифаларидан бири давлат идоралари, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари, барча корхона ва муассасаларнинг атроф-муҳит муҳофазаси, сув ва ҳаво ҳавзалари, ер ва биологик ресурслар ҳолатини яхшилаш ҳамда уларни чиқиндиларнинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги амалдаги қонунлар ва бошқа қарорлар ижросини таъминлаш бўйича ишларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ушбу соҳада кенг жамоатчилик кўмагини шакллантиришдан иборатдир.

Хусусан, Экоҳаракат бу борада: фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқини ҳимоялашга ҳамда табиатдан фойдаланиш соҳасида иқтисодий механизмларни жорий қилишга қаратилган экологик хавфсизликни комплекс тарзда таъминлаш бўйича қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва уларни амалга оширишга; мамлакатда экологик ҳуқуқбузарликлар ва табиатга бошқача тарзда зарар етказганлик учун корхона ва ташкилотларнинг, мансабдор шахслар ва алоҳида фуқароларнинг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга; экологик ҳуқуқбузарликлар ва табиатга зарарли бўлган бошқа таъсирлар оқибатларини бартараф этиш, шу жумладан, трансчегаравий аҳамиятга эга бўлган ҳолатларда ҳам улар томонидан атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига етказилган зарарни қоплашни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга интилади.

Таъкидлаш лозимки, Экоҳаракатнинг жамоат экологик назоратига оид ваколатлари “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши билан илк маротаба қонун даражасида белгилаб берилди. Ушбу Қонуннинг нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамоат экологик назоратини амалга ошириш соҳасидаги ваколатларига оид 16-моддасида нодавлат

нотижорат ташкилотларга хос бўлган 12 та ҳуқуқ билан бир қаторда Ўзбекистон экологик ҳаракати ўз уставидаги вазифаларига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотларининг экологик назоратни амалга оширишдаги иштирокини янада кучайтиришга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиши кўзда тутилди. Яъни, бошқача айтганда, Қонун Экоҳаракатнинг жамоат экологик назорати соҳасидаги ваколатларини 13 та қилиб бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларга нисбатан кенгайтириб белгилайди.

Айни дамда Экоҳаракат томонидан жамоат экологик назоратини амалга оширишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, Экоҳаракатда жамоат экологик назоратини парламент назорати билан уйғунлаштириш имконияти мавжуд. Бу юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида жамоат экологик назоратининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Яъни, Экоҳаракат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлик гуруҳи орқали давлат ҳокимияти аҳамиятга эга бўлган парламент ва депутатлик назоратининг парламент эшитуви, Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш, депутатлик сўрови, давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш ёки бўлмаса қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи орқали атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган муайян қонун ҳужжатларининг қабул қилинишига эришиш каби усул ва воситалардан ҳам фойдаланиш имконига эгадир. Айнан ушбу жиҳат жамоат экологик назоратининг бошқа субъектларига хос бўлмаган хусусиятдир. Экоҳаракат томонидан амалга ошириладиган жамоат экологик назоратининг ўзига хос хусусияти ҳам шундадир.

Б.Алихонов таъкидлаганидек, “Ташкилот ўз фаолияти давомида марказда ва жойларда ҳамда хорижда 4050 та амалий тадбир ўтказди ва уларда икки миллиондан зиёд жамоатчилик вакиллари қатнашди. Шулардан мингдан ортиқ назорат-таҳлил ва амалий тадбирлар Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан амалга оширилди” [8].

Ў.Р.Ҳамраев эса, Экоҳаракатнинг экологик қонунчилик қоида-талабларини амалга оширишдаги фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтади: жамоат экологик назорати; жамоат экология экспертизаси; жамоатчилик эшитуви; давлат органлари билан ҳамкорлиги; жамоатчилик ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва бошқалар. Муаллифнинг ёзишича, Экоҳаракат томонидан атроф табиий муҳит, аҳоли саломатлиги муҳофазаси соҳасидаги қонунлар ва давлат дастурлари ижросини таъминлаш бўйича корхоналар, марказий ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органларининг “жамоатчилик эшитуви” йўлга қўйилганлиги ижобий самара бермоқда [9].

Экоҳаракатнинг 2014 йил ва 2015 йил биринчи ярим йиллик яқунлари бўйича фаолияти бўйича ҳисоботини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, Экоҳаракат томонидан 2014 йил давомида 887 та, 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида эса, 508 та тадбир ўтказилган. Шу жумладан, атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни соғломлаштириш ишида жамоатчилик иштироки фаоллигини ҳар томонлама кучайтиришга қаратилган дастурий вазифани бажариш мақсадида ҳудудий бўлинмалар фаолиятини кучайтириш асносида марказда ва жойларда 2014 йил давомида 300 дан ортиқ, 2015 йилнинг 6 ойи давомида 200 дан зиёд тадбирлар ташкил этилди.

Шунингдек, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш йўналишида 2014 йил давомида 75 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилган бўлса, 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида 93 та тадбирлар ўтказилди.

2014 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият олиб борган Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, мамлакатда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга қаратилган 9 та қонун ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Экоҳаракат депутатлари томонидан 2015 йилнинг I ярим йиллигида 6 та, шу жумладан, 2 та янги қонунлар устида, яъни “Аҳолининг санитар-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги ва “Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида”ги қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги экология соҳасидаги 5 та қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича фаолият олиб бордилар.

Ушбу йўналишдаги қонунлар талабларини бажарилишига қаратилган 90 дан ортиқ назорат-таҳлил тадбирлари ташкил этилди. Атроф табиий муҳит муҳофазаси ва шу мақсадларга ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида қабул қилинган ҳужжатларни ижро этишда марказда ва жойларда давлат органлари, жамоатчилик ва бошқа тузилмалар масъулиятни ошириш мақсадида Экоҳаракат томонидан 2014 йил давомида 55 та тадбир ўтказилган бўлса, 2015 йилнинг 6 ойи давомида 20 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳаётга татбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар Дастури”га мувофиқ Экоҳаракат қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Жамоатчилик экологик назорати тўғрисида”ги Низом, “Экологик назорат жамоатчи инспектори тўғрисида”ги Низом ва ННТ учун “Жамоатчилик экологик назорати” мавзусида услубий тавсиялар ишлаб чиқди. Ушбу ҳужжатлар тегишли вазирлик ва идоралар билан белгиланган тартибда келишилиб Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Экоҳаракат қошида “Ишонч телефони” мунтазам равишда фаолият олиб бормоқда. 2014 йил давомида “Ишонч телефони” фуқароларимиздан 418 та, 2015 йилнинг 6 ойи давомида 160 мурожаатлар келиб тушди. Ҳисоботда, шунингдек, мурожаатлар асосида ҳудудларнинг санитар-эпидемиологик ҳолатини ўрганишга қаратилган рейдлар ташкил этилгани ҳам кўрсатилган [10]. Амалиётда ҳам Экоҳаракат ушбу жамоат экологик назорати шаклидан кенг қўлланилади. Бироқ, шу ўринда таъкидлаш лозимки, амалдаги қонун ҳужжатларида, шу жумладан, “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунда ҳам рейд ўтказишга оид ҳуқуқ белгиланмаган. **Шу нуқтаи назардан шаклланган амалиётни қонунийлаштириш мақсадида “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда Экоҳаракатнинг рейдлар ўтказишга оид ҳуқуқини кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.**

Шу ўринда бугунги кунда Экоҳаракатнинг жамоат экологик назоратига оид ваколатларини янада кенгайтириш ва такомиллаштириш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этаётганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Хусусан, экологик қонунчилик талабларини амалга оширишда Ўзбекистон Экологик ҳаракатини

такомиллаштиришнинг асосий йўналишларига Ў.Р.Ҳамраев томонидан тайёрланган номзодлик диссертациясининг алоҳида параграфи бағишланган. Хусусан, тадқиқотчи бу борада *Экоҳаракат томонидан жамоатчилик эшитувини амалга ошириш сингарии амалиёт йўлга қўйилган бўлсада, ушбу фаолиятнинг ҳуқуқий асослари мавжуд эмаслигига ҳақли равишда эътибор қаратиб, Экоҳаракат фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, шу жумладан, унинг уставида жамоатчилик эшитувларини ўтказишни кўзда тутишни таклиф қилади [11].*

Бу борада М.М.Мирақулов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасидаги Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилишдаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтириш фикридан келиб чиқиб, шунингдек, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонун 7-моддаси, “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун 16-моддасини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон экологик ҳаракатига қўйидаги ҳуқуқларни беришни ўйлаб кўришни таклиф қилади:

- парламент томонидан қабул қилинган қонунларга ушбу қонун атроф табиий муҳитга зарар келтиради деб ҳисобласалар, давлат бошлиғининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 1 ва 17-бандларидаги ваколатларидан келиб чиқиб, Президентга вето қўйишни сўраб мурожаат қилиш;

- давлат бошлиғининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-бандидаги ваколатидан келиб чиқиб, экологик қонунчиликни бузган ҳокимларга чора кўришни сўраб Президентга таклиф киритиш;

- экологик қонун ҳужжатларига зид бўлган республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек, ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатиш, бекор қилиш ҳақида давлат бошлиғининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 16-бандидаги ваколатидан келиб чиқиб, Президентга ташаббус билан қилиш;

- давлат бошлиғининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 4-бандидаги ваколатидан келиб чиқиб, экология соҳасидаги у ёки бу халқаро шартномани имзолаш ёки республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлаш бўйича Президентга мурожаат қилиш;

- жамоатчилик назоратини амалга оширилиши мониторинги натижалари бўйича ўз ҳисоботларини давлат бошлиғига ахборот тариқасида тақдим этиш;

- давлат бошлиғига кейинги йилни экологияга оид долзарб масалаларга доир ном билан номлаш ҳамда уни амалга ошириш бўйича дастур лойиҳасини тақдим этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқаётган давлат органларининг агар ушбу қарор лойиҳаси предмети экологияга оид ёки унга боғлиқ бўлса, қоида тариқасида Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг лойиҳа бўйича фикрлари ва таклифларини кўриб чиқиши шартлиги, қарор лойиҳасини ишлаб чиқарувчи орган

Ўзбекистон экологик ҳаракатининг лойиҳаси бўйича фикрлари ва тавсияларини қарорга илова қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматига кўриб чиқиш учун тақдим этиши;

- экологияга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, қарори, фармойиши лойиҳасини тақлиф этиш [12].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Экоҳаракатнинг мамлакатимизда жамоат экологик назорати субъекти сифатидаги мақоми қонун даражасида алоҳида мустақамланганлигини эътиборга олиб, унинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, бу ўринда сўз, авваламбор, Экоҳаракат устави хусусида бормоқда. Зеро, унда Экоҳаракат томонидан жамоат экологик назорати амалга оширилишига оид қоидалар ўрин олмаган. Шу боис:

биринчидан, Экоҳаракат устави янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, унда асосий эътиборни жамоат экологик назоратини амалга оширишга қаратиш мақсадга мувофиқ;

иккинчидан, “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасида Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг жамоат экологик назоратини амалга ошириш билан боғлиқ: атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида рейдлар ўтказиш; атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик шароитларни соғломлаштириш билан боғлиқ ишларда жамоатчилик иштирокининг фаоллигини янада юқори даражага кўтариш; атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишда ва улардан самарали фойдаланишга йўналтирилган маблағлар бўйича давлат қарорлари ва қонунлари тўғридан-тўғри ижро этилишида жамоат экологик назоратини олиб бориш каби ваколатларини мустақамлаш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар рўйхати:

1. Холмўминов Ж. Атроф табиий муҳит ва маданий мерос объектларини муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари // “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – жамият фаровонлиги ва тараққиётининг ҳуқуқий кафолати” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б.46-47.

2. В Узбекистане динамично развивается «третий сектор» // www.eco.uz/ru/biblioteka.

3. Холмўминов Ж, Ибратов А.Т. Экологик қараш – сайлов жараёнида // Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги: халқаро тажриба ва амалиёт. Давра суҳбати материаллари. – Тошкент. ТДЮИ, 2009. – 107 б.

4. Сангинов С. Обучение ННО проектной деятельности – назревший вопрос // www.eco.uz/ru/biblioteka.

5. Файзиев Ш.Х. Демократик сайловлар ўтказишнинг конституциявий асослари // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2009. – №8. – Б. 122.

6. Ўзбекистон Экологик ҳаракати дастури // <http://www.eco.uz/uz/kutubkhona/dasturij-uzhzhatlar>

7. Тилавов У. Экологическое движение Узбекистана: структура, социальные задачи, программные цели и деятельность // <http://credo-new.ru>.

8. Алихонов Б.Б. Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаолиятидаги муҳим босқич // Халқ сўзи, 18.12.2014 й.

9. Ҳамраев Ў.Р. Экологик қонунчилик талабларини амалга оширишда жамоат бирлашмалари иштирокининг ҳуқуқий масалалари: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б.138-139.

10. Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг 2014 йил ва 2015 йил биринчи ярим йиллик яқунларига бағишланган ҳисоботи // Ўзбекистон экологик ҳаракатининг расмий веб-сайти: www.eco.uz.

11. Ҳамраев Ў.Р. Экологик қонунчилик талабларини амалга оширишда жамоат бирлашмалари иштирокининг ҳуқуқий масалалари: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 149.

12. Миракулов М.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга оид ваколатлари // Ўзбекистон Республикасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮУ, 2014. – Б. 145-146.

Р.Р.Ҳақимов

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати,
юридик фанлари номзоди, доцент

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ – ҲОКИМИЯТ ТИЗИМИДА МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда ўтган йиллар давомида парламент назоратининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тадқиқ этилган, ушбу ислохотларнинг ҳоқимият тизимида мувозанатни таъминлашдаги ўрни ва роли очиқ берилган, шунингдек, “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг асосий нормалари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: парламент, парламент назорати, давлат ҳоқимияти, мувозанат.

Аннотация: В статье изучены нормативно-правовые акты, принятые в последние годы в нашей стране в целях совершенствования правовых основ парламентского контроля, раскрыты место и роль данных реформ в обеспечения баланса в системе власти, а также дан анализ основным нормам Закона Республики Узбекистан «О парламентском контроле».

Ключевые слова: парламент, парламентский контроль, государственная власть, баланс.

Annotation: In article normative-legal acts accepted in our country last few years with an intent of improvement of legal bases of the parliamentary control is studied, viewed place and role of the given reforms in providing balance in system of powers, and also analyzed basic rates of Law of Republic of Uzbekistan “About parliamentary control”.

Key words: parliament, parliamentary control, government, balance.

Жорий йилнинг 12 апрелида мамлакатимиз парламентаризми ривожда муҳим аҳамиятга эга бўлган “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинди ва расман кучга кирди [3]. Маълумки, дунё ҳамжамияти томонидан тараққиётнинг “ўзбек модели” сифатида кенг тан олинган ривожланиш йўли асосида мамлакатимизда мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида ҳоқимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг муҳим таркибий қисми бўлмиш парламентининг роли, ваколатлари ва назорат вазифаларини кучайтириш бўйича кенг қўламли ишлар изчиллик билан, босқичма-босқич амалга оширилди. Бунда икки палатали парламент тизимига ўтилгани ва Президентнинг айрим ваколатларини парламентнинг юқори палатаси – Сенатга ўтказилгани муҳим аҳамият касб этди. Бугунги кунда Сенат илгари Президентга тегишли бўлган амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш каби бир қатор ваколатларни самарали амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси асосида 2010 йилда парламентимиз томонидан қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва

фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси давлат ҳоқимияти ва бошқарувини демократлаштириш бўйича ислохотларнинг қонуний ва мантқиқий давоми бўлди. Мазкур Концепцияга асосан 2011 [4] ва 2014 [5] йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, бошқа қонун ҳужжатларига киритилган тузатишлар давлат ҳоқимиятининг асосий субъектлари, шу жумладан, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг давлат бошқаруви соҳасидаги ваколатларини оптималлаштиришга ҳамда ҳоқимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг ривожланишига хизмат қилди.

Мазкур соҳадаги ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, жойлардаги вакиллик органларининг давлат ҳоқимияти тизимидаги ролини ошириш билан бирга ҳукумат, ижро этувчи ҳоқимият органларининг қонунлар ижросини сўзсиз таъминлашдаги масъулиятини кучайтириш имконини берди.

Хусусан, қонун чиқарувчи ҳоқимиятнинг назорат ваколатларини кенгайтириш ва кучайтириш мақсадида 2014 йилда Конституциянинг 78-моддаси парламент назоратини амалга ошириш бўйича қонун чиқарувчи орган ваколатларини конституциявий мустақамлашга қаратилган қоидалар билан тўлдирилди. Бу ўз навбатида, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг конституциявий асосларини мустақамлашда, парламент назорати институти қўламининг янада кенгайиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. Бу тузатишлар “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш учун конституциявий-ҳуқуқий замин яратди.

Бугунги кунда юртимизда парламент назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини 20 дан ортиқ қонунлар ташкил этди. Жумладан, парламент назоратини амалга ошириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунларда, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги, “Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги ва бошқа қонунларда ўз аксини топган.

“Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади парламент назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва алоқадорлигини такомиллаштириш, шунингдек давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг парламент олдидаги масъулиятини кучайтириш учун қўшимча механизмларни яратишга қаратилган.

Мазкур Қонун 28 та моддадан иборат бўлиб, уни тайёрлашда 30 дан ортиқ хорижий давлатлар, шу жумладан АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Швеция, Швейцария, Чехия, Япония, Жанубий Корея ва бошқа илғор мамлакатларнинг ижобий тажрибаси ўрганилган ва фойдаланилган. Қонунда парламент назоратининг субъектлари, объектлари, шакллари, назорат натижалари, назорати субъектларининг ва давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари мансабдор

шахслари мажбуриятлари, ушбу назоратни амалга оширишнинг тартиби батафсил мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, уларнинг қўмиталари, комиссиялари, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) парламент назорати субъектлари ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти парламент назорати объекти сифатида мустаҳкамланди.

Айни пайтда, давлат ҳокимияти бўлиниши принциpidан келиб чиқиб, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг, суриштирув ва тергов органларининг, судларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларни, шунингдек ижро иши юритиш ҳамда нотариал иш юритишнинг муайян материалларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият парламент назоратининг объекти бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди.

Қонунда парламент назоратининг жаҳон миқёсида кенг тан олинган ва мамлакатимиз парламенти амалиётида синалган ўндан ортиқ муҳим шакллари назарда тутилиб, парламент назоратининг ҳар бир шаклини амалга ошириш тартиби қонуннинг алоҳида моддаларида батафсил белгилаб қўйилди.

Хусусан, Давлат бюджетини қабул қилиш масаласида фракциялар, депутатлар гуруҳлари, қўмиталарнинг ваколатлари кенгайтирилди. Улар Давлат бюджети лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қиладилар, у бўйича фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқадилар. Зарур ҳолларда, муҳокамалар чоғида фракциялар, депутатлар гуруҳлари ва Қонунчилик палатасининг қўмиталари Давлат бюджети лойиҳаси параметрлари билан боғлиқ қўшимча ахборотни тегишли органлардан талаб қилиб олиши мумкин.

Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ижроси устидан назоратни амалга оширади. Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг йилнинг ҳар чорагидаги ижросининг боришини кўриб чиқади. Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги масалани дастлабки тарзда муҳокама қилиш давомида фракциялар, депутатлар гуруҳлари ва Қонунчилик палатасининг қўмиталари Давлат бюджетининг даромад қисми ижроси хусусида, ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиш ҳолати тўғрисида тегишли органлардан қўшимча ахборотни, шунингдек уларнинг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиши мумкин. Бунда фракциялар, депутатлар гуруҳлари жойларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари томонидан ўрганиш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Қонунда Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари

юзасидан ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш ҳамда Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш тартибини белгилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш якунлари ҳамда Бош вазирнинг ҳисоботини эшитиш якунлари бўйича Қонунчилик палатаси, Сенат қарор қабул қилиб, унда ҳукуматнинг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар бўлиши мумкинлиги назарда тутилди.

Қонуннинг муҳим янгиликларидан бири – бу парламент сўрови ва депутат, сенатор сўрови институтларининг алоҳида белгиланишидир. Қонунга мувофиқ Қонунчилик палатаси, Сенат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2015 йил 23 январдаги қўшма мажлисида Президентимиз И.Каримов қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ишламаятганлигининг сабабларидан бири сифатида мазкур қонунларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган тегишли қонуности ҳужжатлари чиқарилмаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар [2]. Мана шундай муаммолар юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунда қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширишнинг аниқ механизмлари белгиланди.

Мазкур Қонунга кўра, Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари ўз иш режаларига мувофиқ вақти-вақти билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг, Қонунчилик палатаси ва Сенат қарорларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини жойларга чиқиб ўрганади. Қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш якунлари бўйича Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари ўз мажлисларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиши, шунингдек ўрганиш натижаларини Қонунчилик палатаси, Сенат кўриб чиқиши учун киритиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Эндиликда Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширади. Мониторингни амалга ошириш якунлари Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари мажлисларида кўриб чиқиши мумкин.

Қонун билан белгиланаётган яна бир муҳим янгиликлардан бири – бу парламент текшируви институтининг мустаҳкамланганлигидир. Унга кўра, жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан парламент текширувлари

ўтказилиши мумкин. Қонунчилик палатаси ва Сенат парламент текширувини ўтказиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан комиссия тузади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида [1] мамлакатимизда қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш соҳасидаги ишларга тўхталиб, Олий Мажлис Сенати прокуратура фаолияти устидан назоратни кучайтириши ва унинг фаолияти қонунийлиги масаласини кўриб чиқиши зарурлигини алоҳида қайд этган эди.

Шундан келиб чиқиб, Қонунда прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш механизмлари такомиллаштирилди. Хусусан, прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, мамлакатда қонун устуворлиги ва қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича улар ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида Олий Мажлис палаталари томонидан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси тузилиши белгиланди.

Қонунда парламент назорати натижаларининг алоҳида моддада бир тизимга солиниб мустаҳкамлаб қўйилгани мазкур назорат самарадорлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир. Унга кўра, парламент назорати субъектлари ўз ваколатлари доирасида парламент назорати натижалари юзасидан саккиз турдаги чора-тадбирларни амалга ошириш имконияти мустаҳкамлаб қўйилди.

Айни пайтда, қайд этиш лозимки, парламент назорати самарали бўлиши учун унинг натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, Қонуннинг алоҳида моддасида парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинган қарорларни кўриб чиқиш ва ижро этиш бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг вазифалари аниқ белгилаб қўйилди.

Маълумки, парламент назоратини амалга оширишда уни амалга оширувчи субъектларнинг мажбуриятларини белгилаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ушбу ҳолат парламент назоратининг чегарасини ўрнатиш орқали давлат ҳокимияти бўлиниши принципининг самарали ишлаши учун муҳимдир. Шу боис, қонунда парламент назоратини амалга оширишда парламент назорати субъектларининг 4 та асосий мажбурияти белгилаб қўйилди. Айни пайтда, парламент назорати субъектлари парламент назоратини амалга ошираётганда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари зиммасидаги учта асосий мажбурият ҳам мустаҳкамлаб қўйилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари парламент назорати субъектларининг парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинган қарорларини кўриб чиқиши ва кўриб чиқиш натижалари ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида уларни белгиланган муддатда хабардор қилиши шартлиги ҳам мустаҳкамлаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонуннинг амалда самарали татбиқ этилиши қонунлар, парламент палаталарининг қарорлари ва давлат дастурларининг

самарали ижросини таъминлашга, парламент палаталарининг назорат фаолияти самарадорлигини оширишга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида Олий Мажлиснинг роли ва таъсирини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, 2015 йил 5 декабрь // “Халқ сўзи”. – 2015. – 6 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси, 2015 йил 23 январь // “Халқ сўзи”, 2015 йил 24 январь.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуни // “Халқ сўзи”. 2016 йил 12 апрель.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-284-сонли “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, 4-сон, 100-модда.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелдаги ЎРҚ-366-сонли “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, 4-сон, 85-модда.

Б.И.Латипов
мустақил изланувчи

ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: в статье исследованы правовые основы сотрудничества правоохранительных органов и институтов гражданского общества, проанализированы отличительные особенности нормы законодательства.

Ключевые слова: правоохранительные органы, институт гражданского общества, сотрудничество, право.

Аннотация: мақолада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари ўрганилган, қонунчиликнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институти, ҳамкорлик, ҳуқуқ.

Annotation: in this article were researched legal bases of cooperation of law enforcement agencies and instit of civil society, were analysed distinctive features of standard of the legislation.

Key words: law enforcement agencies, institute of civil society, cooperation, law.

Ҳуқуқий давлатда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳар бир ижтимоий масала, муносабатлар қонун ҳужжатлари билан ҳуқуқий тартибга солинади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги ҳам ўз аҳамиятига кўра шундай ижтимоий муносабатлар тизимини ташкил этади.

Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этишда, аввало, мазкур масаланинг ижтимоий аҳамияти, кенг қамровли экани, ўта долзарблигини эътибордан қочирмаслик лозим.

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик тизимида давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигига оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган 30 дан ортиқ ҳуқуқий нормалар мавжуд. Улар 10 дан ортиқ амалдаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган [11]. Улар жумласига Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва “Жамоат бирлашмалари тўғрисида” ги, “Касаба уюшмалари, унинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” ги, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида” ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида” ги, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” ги, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида” ги, “Жамоат фондлари тўғрисида” ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” ги, “Экологик назорат тўғрисида” ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида” ги ва бошқа Ўзбекистон Республикасининг қонунларини киритиш мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 58-моддасида қайд этилишича, “Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради”. Дарҳақиқат, давлат аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлиги учун тенг шароитларни таъминлашни ўз зиммасига олмоқда. Бу ҳамкорлик учун энг муҳим ва зарур бўлган ҳуқуқий асос сифатида баҳолашни лозим. Қолаверса, бу норманинг Конституция даражасида мустақамланиши давлат томонидан бундай демократик институтларнинг эмин-эркин ҳаракати учун яратилган шароитдир.

Шунингдек, Асосий Қонуннинг 121-моддаси иккинчи қисмига асосан, “Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин” лиги белгиланган. Мазкур норма прокуратура фаолиятининг конституциявий асосларини ёритувчи моддада акс этган. Бу қондан айнан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигига имкон яратадиган фундаментал асос сифатида изоҳлаш мумкин. Бу орқали нафақат прокуратура, балки барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жамоат бирлашмаларининг ҳамкорлиги асосида иш олиб бориш мумкинлиги белгиланмоқда.

“Жамоат бирлашмалари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасида қайд этилишича: “Давлат жамоат бирлашмалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди ҳамда Конституцияга мувофиқ улар ўз уставларидаги вазифаларни бажаришлари учун шарт-шароит яратилишига кафолат беради” [5]. Яна бир мисол. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида” ги Қонунининг 4-моддасига асосан, “Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўмак кўрсатиши мумкин” [7], деган қоида ўз ифодасини топган.

Шу каби ҳуқуқий нормани 2003 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат фондлари тўғрисида” га Қонунининг 8-моддасида ҳам кузатиш мумкин. Унда белгиланишича, “фондларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари ижтимоий шериклик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш асосида курилади. Давлат органлари фондларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, фондларнинг ижтимоий аҳамиятга молик дастурлари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаши мумкин. Шу билан бирга давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фондлар фаолиятига аралашшига, шунингдек, фондларнинг давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди” [10].

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 28-моддасида белгиланишича, “иш берувчиларнинг жамоат бирлашмалари ихтиёрий жамоат ташкилотлари сифатида тузилиб, фаолият юритади. Уларнинг мақсади иқтисодиётни, тадбиркорлик

ташаббусини ривожлантириш, самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, касабга уюшмалари ҳамда ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан ўзаро муносабатларда корхоналар, улар мулкдорларининг манфаатларини ифода этиш йўли билан ижтимоий шерикликни амалга ошириш, ҳужалик ва меҳнатга оид муносабатлар соҳасида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир”.

Шунингдек, мазкур кодекснинг 52-моддасида белгиланишича, “жамоа келишувларида ижтимоий шериклик ҳамда уч тарафлама ҳамкорликни ривожлантириш, жамоа шартномаларини тузишга кўмаклашиш, меҳнат низоларининг олдини олиш, меҳнат интизомини мустақамлаш тўғрисидаги қоидалар назарда тутилиши мумкин” [9]. Мазкур нормани хорижий мамлакатлар амалиёти, уларнинг қонунчилигидаги меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини тартибга соладиган ҳуқуқий нормаларга қиёслаш мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигига оид нормалар “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг қафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигига оид махсус нормалар ҳам мавжуд. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасида Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларига оид нормалар ўз ифодасини топган бўлиб, унга асосан: “Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларга зарур кўмак кўрсатади” [2]. Албатта, аксарият ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ижро ҳокимияти тизимида киришини эътиборга олсак, Вазирлар Маҳкамаси даражасидаги ҳамкорлик улар учун ҳам ўз функционал вазибаларини амалга оширишда муайян имкониятлар яратади.

Юқоридаги қонун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигига оид муҳим норма сифатида баҳолаш лозим. Чунки, Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига асосан, ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Айнан унга нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ваколатини ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланиши бу Ўзбекистонда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзаро ҳамкорлиги ҳуқуқий тартибга солинганлигини англатади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини давлат органлари билан шериклигининг яна бир муҳим шакли, яъни қонун ижодкорлигидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари ҳам миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддасида лойиҳаларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишга оид қоидалар белгиланган бўлиб, унга асосан: “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси манфаатдор давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирокида

ўтказилади” [3]. Бу қоида нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонун ҳужжатларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказишдаги иштирокига ҳуқуқий асос бўлади.

Мамлакатимиздаги қатор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан Прокуратура органлари, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигига ўз ваколати доирасида айрим қонун ости ҳужжатларини ишлаб чиқиш ваколати берилган. Айнан шу жараёнда жамоат ташкилотлари вакилларини кенг жалб этиш, лойиҳаларни улар иштирокида муҳокама қилиш ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишидир. Бу орқали тайёрланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг фикрлари асосида янада бойитилади, инсон ҳуқуқларининг айрим йўналишларига (масалан, ногиронлар, аёллар ва ҳ.к.) янада эътибор кучайтирилади. Шунингдек, қабул қиланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг янада мукамал ва халқчиллиги таъминланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Қонуни 8-моддасида фондларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари алоҳида кўрсатилган. Унга асосан, “Фондларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари ижтимоий шериклик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш асосида қурилади. Давлат органлари фондларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайдилар, фондларнинг ижтимоий аҳамиятга молик дастурлари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлашлари мумкин” [10].

Айрим қонун ости ҳужжатларида ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигига оид нормаларни учратамиз. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 153-II-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг йиллик ҳисоботини ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқиш Тартибининг 17-бандига асосан, “Сенат қўмитасининг мажлисига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг вакиллари, шунингдек давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмаларининг раҳбарлари таклиф қилинадилар. Сенат қўмитасининг мажлисига давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, ҳужалик юритувчи субъектларнинг вакиллари, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин” [8]. Бу ҳам ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун муҳим имконият сифатида баҳолашни мумкин.

Юқорида қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат ва нодавлат ташкилотларини ижтимоий шериклигининг у ёки бу жиҳатларига оид муайян қоидалар учрасада, 2010-2015 йилларга қадар Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатларнинг аниқ чегараларини акс эттирган, мазкур муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қиладиган ягона қонун қабул қилиш

зарурати мавжуд эди [13]. Бу айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолияти жадаллик билан юксалиб бораётган ҳозирги даврда муҳим аҳамиятга эга.

“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да илгари сурилган таклифлар асосида 2014 йил 25 сентябрда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонун 2015 йил 1 январдан бошлаб кучга кирди. Ушбу қонунда ижтимоий шерикликнинг ташкилий, ҳуқуқий, институционал, молиявий жиҳатлари ўз ифодасини топган [14]. Хусусан, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига асосан: “Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига даҳлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир” [1].

Демак, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан юқорида қайд этилган қатор йўналишларда ижтимоий шерикликка киришиши мумкин. Бундай шериклик муносабатларини бугун амалда бир қатор ҳолатларда кузатишимиз мумкин. Масалан, ички ишлар органлари томонидан жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Бунга маҳалла билан ҳамкорликда ташкил этилаётган жойларда болалар спортини ривожлантириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш соҳасидаги амалий ишларни мисол сифатида кўрсатишимиз мумкин.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг қуйидаги соҳалари алоҳида кўрсатилган:

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

аҳолининг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш;

атроф-муҳитни, аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш;

ҳар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш;

оналик ва болаликни, шунингдек хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш;

фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш;

аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш;

миллатлараро, маданиятлараро тотувлик ва фуқаролар тотувлиги ғояларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик, анъанавий маънавий-ахлоқий ҳамда тарихий-маданий қадриятларни тиклаш ва сақлаш;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш [1].

Юқорида қайд этилган йўналишларнинг барчаси бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини амалга ошириш мумкин. Масалан, “2016 - Соғлом она ва бола йили” доирасида қонунда белгиланган “ҳар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш” йўналишида ўзаро ҳамкорлик қилиш мумкин. Масалан, Прокуратура органлари вояга етмаганлар билан тушунтириш-тарғибот ишларини амалга оширишда мазкур йўналишдаги нодавлат ташкилоти билан, ёки ички ишлар органлари ёшларни спортга кенг жалб этишда спорт федерациялари билан, ёхуд адлия органлари ёшларни касбга йўналтириш соҳасидаги жамоат бирлашмаларига кенг имконият яратиш орқали, шунингдек, Омбудсман ёш аёллар, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни ташкил этиш орқали “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддаси биринчи банд тўртинчи хатбошисида кўрсатилган йўналишда муайян чора-тадбирларни амалга оширишлари мумкин.

Ҳозирги кунда юқорида қайд этилган ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда айрим йўналишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Масалан, 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича Меморандум имзоланган. Мазкур ҳамкорлик Дастури асосида икки ташкилот ўртасида бир қатор масалалар юзасидан келишувлар мавжуд. Масалан, ўзаро ахборот алмашиш, биргаликда тадбирлар ўтказиш ва х.к [12].

Мазкур ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан бири эканини эътироф этган ҳолда амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ амалий таклиф ва тавсиялар ҳақида фикр юритамиз.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигига оид нормалар мавжуд бўлса-да, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга соладиган айрим қонунларимизда бу масалага етарлича эътибор қаратилмаган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида прокуратура органларининг жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигига оид махсус нормалар мавжуд эмас. Албатта, прокуратура органларининг барча фаолиятини қонунда акс эттиришнинг имкони йўқ. Лекин, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 121-моддаси иккинчи қисмида: “Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин” - дея акс эттирилган қоида тармоқ қонунларида ёритилиши ҳамда уларнинг ижро механизмлари аниқ кўрсатилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура

тўғрисида”ги қонунига прокуратура органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини белгилайдиган, мазкур ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмларини акс эттирадиган қўшимчалар киритилиши мақсадга мувофиқдир [6].

Бизнинг фикримизча, аввало “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4- моддасидаги “Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари»га “Прокуратура органларининг аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда, ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишда надавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлиги” мазмунидаги норма қўшимча сифатида киритилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур Қонуннинг амалдаги таҳриридаги 4-модданинг охири хатбошисида “қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш” - мазмунидаги норма бўлсада, унинг амалий механизми ёритиб берилмаган.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳам фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш нуқтаи назаридан янада такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мазкур Қонунда ижтимоий шериклик субъектларининг олтита ҳамкорлик йўналишлари кўрсатилган бўлса-да, айнан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан надавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорликда амалга оширадиган фаолият йўналишлари аниқ қайд этилмаган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар надавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан асосан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини кучайтириш борасида ҳамкорликни амалга оширадиган. Фикримизча, ушбу фаолият йўналиши “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида ҳамда уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари алоҳида янги моддада акс этиши мақсадга мувофиқдир. Айнан шу йўналишда қонунга қўшимчалар киритилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, мамлакатимизда мазкур йўналишда қабул қилинган қонунлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янги босқига кўтаришга, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада самарали ҳимоя қилишга, юртимизда тинчлик-осойишталик ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши табиий.

Адабиётлар рўйхати:

1. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, 9-сон, 247-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2011 йил. 12-сон, 8-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2012 йил. 52-сон, 583-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2012 йил. ЎРҚ-322-сон Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 76-модда; 1992 йил, № 9, 363-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-

сининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 168-модда.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999 йил., № 5, 115-модда.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, 12-сон, 549-модда.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон, 141-модда.

11. Ахмедшаева М.А. Нажимов М.К. Ижтимоий шериклик – демократик янгиланишларнинг муҳим омили. Халқ сўзи газетасининг расмий веб-сайти: <http://xs.uz>; Хамидова К. Ижтимоий шериклик муносабатларининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси. Адолат газетасининг расмий веб-сайти: <http://adolat.uz>; Ширинов Ж. Ижтимоий шериклик – фуқаролик жамиятининг муҳим шarti. Ҳуқуқ ва бурч газетасининг расмий веб-сайти: <http://huquqburch.uz>; Якубов Ш.У., Яшнарабеков А.Я. Ижтимоий шерикликнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш – давр талби. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2012 йил. №1. – Б. 24-26.

12. “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги” мавзусида илмий-амалий конференция материалларидан.

13. Набираев А. Ижтимоий шериклик - фуқаролик жамияти институтлари ва давлат тузилмалари ўзаро муносабатларининг ўзаги. Фуқаролик жамияти. 2011. № 3 (27). – Б. 26-28; Абдураимова Н. Ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг расмий веб-сайти. <http://uza.uz>.

14. Хамидова К. Ижтимоий шериклик муносабатларининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси. Адолат ижтимоий-сиёсий газетасининг расмий веб-сайти: <http://adolat.uz>.

С.Юсупов

ТДЮУ «Ҳуқуқий тадқиқодлар маркази» катта илмий ходим изланувчиси

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада давлат хизматларини кўрсатиш юзасидан келиб тушган муурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ жараёнларда вужудга келадиган муаммоларни бартараф этишга оид муносабатлар, бу борада миллий қонунчилигимизнинг ўзига хос хусусиятлари, келгусида бу туркумдаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормаларни янада самарадорлигини оширига қаратилган механизмларни ишлаб чиқишга доир тақлифлар ёритилган.

Калит сўзлар: давлат хизмати, муурожаат, маъмурий тартиб-таомил, процессуал тартиб, индивидуал маъмурий ишлар, маъмурий тартиб-таомиллар, оммавий ҳокимият, ижтимоий хизматлар, бошқарувнинг индивидуал ҳужжатлари.

Аннотация: в настоящей статье рассмотрены вопросы касательно отношений, возникающих с устранением проблем, возникающих в процессе рассмотрения и разрешения принятых обращений, связанных с оказанием государственных услуг, особенности национального законодательства в данной сфере, а также предложения по разработке в будущем механизмов по повышению эффективности норм, направленных на урегулирование отношений данной категории.

Ключевые слова: государственная служба, обращение, административная процедура, процессуальный порядок, индивидуальные административные дела, административные процедуры, публичная власть, социальные услуги, индивидуальный управленческий акт.

Annotation: this article discusses issues related to relations arising from the elimination of problems arising in the process of reviewing and resolving received complaints related to the provision of public services, the specifics of national legislation in this area, as well as proposals for the development in the future of mechanisms to improve the effectiveness of standards aimed at Settlement of relations of this category.

Key words: state service, appeal, administrative procedure, procedural order, individual administrative cases, administrative procedures, public authority, social services, individual management act.

Бугунги кунда давлат хизмати ва жамият ишларини ташкил этиш, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш долзарб аҳамиятга эга. Хизмат фаолиятининг турлари, шакллари кўп йиллар давомида шаклланиб келган, хизматни ташкил этиш ва унинг фаолият масалаларини тартибга соладиган қонунлар қабул қилинмоқда. Хизматнинг шаклланиши ва ривожланиши жамият доирасида ҳамда унинг эҳтиёжлари учун амалга оширилган. Инсоният тараққиётининг дастлабки босқичидаёқ меҳнат тақсимооти унда турли хил ижтимоий гуруҳлар шаклланишига олиб келган. Бу гуруҳлар кейинчалик синфлар, табақалар, яъни ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар деб номланди. Мазкур

ижтимоий гуруҳлар орасидан хизматчилар гуруҳи ҳам муносиб ўрин эгаллади, уларнинг фаолияти эса «хизмат» деган номни олди. Мазкур йўналишда махсус тадқиқот олиб борган Н.Саидгазиеваннинг фикрича, «Бу давлат пайдо бўлишидан анча олдин рўй берди. Сўнгра хизматнинг ўзида ҳам табақаланиш амалга ошди: давлат вужудга келиши билан давлат хизмати пайдо бўлди» [1, 22-бет].

Давлат ҳокимиятининг жамият, халқ олдидаги очиклиги масаласи ҳозирги демократик давлатлар учун энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Айнан мулоқот асосида, ахборот алмашилиш жараёнида фуқароларнинг ҳокимият органларига ишончи шаклланади. Маълумки, маъмурий тартиб-таомиллар фуқаролар ва ташкилотларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат хизматларини олиш тўғрисидаги муурожаатларини кўриб чиқишни таъминлашнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади. Сирасини айтганда, ҳар қандай давлат хизматларини олиш бўйича аризалар (масалан, ИИВга – судланганлик тўғрисида маълумотнома олиш ҳақида, Давлат солиқ кўмитасига – солиқ бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома олиш ҳақида) аслида муурожаат ҳисобланади. Шунинг учун бундай муурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ тартиб-таомиллар, уларнинг қатъий белгиланганлиги, очиклиги ва шаффофлиги катта аҳамият касб этади.

Процедурарий фаолият турли шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишни таъминлашда намоён бўлади ҳамда норматив жиҳатдан белгиланган доирада (маъмурий тартиб-таомиллар билан) амалга оширилади. Маъмурий тартиб-таомил деганда, ижроия ҳокимият органларининг индивидуал ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш, бунинг натижасида индивидуал маъмурий ҳужжат чиқариш ҳамда уларнинг ижроия ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги жараёнида кейингисининг ўз вазифа ва функцияларини бажариш доирасида шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишни таъминлашга қаратилган фаолиятининг ўрнатилган тартиби тушунилади [2, 7-8-бет].

Россиялик тадқиқотчи И.М.Лазерев маъмурий жараёнда шикоят бериш тартиби маъмурий юрисдикция институтининг таркибига киради, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, шикоят бериш низонинг келиб чиқиши ва мажбурият чораси қўлланиши мумкинлигини назарда тутди. Шунинг учун ҳам унинг нуқтаи назарича, шикоят бериш тартибини маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқдир, яъни шикоят маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий воситаси ҳисобланади [3, 10-бет].

Шуниси диққатга сазоворки, И. М. Лазерев маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишнинг қуйидаги юридик шакли хусусиятига эътибор қаратган: бир томондан, бошқарувнинг индивидуал ҳужжатлари маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишнинг тугалланганлигини юридик жиҳатдан расмийлаштиради; бошқа томондан, давлат органлари индивидуал ҳуқуқий ҳужжатлар ёрдамида маъмурий тартиб-таомиллар бошланишига туртки (масалан, фуқаролар томонидан мажбуриятларнинг бажарилиши ёки назорат-текширув функциялари билан боғлиқ).

Бироқ, маъмурий тартиб-таомиллар бошланишига нафақат давлат органлари балки фуқаролар ва ташкилотлар томонидан ҳам ташаббус намоён қилинади. Бундай ҳолларда индивидуал тартибга солувчи ҳужжатлар фуқаролар ва ташкилотларнинг мурожаатлари сабабли келиб чиқадиган маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширади (шикоятлар, таклифлар ва аризалар назарда тутилмоқда) [4, 103-бет].

М. В. Силайчевнинг фикрича эса, маъмурий тартиб-таомиллар маъмурий жараёнинг турларидан биридир. Бунда низо мавжуд бўлмаган индивидуал маъмурий ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича давлат-ҳокимият ваколатига эга бўлган ваколатли давлат ҳокимияти органларининг маъмурий-процессуал нормалар билан тартибга солинган фаолияти тушунилади. Кўриниб турибдики, бу ерда мурожаат қилган шахс ва устидан шикоят қилинаётган шахс ўртасида низонинг мавжуд эмаслигига алоҳида эътибор қаратилган.

Давлат ҳокимияти органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг демократик тамойиллар асосида мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ваколатларини амалга оширишнинг қонун билан белгиланган тартиби тариқасидаги маъмурий тартиб-таомиллар, – дейди А.В. Новиков, – нафақат давлат органларида юзага келадиган маъмурий-процессуал муносабатларнинг барқарор концепциясини шакллантиради, балки давлат бошқарувини яхшилаш, бошқарув хатти-ҳаракатларини амалга оширишнинг қонуний тартибини ўрнатиш ва таъминлаш ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлигини бартараф этиш бўйича масалаларни ҳал этиш учун шарт-шароит яратади [5, 9-бет].

Бизнинг фикримизча, юқоридаги қисқа, бироқ нисбатан теран таъриф мақбул ҳисобланади, чунки юридик тартиб-таомил давлат ҳокимияти органларининг уларга норматив равишда белгилаб берилган вазифа ва функцияларни амалга ошириши учун зарур бўладиган хатти-ҳаракатлар кетма-кетлиги (тартиби)нинг нормативларда мустаҳкамланган ифодасидир. Маъмурий тартиб-таомиллар давлат ҳокимияти органлари билан фуқаролар ва ташкилотларнинг юридик ҳамкорлиги тариқасида тушунилади, бунинг устига, у томонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига даҳл қилинадиган барча ҳолатларда норматив жиҳатдан муайян тартиб шаклига эга бўлиши лозим.

Маъмурий тартиб-таомилларнинг турли-туманлиги давлат функцияларини бажариш ва давлат хизматларини тақдим этиш масалаларида ҳамкорликни ташкиллаштириш воситаси (усулларидан бири) ҳисобланади [6, 6-бет].

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, тадқиқотимизнинг предмети нуқтаи назаридан, маъмурий тартиб-таомиллар ваколатли субъектлар томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш мақсадида кетма-кетликда содир этиладиган хатти-ҳаракатларни амалга оширишнинг қонунда ўрнатилган тартибидир. Бундай таърифда ушбу ҳодисанинг барча юридик жиҳатдан муҳим элементлари ўз аксини топган. Унинг вазифаси – ўзбошимчилик билан асоссиз қилинган маъмурий қарорларни чеклаш ва давлат органлари ҳамда унинг мансабдор шахслари, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг уларнинг мурожаатлари билан боғлиқ хатти-ҳаракатларига қонуний мезонларни жорий қилишдан иборат. Кўрсатилан фаолиятнинг тартибга солиниши унга

очиқлик ва прогноз қилиш (олдидан айтиб бериш) хусусиятини бахш этади. Демакки, бу тартиб-таомил мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнининг самарадорли ва демократик бўлишига ёрдам беради. Оммавий ахборот воситаларида ўринли таъкидланганидек, “маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги давлат органлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, чунки аксарият муҳим элементлар назарда тутилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлганда (барча тартиб-таомиллар қайд этилмаган, шикоят қилиш тартиби назарда тутилмаган, давлат органлари ходимларининг хатти-ҳаракатлари қатъий белгилаб берилмаган ва шу к.), давлат органлари ичида икки гуруҳ давлат хизматчилари намоён бўлади: биринчиси (одатда, раҳбарлар), сифатли давлат хизматларини кўрсатишни ҳамда уларни электрон шаклга ўтказишни талаб қилади, иккинчиси, раҳбарият талабига мувофиқ, хизматларни кўрсата олмайди, чунки амалдаги норматив ҳужжатга риоя қилишга мажбур” [7, 8-10-бет]. Шунинг учун 2015 йилда махсус тузилган ишчи гуруҳ доирасида “Маъмурий тартиб-таомиллар” тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган эди.

Ўзбекистон ҳукумати портали (Ягона интерактив давлат хизматлари портали)да муҳокама қилиш учун эълон қилинган “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси маъмурий тартиб-таомилларнинг ягона тамойиллари ва қоидаларини белгилаб беради ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган. Шу билан бирга, унинг амал қилиши тезкор-қидирув фаолият, суриштирув, дастлабки тергов ҳамда жиноят мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолиятлар, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш юритувига татбиқ этилмаслиги назарда тутилган.

Лойиҳада маъмурий тартиб-таомил деганда, “маъмурий органларнинг юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан, жумладан, давлат хизматларини кўрсатишни амалга оширишда ҳуқуқни қўллаш фаолиятини тартибга солувчи процессуал қоидалар” тушунилади. Қонун лойиҳасига биноан, давлат органлари маъмурий ишларни қонунга асосан, қонунчилик ҳужжатлари доирасида ҳамда Конституция нормалари ва тамойилларига мувофиқ амалга оширишлари шарт. Шу билан бирга, бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва маъмурий ишларни юритиш жараёнида юзага келадиган қонунчилик ҳужжатларидаги ноаниқликлар манфаатдор шахсларнинг фойдасига ҳал этилади.

Қонун лойиҳаси маъмурий органларга “манфаатдор шахсларга ҳаддан ортиқ мажбуриятлар юклашни, фақатгина расмий қоидалар ва талабларга риоя этиш мақсадида, уларга ҳуқуқ берилишини рад қилиш ёки бошқача тарзда уларнинг ҳуқуқларини чеклашни” тақиқлайди. Давлат органларига манфаатдор шахслардан ушбу шахслар томонидан бошқа ҳаракатлар доирасида аввал содир этилган хатти-ҳаракатларни такроран содир этишни талаб қилиш тақиқланади. “Агар маъмурий органларга тақдим этилган ҳужжатлар (маълумотлар, ахборотлар) мазмунан бошқа ҳужжатлар зарурлигини назарда тутса, уларни қўшимча равишда ёки алоҳида талаб қилиб олинмайди. Агар маъмурий органлар томонидан берилган рухсатномалар мазмунан бошқа

рухсатномаларни ҳам қамраб олган бўлса, унда улар ҳам берилган ҳисобланади”, – дейилади лойиҳа матнида [8].

Қонун лойиҳаси “ягона дарча” тамойилини белгилаб беради: агар ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар бошқа давлат органларида мавжуд бўлса, унда ишни кўриб чиқайтган орган кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотларни идораларо ҳамкорлик тартибда ариза берувчининг иштирокисиз мустақил равишда олади (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно). Мувофиқлаштириш тамойили (“ягона дарча” тамойили) зарурат туғилганда маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш учун зарур бўладиган ҳужжатларни тўплаш мажбуриятини ариза берувчидан олиб давлат органлари зиммасига юклашди иборат. Маъмурий тартиб-таомилларни ўтказувчи органларнинг бошқа идоралар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларни мустақил сўраб олиш мажбурияти маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги хорижий қонунлар учун одатий ҳол (типик) ҳисобланади [9].

Шунингдек, ушбу таомилнинг мазмун-моҳиятини идораларо ҳамкорликнинг бошқа шакллари, масалан, ҳокимият органлари томонидан комплекс маъмурий тартиб-таомилларни биргаликда амалга оширишнинг, давлат хизматларини кўрсатишнинг кўп тармоқли марказларини яратиш ташкил этади.

Ўзбекистонда “давлат хизматлари” тушунчаси қўллана бошланганига унчалик кўп бўлгани йўқ, ваҳоланки, аксарият хорижий мамалакатларда бундай хизматлар – фуқаролар, юридик шахслар ва давлат органлари муносабатларининг асосий шаклларида бири ҳисобланади ва унга “хизматларни таъминловчи” тариқасида қаралади. Бироқ давлат хизматларининг бизнинг ҳаётимизга кириб келиши – хорижий тажрибадан шунчаки нусха кўчириш эмас; унинг ортида, бизнинг фикримизча, давлатнинг жамиятдаги роли ва вазифалари ўзгариши, янги қадриятлар ва устуворликларнинг қарор топиши билан боғлиқ анча жиддий сабаблар турибди [10].

“Давлат хизматлари” атамаси билан бирга, кўпинча, бошқа – “оммавий ҳокимият хизматлари” атамасини ҳам учратиш мумкин. Бунинг устига, аксарият ҳолларда ушбу иккала термин ҳам айнан бир маънода, айнан бир вазиятларга нисбатан қўлланилади. Бизнинг назаримизда, ушбу тушунчаларни аралаштириб юбормаслик лозим, чунки улар турли мазмунга эгадир ва кўрсатиладиган хизматларни турли томондан тавсифлайди, бироқ уларни қарама-қарши қўйиш ҳам хато бўлган бўлур эди. Айнан бир хил хизматни кўрсатиш бир қатор ҳолларда ҳам давлат, ҳам оммавий ҳокимият хизмати ҳисобланиши мумкин. Давлат хизматлари, биринчи навбатда, уни кўрсатадиган субъектни тавсифлайди – бу ҳар доим давлат органларидир.

Бизнинг фикримизча, “оммавий ҳокимият ва ижтимоий хизматлар” термини “давлат хизматлари” атамасидан анча кенгдир, уларни ҳам давлат, ҳам нодавлат тузилмалари кўрсатиши мумкин, бироқ асосийси, уларнинг бажарилишидан жамиятнинг манфаатдорлиги, ижтимоий манфаат, социал аҳамияти уларни бирлаштириб туради. Бундай хизматларни ким бажаради – кўпинча бу савол истеъмолчилар учун иккиламчи бўлиб, унинг ҳал этилиши бир қатор ҳолатларга боғлиқдир; шу билан бирга, бунда, хизмат кўрсатишнинг самарадорлиги

асосий мезонлардан бири бўлиб ҳисобланади. Давлат хизматлари уларнинг давлат органларининг ўзлари томонидан бевосита ижро этилишини назарда тутди. Оммавий ҳокимият ва ижтимоий хизматлар масаласига келсак, давлат органлари уларни мустақил равишда ижро этишлари мумкин, уларнинг ижросини нодавлат органлари ва муассасалари (масалан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёхуд нодавлат нотижорат ташкилотлари)га юбориши ҳам мумкин.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, биринчидан мурожаатлар билан ишлаш тартиби давлат органлари хизмат-фаолиятининг махсус йўналишини ташкил этади. Бу фаолият йўналиши мурожаатлар билан ишлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни тузиш, расмийлаштириш, маълумотларни қайта ишлаш, йиғма жилдлар қилиш ва уларни сақлаш кабиларни ўз ичига олади. Мурожаатлар билан ишлашга оид фаолият қанчалик уюшқоқлик билан ташкил этилганлиги, ҳужжатларнинг тўғри тузилганлиги ва расмийлаштирилганлиги кўп жиҳатдан бу масалада ўз вақтида ва тўғри қарор қабул қилинишига асос яратади. Иккинчидан, давлат хизматларидан фойдаланиш учун жисмоний ва юридик шахслар у ёки бу давлат хизмати турини назарда тутган ҳолда мурожаат йўллашлари мумкин бўлади. Бундай мурожаатлар алоҳида шахсларни ва ташкилотларни жамият бошқарувида жалб этишнинг ўзига хос воситаси сифатида майдонга чиқади. Давлат хизмати деганда, жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига ўзаро мулоқотга кириш ташаббусини намоён этиб мурожаат қилиш тушунилади. Давлат хизматининг белгилари, биринчидан, бундай хизмат кўрсатилишининг индивидуаллиги (аниқ жисмоний ёки юридик шахсга кўрсатилади), иккинчидан, давлат ҳокимияти органи билан мулоқатга киришилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Саид-Ғазиева Н. Ўзбекистонда давлат хизматини ислоҳ қилишнинг назарий ва амалий муаммолари, Юрид. фан. док... дис. – Т., 2010. – Б. 22.
2. Морозова О. В. Административные процедуры в РФ, США, ФРГ: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2010. – С. 7–8.
3. Лазарев И. М. Административные процедуры в сфере взаимоотношений граждан и их организаций с органами исполнительной власти в Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2002. – С. 10.
4. Лазарев И. М. Административные процедуры в сфере взаимоотношений граждан и их организаций с органами исполнительной власти в Российской Федерации: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2002. – С. 103.
5. Силайчев М. В. Правовая теория и практика административной процедуры: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2009. – С. 9.
6. Новиков А. В. Обращения граждан: административно-процедурные правовые аспекты: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Воронеж, 2006. – С. 6.
7. Женетль С. З. Административный процесс и административные процедуры в условиях административной реформы: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – М., 2009. – С. 8–10.

8. Хамидов И. Роль административных процедур в оказании государственных услуг. www.gazeta.uz.

9. Австриянинг 1991 йилги «Маъмурий иш юриштининг умумий қоидалари» қонунида бундай тартиб-таомиллар назарда тутилган (Bundesgesetzblatt. № 51/1991).

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» таомили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2412-сон қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2164-сон қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги «Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 378-сон қарори.

Н.Имомов

ю.ф.д., ТДЮУ профессор в.б.,
Ф.Урманбаева
мустақил изланувчи

ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИНГ ФУҚАРОЛИК ВА ОИЛА ҲУҚУҚИ ИНСТИТУТИ СИФАТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Аннотация: в статье исследован институт опеки и попечительства в гражданском и семейном законодательстве, проанализированы отличительные особенности норм зарубежного законодательства.

Ключевые слова: семейное право, гражданское право, опека, попечительство, институт права.

Аннотация: мақолада фуқаролик ва оила қонунчилигидаги васийлик ва ҳомийлик институти ўрганилган, хорижий мамлакатлар қонунчилигининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: оила ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, васийлик, ҳомийлик, ҳуқуқ институти.

Annotation: in this article were researched institute of guardianship and custody in civil and family legislation, were analysed distinctive features of standards of the foreign legislation.

Key words: family law, civil law, custody, guardianship, legal institute.

Ҳуқуқий институтлар муайян турдаги ўхшаш муносабатларни тартибга солишга қаратилган қоидалар ва нормалар йиғиндисидан ташкил топади. Ҳуқуқий институт ижтимоий муносабатларнинг муайян гуруҳини тартибга солувчи қоидалар ва нормаларнинг бирлашувидан ва умумий қоидага бўйсундирилишидан ҳосил бўлади. Бунда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари муайян мезон ва шартлар асосида гуруҳлаштирилади.

Ҳуқуқ назарияси билан шуғулланган мутахассисларнинг қайд этишларича, ҳуқуқ тизимини тармоқларга ва институтларга бўлиш кимнингдир хоҳиши ёки олимлар ва давлат арбобларининг истаги эмас. Бу жамиятда мавжуд турли-туман ижтимоий алоқалар табиатидан келиб чиқувчи объектлар заруриятдир. Ҳуқуқ тармоғи ва институтларининг ҳосил бўлиши, аввало, ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва усулидан келиб чиқади [9].

Айрим мутахассисларнинг фикрича, ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу ҳуқуқий институтлар шаклида мустаҳкамланиши ҳуқуқий тартибга солиш мақсадларидан биридир. Ушбу функция турли субъектларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда, масалан, инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлашда, давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг ваколатларини белгилашда, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқдорлигини белгилашда намоён бўлади [8].

Дарҳақиқат, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигига нафақат амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш воситасида, балки ҳуқуқ тизими барча таркибий элементлари, шу жумладан ҳуқуқ институтларининг ўзаро уйғунлиги ҳисобига эришилади. Шу сабабли ҳуқуқий институтлар – ҳуқуқ тармоғининг элементи бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг муайян турдош

гурухини яхлит ва нисбатан тугал тартибга солинишини таъминлайди.

Ҳуқуқ тизимини унинг таркиби нуқтаи назардан тавсифловчи жиҳатлар ҳуқуқ институтларига ҳам хос ҳисобланади ва бунда ҳуқуқий институтга хос жиҳатлар тегишли ҳуқуқ тармоғига нисбатан умумийлик ва алоҳидалик кўринишида ифодаланади. Ҳуқуқий институт предметли-функционал белгилари бўйича ўзаро боғланган ва аниқ турдаги ижтимоий муносабатларни қамраб оладиган юридик нормаларнинг бирламчи йиғиндиси ҳисобланади.

Шу боис ҳуқуқий институтларнинг моҳиятига бағишланган махсус тадқиқот олиб борган мутахассиснинг фикрича, ҳуқуқий институт махсус усуллар ва воситалар ёрдамида бир турдаги ижтимоий муносабатларни ёки унинг бир турдаги томонларини тартибга солувчи ҳуқуқий қоидаларнинг асосланган комплексини ўзида ифода этади [11, 13-14-стр].

Фуқаролик-ҳуқуқий институтларнинг тушунчаси ва моҳияти хусусида фикр юритар экан, В.В.Васильев фуқаролик-ҳуқуқий институтнинг тушунчасида унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам акс этиши лозим, деган хулосага келади ва мазкур муаммони ҳал этиш учун фуқаролик-ҳуқуқий институтни фуқаролик ҳуқуқи тизимининг тузилмавий элементи сифатидаги моҳиятига хос хусусиятларни аниқлаш зарурлигини қайд этган ҳолда, унинг қуйидаги бешта хусусиятини ажратади:

Биринчидан, фуқаролик-ҳуқуқий институт – фуқаролик-ҳуқуқий институтни ҳосил қилувчи фуқаролик-ҳуқуқий нормаларнинг умумийлиги ва йиғиндисидир.

Иккинчидан, фуқаролик-ҳуқуқий институтнинг ажралиб турадиган хусусияти фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни фуқаролик ҳуқуқи институти таркибига бирлаштириш имконини берувчи институт ҳосил қилувчи омил ҳисобланади.

Учинчидан, ҳуқуқий институт фуқаролик ҳуқуқи тизимининг мажбурий таркибий элементидир. Бу шуни англатадики, фуқаролик-ҳуқуқий институт – бу нафақат мавжудлиги назарий ҳуқуқий категория сифатида аҳамият касб этадиган одатдаги ҳуқуқий конструкция, балки фуқаролик-ҳуқуқий назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқликни таъминловчи таркибий элемент ҳисобланади.

Тўртинчидан, фуқаролик-ҳуқуқий институтнинг моҳиятини ифодаловчи хусусиятлар жумласига унинг нисбий мустақиллиги ва амал қилишидаги мухториятлик белгисини киритиш зарур.

Бешинчидан, фуқаролик-ҳуқуқий институтнинг асосий хусусиятларидан бири муайян гурӯҳдаги ижтимоий муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлиги ва тугалланганлигининг таъминланиши ҳисобланади [2, 98-стр].

Дарҳақиқат, мазкур белгилар тегишли ҳуқуқ тармоғининг ҳуқуқий институтларини шаклланиши ва улардаги ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро уйғунлигини аниқлашга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, айрим ҳуқуқий институтлар фақат битта ҳуқуқ тармоғига эмас, балки бир неча ҳуқуқ тармоғига хос бўлади ва ҳуқуқ тармоқларига хос бўлган комплекслик ҳуқуқий институтларга ҳам тааллуқли ҳисобланади [16]. Бундай комплекслик мазкур ҳуқуқий институтнинг тартибга солиш предмети ва усулидаги комплексликдан келиб чиқади. Жумладан, васийлик ва ҳомийлик муносабатларини

яхлит ижтимоий муносабат сифатида таҳлил қиладиган бўлсак, бу муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормаларнинг йиғиндиси васийлик ва ҳомийлик институтини ташкил этади. Бироқ уни тартибга солувчи нормалар бир қатор ҳуқуқ нормаларида ўз ифодасини топган.

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрича, васийлик ва ҳомийлик фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи ва маълум жиҳатлари бўйича маъмурий ҳуқуқ нормаларидан ташкил топган мажмуавий институтдан иборат деб ҳам талқин қилинади. Васийлик ва ҳомийлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш мажмуавий характерга эга деб тан олинishi тўғри бўлса керак, чунки ушбу муносабатларни тартибга солиш ФКнинг 27-34-моддалари, Оила кодексининг 173-193-моддаларида назарда тутилади. Ушбу муносабатларни маъмурий ҳуқуқ нормаларига тааллуқли бўлиши шундан иборатки, васийлик ва ҳомийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади, васий ва ҳомий ҳуқуқларининг амалга оширилиши ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши устидан васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан назорат олиб борилади [17, 35-бет].

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрларига ўхшаш бўлган нуқтаи назарни Т.О.Урумова ҳам билдиради. Унинг ёзишича, доктрина ва қонунчиликда васийлик ва ҳомийлик институтининг шаклланиши ва ривожланиши унинг комплекслилик тусини асослантирди. Ҳозирги вақтда васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи нормалар фуқаролик, оила, шунингдек маъмурий қонунчилик тармоғига оид ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Васийлик (ҳомийлик)нинг ижтимоий ва ҳуқуқий институт сифатида тўлақонли амал қилиши турли соҳавий мансубликка эга нормалар мажмуини қўллаш йўли билан таъминланиши мумкин [21, 10-стр].

Л.Ю.Михееванинг фикрича, васийлик ва ҳомийлик қонунчиликнинг институтини ифодалайди, яъни васийлик ва ҳомийликни белгилаш, амалга ошириш ва бекор қилиш бўйича муносабатларни тартибга солувчи, умумий вазифалар ва тамойиллар асосида бирлаштирилган турли соҳавий мансубликка эга нормалар тизимидир [13, 17-стр].

В.А.Цветкованинги васийлик ва ҳомийликни комплекс институт сифатида ҳисоблаш мумкинлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, васийлик ва ҳомийлик муносабатлари хусусий ҳуқуқи – фуқаролик, оила ҳуқуқи нормалари билан ҳамда оммавий ҳуқуқ соҳалари – маъмурий ва ижтимоий таъминот ҳуқуқи нормалари билан ҳам тартибга солинади [22, 20-стр].

Л.М.Пчелинцеванинги таъкидлашича, васийлик ва ҳомийлик институти комплекслик тусига эга, чунки бу институт нафақат оила, балки фуқаролик ҳуқуқи ҳамда маъмурий ҳуқуқ нормаларига асосланади [15, 492-стр].

Ушбу фикрни таҳлил қилар экан, А.А.Спектор қуйидагиларни билдиради: васийлик ва ҳомийлик институти комплекслик тусига эгаллигини қайд этган ҳолда, Л.М.Пчелинцеванинги фикрларидаги ноаниқликни айтиб ўтиш лозим. Зеро институт нормаларга асосланмайди, балки улардан ташкил топади, бундан ташқари битта ҳуқуқ тармоғининг нормаси эмас, турли қонунчилик тармоғининг нормалари қўлланилади [20].

Бир қатор ҳуқуқшунос олимлар васийлик ва ҳомийликни қатъий равишда фуқаролик ҳуқуқи га тааллуқлиликни билдиришса [7, 414-стр], айримлари

васийлик ва ҳомийликнинг комплекс институтлиги борасидаги фикрларга қўшилишади [6, 144-стр].

Бу борада хорижий мамлакатлар қонунчилигида белгиланган нормаларга эътибор қаратадиган бўлсак, Франция ҳуқуқи бўйича, васийлик бўйича қоидалар Фуқаролик кодексида белгиланган (Франция Фуқаролик кодексининг Х титули 2-боби 1-томи). XX асрнинг иккинчи ярмида васийлик институти Францияда сезиларли даражада ўзгарди: кодекс матнига муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди (1964 йил 14 декабрь, 1974 йил 5 июль, 1975 йил 11 июль, 1985 йил 23 декабрь, 1989 йил 10 июль, 1993 йил 8 январь қонунлари). Бу ўзгаришлар натижасида Франциянинг амалдаги Фуқаролик кодексининг васийлик тўғрисидаги нормаларининг аксарият қоидалари оммавий-ҳуқуқий тус касб этади. Маълумки, кодекс ҳажм бўйича катта ва кўплаб муносабатларни қамраб олади. Квебек Гражданилик кодексидagi васийлик ва ҳомийлик “Шахслар тўғрисида”ги биринчи китобда жойлаштирилган. Тегишли нормалар “Шахсларнинг муомала лаёқати тўғрисида” деб номланган тўртинчи титулнинг ичидаги иккинчи бобда ҳамда учинчи титул (“Вояга етмаган болаларни васийликка олиш” ва “Вояга етмаганлар устидан назоратнинг режимлари тўғрисида”) да белгиланган [4, 66-стр]. Маълумки, мазкур кодекснинг тузилиши ва мазмунига Франция фуқаролик ҳуқуқи сезиларли даражада таъсир кўрсатган. Квебек Гражданилик кодексидagi васийлик ва ҳомийликнинг ўрни Франция Фуқаролик кодексидagi унинг ўрни билан ўхшашдир.

Ушбу муаммо 1889 йилдаги Испания Гражданилик кодексида ҳам Франциядаги каби ҳал қилинган. Ушбу кодекснинг “Шахслар тўғрисида”ги биринчи китоби фуқаролик, никоҳ ва ажралиш, оилавий муносабатлар, васийлик ва ҳомийлик масалаларини тартибга солади. Шунга ўхшаш нормалар Латвия Республикаси Фуқаролик қонунида ҳам мавжуд. Мазкур қонуннинг биринчи қисми “Оила ҳуқуқи” деб номланса, унинг тўртинчи бўлими тўлиғича васийлик ва ҳомийликка бағишланган. Васийлик ва ҳомийликнинг умумий қоидалари Қирғизистон, Беларусь, Азарбайжон давлатлари Фуқаролик кодексларининг биринчи бўлимида жойлаштирилган.

Пандект тизимлари васийлик ва ҳомийликка оид қоидаларни фуқаролик қонунчилигининг ичида жойлаштиради, бироқ уларни оилавий ҳуқуқ бўлимига киритади. Японияда васийлик институти оилавий муносабатларни тартибга солувчи Фуқаролик кодексининг тўртинчи бўлимига киритилган [1].

Хорижий мамлакат юридик адабиётларида васийлик ва ҳомийлик “вояга етмаганларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи чоралар мажмуи”дан ташкил топувчи фуқаролик-ҳуқуқий институт сифатида эътироф этишади [5, 274-стр].

Шунга қарамасдан, васийлик ва ҳомийлик институти барча мамлакатларда ҳам фуқаролик қонунчилиги нормаларида ифодаланмаган. Хусусан, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик кодексида васийлик ва ҳомийлик ҳақидаги қоидалар мавжуд эмас. Қозоғистон Республикасининг 1998 йил 17 декабрдаги “Никоҳ ва оила тўғрисида”ги қонунининг 4-бўлими “Васийлик ва ҳомийлик”ка бағишланган бўлиб, унда нафақат вояга етмаган шахслар, балки вояга етган шахсларнинг ҳам манфаатларини муҳофаза қилиш қоидалари белгиланган. Мутахассисларнинг фикрича, Қозоғистон Республикасининг бу борадаги ҳуқуқий тизими фуқаролик ва оила қонунчилигининг

предметини чегаралайди ҳамда васийлик ва ҳомийлик институтининг ўрнини солиқ Иттифоқ ҳуқуқи аъналарига ҳамоҳанг белгилайди [3].

Мазкур фикрлардан келиб чиқиб, таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистоннинг васийлик ва ҳомийлик институтининг ҳуқуқий табиатига оид ўзига хослиги, мазкур институтни тартибга солишга оид нормаларнинг бир пайтнинг ўзида иккита ҳуқуқи соҳаси – фуқаролик ва оила қонунчилигида белгиланганлигидир.

Фикримизча, васийлик ва ҳомийлик институти фақат оила қонунчилигида ифодаланиши ўзи мақсадга мувофиқ бўлмайди. Чунки, бу ҳолат, биринчидан, васийлик ва ҳомийлик тайинланишининг асосий мақсади билан боғлиқ. Васийлик ва ҳомийликда фуқарони шундай жойлаштириш талаб этиладики, бунда мазкур фуқаро муомала лаёқатининг етарли бўлмаган қисми бошқа жисмоний шахснинг ҳаракати ёрдамида тўлдирилиши таъминланади, зарурий ҳолатларда эса, унинг манфаатларини ҳимоя қилинади. Муомала лаёқатининг етишмаган қисмини тўлдириш жараёни васий ва ҳомийнинг, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органининг васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг манфаатларига мос келувчи унинг эркини шакллантириш ёки ушбу эркининг етишмаган қисмини алмаштиришга йўналтирилган ҳаракатида ифодаланди. Васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг манфаатлари йўлидаги юридик ҳаракатлар васий ёки ҳомий амалга ошираётган энг муҳим ҳаракатлар ҳисобланади. Амалиётда юридик оқибатларга эришишга қаратилган юридик ҳаракатлар учун амалда шахснинг манфаатларини амалга ошириб ва ҳимоя қилиб келаётган шахслар томонидан васийлик ёки ҳомийлик расмийлаштирилиши талаб этилади. Шубҳасиз, васийлик ва ҳомийлик – шахсни жойлаштириш шакли ҳисобланади, бироқ жойлаштириш манфаатларни ҳимоя қилишни ва вакилликни назарда тутди. Васийнинг, васийликдаги шахснинг ҳаёт кечириши учун шароитни таъминлаш ёки унинг шахсига таъсир кўрсатиш мажбурияти иккиламчи ҳисобланади. Шу боис васийлик ва ҳомийликнинг ўрнатилиши васий ва ҳомийнинг, шунингдек васийликдаги ва ҳомийликдаги шахснинг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга муҳим таъсир кўрсатади ҳамда ушбу муносабатларни фуқаролик қонунчилигининг предмети сифатида тан олиншини талаб қилади [12, 11-стр].

Иккинчидан, қайд этилганидек, васийлик фақат қариндошлар ёки оиланинг бошқа аъзолари томонидан белгиланмаслиги лозим, аксинча, мутахассисларнинг таъкидлаганидек, васийлик бегона кишилар томонидан амалга оширилганда “кўпроқ холислик”ни кузатиш мумкин. Чунки, бу ҳолатда қариндошларда васийликдаги шахснинг мол-мулкига нисбатан мерос ундиришга оид ғаразли мақсадлар пайдо бўлиши мумкин [23, 456-стр]. Замонавий муносабатларда бу муаммо, аввало, муомалага лаёқатсиз фуқароларга нисбатан амалга оширилганда юзага келиши мумкин, зеро вояга етмаганлар камдан-кам ҳолларда мол-мулк эгаси ҳисобланадилар. Умуман олганда, васийлик васий (ҳомий) ва васийликдаги (ҳомийликдаги) шахс ўртасидаги қариндошлик муносабатлари мавжудлигини талаб этадиган биологик эмас, балки фақат юридик воқеъликдир.

Учинчидан, фикримизча, васийлик ва ҳомийлик ўрнатилиши натижасида оилавий-ҳуқуқий муносабат юзага келмайди. Юқорида қайд этилганидек, қонун

чиқарувчи “оила аъзоси” атамасидан фақат шартли ҳолда фойдаланиши мумкин ва васий (ҳомий)ни ва васийликдаги (ҳомийликдаги) шахсни муайян ҳолларда ва муайян мақсад учун оила аъзоларига тенглаштириши мумкин.

Шу боис васийлик ва ҳомийлик институтининг умумий қоидаларини ҳамда мазкур институтнинг “оғирлик марказини” оила қонунчилигига ўтказиш асоссиз ва фуқаролик қонунчилиги тизимининг яхлитлигини бузган бўлур эди.

Айни пайтда ушбу институт нормалари асосий қисмининг фуқаролик ҳуқуқига соҳавий мансублиги, васийлик ва ҳомийликнинг қонуний вакиллик институтига мослигини аниқламайди. Бу ҳолатга ўз вақтида Н.М.Ершова ва К.И.Скловский ҳам эътибор қаратишган эди [10, 97-стр]. Қонуний вакиллик ота-оналар ва фарзандликка олувчилар болаларга нисбатан вужудга келади ва шу сабабли васийлик ва ҳомийликка мос келмайди. К.И.Скловскийнинг фикрича, вакиллик “васийлик бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш воситаси ҳисобланади, яъни васийликка нисбатан ёрдамчи тусга эга” [19, 65-стр].

Бироқ амалдаги ФҚда васий ва ҳомийнинг муомалага лаёқатсиз шахс номидан вакиллик қилишига оид қоидалар белгиланган. Жумладан, ФҚнинг 131-моддасига кўра, муомалага лаёқатсиз фуқаролар номидан битимларни уларнинг ота-оналари, фарзандликка олувчилари ва васийлари тузадилар. ОҚнинг 94-моддасида белгиланишича, ота-она, фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар вояга етмаган болаларнинг хусусий мулкни фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқарадилар ва тасарруф этадилар.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, қонуний вакиллик шаклларида яна бири васийлик ва ҳомийлик ҳисобланади. Вакилликнинг бу шакли қонуний вакилликнинг энг асосий ва муҳим шаклларида бири ҳисобланиб, уни тартибга солиш давлат ва жамият ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу вакиллик бевосита ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси, ривожланиши, уларнинг камол топиб жамиятда ўз ўрнини топиб, давлат ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиши, шу билан бирга, жамиятдаги айрим муомала лаёқати чекланган ва лаёқатсиз шахсларга ёрдам кўрсатиш каби инсонпарварлик, меҳр-оқибат билан боғлиқ ҳисобланади [18, 31-бет].

Фикримизча, васийлик ва ҳомийликни тўлиқ маънода қонуний вакиллик шакли сифатида баҳолаш бир қадар нотўғридир. Чунки, қонуний вакиллик ота-она ва фарзандликка олувчи томонидан амалга оширилади ҳамда бунда учинчи шахсларнинг назорат ва кимгадир ҳисобдорлик талаб этилмайди. Васийлик ва ҳомийликда эса, аксинча, васийлик ва ҳомийлик органининг тўлиқ назорат остида муайян маънодаги вакиллик амалга оширилади бу ҳақда васий ҳамда ҳомий ҳисобот бериб боради.

Таъкидлаш лозимки, васийлик ва ҳомийлик институтини фақат фуқаролик-ҳуқуқий институт сифатида талқин этиш мумкин эмас. Чунки, ушбу институт нормаларининг катта қисми васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларни аниқлаш, васийлик ва ҳомийликни белгилаш, васий ва ҳомий фаолияти устидан назорат қилиш ташкил этади. Давлат бошқарув органларининг ушбу масалалар бўйича вазифалари васийлик ва ҳомийлик фаолиятини ташкил этишга боғлиқ бўлади. Ташкилий вазифаларни

васийлик ва ҳомийлик органларининг фаолияти орқали таъминловчи маъмурий-ҳуқуқий тусдаги нормаларнинг мавжудлиги васийлик ва ҳомийлик институтининг тўлиғича фуқаролик-ҳуқуқий институт бўлиш имкониятини бермайди.

Васийлик ва ҳомийлик институтига оид қоидалар мавжуд бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунчиликнинг алоҳида нормалари мазкур институтни маҳаллий давлат ҳокимияти ҳуқуқига ҳам “мансублигини” аниқламайди, чунки бу нормаларнинг аксарияти васийлик ва ҳомийлик институтини тайинлаш билан боғлиқ, холос. Шу боис маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунчилик нормалари фақат васийлик ва ҳомийлик органларини ташкил этиш тартибини, маҳаллий давлат ҳокимиятининг турли органлари ўртасида васийлик ва ҳомийлик органларининг ваколатларини тақсимлаш тартибини назарда тутлади. Аксинча, ушбу нормалар васийлик ва ҳомийлик органининг васийликдаги ва ҳомийликдаги шахсларга нисбатан ваколатлари ҳажми масаласига тааллуқли бўлиши, васийлик ва ҳомийликни белгилаш ва бекор қилиш тартибини, васий ва ҳомий фаолияти устидан назорат шакллари белгиланиши мумкин эмас. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисидаги қонунчиликнинг васийлик ва ҳомийликни ҳуқуқий тартибга солишидаги аралашувини бундай чеклаш ушбу институтнинг вазифалари ва тартибга солиш предмети билан боғлиқ.

Гап шундаки, васийлик ва ҳомийликни белгилаш, амалга ошириш ва бекор қилиш билан боғлиқликда юзага келадиган муносабатларнинг кўпчилиги жисмоний шахслар иштироки кузатилади ва ушбу муносабатларни тартибга солувчи нормаларнинг мазмунини сезиларли даражада васийликдаги ва ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатига таъсир кўрсатади. Хусусан, васий томонидан васийликдаги шахснинг мол-мулкни сотиш бўйича ваколатини амалга ошириш тартиби, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органининг васийликдаги шахс мол-мулкни бундай бегоналаштиришга рухсат бериш тўғрисидаги қоида фақат таомиллий масала ҳисобланмайди. У ёки бу таомилнинг қандай амалга оширилишидан васийликдаги шахснинг мулк ҳуқуқига риоя этилиши, унинг ушбу бегоналаштиришдан оладиган даромадлари ва тушумларига бўлган ҳуқуқи ва бошқа мулкый ҳуқуқлари ўзаро боғлиқ бўлади [14, 26-стр].

Мазкур ҳолат васийлик ва ҳомийликни қонунчиликнинг оммавий институтлари жумласига киритиш имкониятини рад этади, бинобарин васийлик давлат ҳокимияти органлари учун эмас, аксинча, мазкур органлар давлатда васийликни ташкил этиш учун таъсис этилади. Қолаверса, бир жисмоний шахснинг субъектив фуқаролик ҳуқуқларини бошқа жисмоний шахснинг фаолияти воситасида муҳофаза қилишга йўналтирилган муносабатларни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш мумкин эмас.

Васийлик ва ҳомийлик институтини оммавий соҳаларда жойлаштиришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги яна бир муҳим ҳолат билан боғлиқ. Васийлик ва ҳомийлик фақатгина васий ёки ҳомийнинг ихтиёрий розилиги мавжуд бўлганда юзага келади. Бошқа ҳолларда, хусусан, васийлик ёки ҳомийликнинг мажбурий тартибда тайинланиши васийликка муҳтож бўлган шахсларга фойдадан кўра, зарар келтириши мумкин. Васийлик ва ҳомийликнинг айнан ихтиёрий тартибда вужудга келиши мазкур ҳуқуқий институни

табиати бўйича фақат маъмурий-ҳуқуқий институт сифатида эътироф этиб бўлмаслигини кўрсатади.

Украина қонунчилиги асосида васийлик ва ҳомийлик институтини таҳлил қилар экан И.Яницкая айрим эътиборга молик фикрларни билдириб ўтади. Унинг фикрича, бугунги кунда ҳуқуқий адабиётларда васий (ҳомий)нинг ҳаракатларини васийликдаги (ҳомийликдаги) шахс фойдасига муайян хизматлар кўрсатиш сифатида баҳолаш нуқтаи назари кенг тарқалганки, бу ҳолат васийлик институтини фуқаролик-ҳуқуқий соҳага тааллуқлилигини англатади. Хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатлар шартномавий тус касб этиши муносабати билан васийлик (ҳомийлик) бўйича хизматларни кўрсатишни амалга ошириш асоси ҳам фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўлиши лозим. Бундай шартномани ноанъанавий шартномалар турига киритиш мумкин ва у ҳақ бараварига ҳам, текинга ҳам тузилиши мумкин. Кўпинча васий ва ҳомий қариндошлар орасидан тайинланганда уларнинг васийлик ёки ҳомийлик мажбуриятлари текинга амалга оширилади. Бу қоида Украина Республикаси Васийлик ва ҳомийлик қоидаларининг 4.12-банди талабларига ҳам мос келади [24, 233-стр].

Бироқ қайд этиш лозимки, васийликни тайинлаш кўпчилик мамлакатларда давлат органларининг қарори билан амалга оширилади ва шартнома асосида васийлик ёки ҳомийлик тайинланишига йўл қўйилмайди. Масалан, Ўзбекистон ва Қозоғистон қонунчилигида васийликни тайинлаш суд ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган. Россия Федерацияси ва Украинада ҳам васийлик ва ҳомийлик шартномага кўра тайинланганда ҳам суд ёки давлат ҳокимияти органи томонидан тасдиқланиши ҳамда мазкур шартнома рўйхатга олинishi лозим. Шу боис васийлик ва ҳомийликни фуқаролик-ҳуқуқий институт сифатида талқин этиш масалага фақат бир ёқлама ёндашувга айланиб қолади. Шу сабабли Украиналик мутахассис И.Яницкаянинг фикрлари баҳслилигини таъкидлаган ҳолда, васийлик ва ҳомийликнинг мақсади фақат муайян бир ҳуқуқ соҳаси доираси ва қобиғида ҳамда фақат шу ҳуқуқ соҳасининг усул ва методларидан фойдаланиш жисмоний шахсларнинг муомала лаёқатини амалга оширишнинг етишмаган қисмини тўлдириш эмас, балки ҳар томонлама, тўлиқ ва комплекс ҳолда суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки муомала лаёқати чекланганлар ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга ижтимоий ғамхўрликнинг барча чоралари кўрсатиш ҳисобланади. Бунда васийлик ҳуқуқнинг қайси соҳаси ёки тармоғининг усул ва методларидан фойдаланиш, у билан боғлиқ муносабатлар қонунчилигининг қайси соҳасига жойлаштирилганлиги алоҳида ёки муҳим аҳамият касб этмайди. Ҳуқуқ соҳалари ва тармоғлари, институтлари ва субинститутларининг бугунги ўзаро яқинлашуви ва глобаллашуви шароитида ҳуқуқ соҳаларининг ҳаракатланиш доирасини чеклаш ёки улар элементларини ўзаро ҳуқуқий тартибга солишда фойдаланишни инкор этиш кутилган натижани бермаслиги мумкин. Шу сабабли васийлик ва ҳомийлик комплекс ҳуқуқ институти ва алоҳида мустақил қонунчилик институти, деган хулосага келиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги нормаларнинг миллий қонунчилик тизимидаги ўрнини белгилашда, васийлик ва ҳомийликнинг қонунчилик институти эканлигини қайд этиш лозим. Ушбу таъкид васийлик ва ҳомийликнинг ижтимоий ғамхўрлик шакли сифатидаги моҳиятига оид ғояларга тўлиқ мос келади, шунингдек бундай ғамхўрлик умумдават аҳамиятидаги вазибаларни бажариш ҳисобланади ва давлат ҳокимияти органларининг фаолияти билан таъминланиши ҳамда комплекс ҳуқуқий тартибга солиниши зарур. Шунга қарамадан васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги нормалар тизимининг комплекслиги туси ушбу институтнинг аҳамияти юқори эканлигини кўрсатади ҳамда васийлик ва ҳомийликни қонунчилик соҳаси даражасида эътироф этилиши учун асос бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Вагацума С., Ариидзуми Т. Гражданское право Японии (в двух книгах). Кн. 1. – М., 1983.
2. Васильев В.В. Понятие гражданско-правового института как структурного элемента системы гражданского права // Вестник Пермского университета, 2012. Выпуск 1(15). Научный журнал. – С. 98-102.
3. Ведомости ВС СССР. 1968. № 27. Ст. 241.
4. Гражданский кодекс Квебека. Серия: Современное зарубежное и международное частное право. – М., 1999. С. 62–77.
5. Гражданское и торговое право капиталистических государств. Ч. II. Учебник / Под ред. Р.Л.Нарышкиной. М., 1984. – С. 274.
6. Гражданское право: В 2 т. Т. I: Учебник / Отв. ред. Е.А. Суханов. 2-е изд., перераб. и доп. М., 1998. С. 144.
7. Гражданское право: Учебник. Ч. III / Под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. – М., 1998. – С. 414.
8. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Бобоев Ҳ.Б., Исломов З.М., Чориев У. // Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев \.-Т.: "Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 2000. - 210 б.
9. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – 342 б.
10. Ершова Н.М. Проблемы гражданско-правового регулирования личных и имущественных отношений в сфере семьи: Дисс. ... докт. юрид. наук. – М., 1979. – С. 97.
11. Киримова Е.А. Правовой институт: теоретико-правовое исследование: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 1998. – С. 13-14.
12. Комментарий к Семейному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. П.В. Крашенинникова, П.И. Седугина. – М., 1997. – С. 11.
13. Михеева Л.Ю. Проблемы правового регулирования отношений в сфере опеки и попечительства: автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Томск, 2003. – 17 с.
14. Мицкевич А.В. Система права и система законодательства: развитие научных представлений и законодательства // Проблемы современного гражданского права. – М., 2000. – С. 26, 27.
15. Пчелинцева Л.М. Комментарий к Семейному кодексу Российской Федерации. М., 1999. – С. 492.
16. Раҳмонқулов Ҳ. Ҳуқуқ тизими. – Тошкент: ТДҶОИ, 2000.

17. Раҳмонкулов. Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. – Тошкент: 2008. – 35 б.

18. Сеитниязов К.П. Фуқаролик ҳуқуқида вакиллик ва уни амалга ошириш муаммолари: Ҳуқуқ магистри академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент: 2014. – Б. 31-32.

19. Скловский К.И. Представительство в гражданском праве и процессе (вопросы теории: сущность, содержание, структура): Дисс. ... канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 1981. – С. 65.

20. Спектор А.А. Правовой институт опеки и попечительства в современной России: новые правила и особенности регулирования.

21. Урумова Т.О. Опека и попечительство над несовершеннолетними детьми: актуальные проблемы правового регулирования: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2009. – 10 с.

22. Цветков В.А. Многоаспектность понятия опеки и попечительства // Вестник Омского юридического института. 2012. № 1 (18). – С. 20.

23. Шершеневич Г.Ф. Учебник русского гражданского права (по изданию 1907 г.). – М., 1995. – С. 456-457.

24. Яницкая И. Правовая природа института опеки // Martie, 2014. – С. 243-244.

Г.Д. Саттарова,

Главный научный сотрудник ИМДЗ при Президенте
РУз, к.ю.н.

ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СОЦИАЛЬНОГО ПАРТНЕРСТВА В СФЕРЕ ТРУДА

Аннотация: в статье анализируется современное состояние социального партнерства в сфере труда. Особое внимание автор уделяет проблеме представительства работников и работодателей в системе социального партнерства, а также роли государства в создании условий для дальнейшего развития коллективно-договорного регулирования, как важнейшей формы социального партнерства в сфере труда.

Ключевые слова: социально-трудовая сфера, социальное партнерство, представительство, работники, профсоюзы, работодатели, трехсторонние комиссии, коллективно-договорное регулирование.

Аннотация: мақолада меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликнинг бугунги кундаги ҳолати таҳлил этилмоқда. Бунда муаллиф томонидан алоҳида эътибор ходимлар ва иш берувчиларнинг ижтимоий шериклик тизимидаги вакиллиги ҳамда меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликнинг энг муҳим шаклларида бири бўлган жамоа-шартномавий тартибга солишни ривожлантиришда давлатнинг ролига қаратилган.

Калит сўзлар: ижтимоий-меҳнат соҳаси, ижтимоий шериклик, вакиллик, ходимлар, касаба уюшмалари, иш берувчилар, уч томонлама комиссиялар, жамоа-шартномавий тартибга солиш

Annotation: in this article was analyzed the current status of social partnership in the labor sphere. The author paid a special attention to the problems of representation of workers and employers in the social partnership system, and to the role of government in creating the conditions for further development of the collective-contractual regulation, as the main form of social partnership in the labor sphere.

Key words: social-labor sphere, social partnership, representation, workers, trade unions, employers, tripartite commissions, collective-contractual regulation.

Сегодня в стране осуществляется поэтапное реформирование всех сфер жизни общества, включая и трудовую сферу, совершенствуется национальное законодательство, развиваются национальные институты, углубляются процессы демократизации.

Рыночные реформы, проводимые в нашей стране, внесли свои коррективы и в сферу труда. Действующий Трудовой кодекс Республики Узбекистан, принятый 21 декабря 1995 года законодательно закрепил принципы, формы и методы регулирования всего комплекса вопросов труда, начиная от его организации и управления, и кончая трудовыми спорами, а также занятости и социальной защиты населения в условиях рынка, создал правовую базу для развития сотрудничества между работниками и работодателями в рамках коллективно-договорного регулирования. Нормы Трудового кодекса позволяют всем – работодателям, самим работникам, их представительным органам – посредством коллективно-договорного регулирования решать насущные трудовые вопросы и социальные

проблемы, возникающие по мере становления и углубления рыночной экономики. Такое сотрудничество работников и работодателей осуществляется в рамках социального партнерства в сфере труда и предполагает согласование интересов большого количества участников соответствующих отношений.

Сегодня в условиях углубления социально-экономических реформ в стране, система взаимодействия работодателей, представителей наемных работников и государства играет важную роль. Действующий Трудовой кодекс содержит ряд положений, стимулирующих партнерские отношения между государством и другими субъектами права, определяющих условия и принципы развития социального партнерства, но в современных условиях развития государства и общества этого не достаточно. Сегодня уже никто не спорит, что социальное партнерство является обязательным элементом государственного устройства, важнейшим принципом организации взаимодействия между органами власти, работниками и работодателями в социально-трудовой сфере. Поэтому особенно актуальным становится вопрос о включении в Трудовой кодекс целой главы, посвященной вопросам осуществления и развития социального партнерства в сфере труда.

Социальное партнерство в мире как специфический тип общественных отношений и общеполитический институт гражданского общества сформировалось в результате длительной эволюции. Ему предшествовала многовековая эпоха, для которой были характерны, главным образом конфронтационные отношения между имущими и неимущими слоями населения, между трудом и капиталом. В отличие от других государств, социальное партнерство в Республике Узбекистан было регламентировано в правовом порядке, что положило начало формированию многоуровневой системы, ориентированной на принципы трипартизма и бипартизма. Отношения, построенные на социальном партнерстве, предполагают целую систему институтов, механизмов и процедур, призванных поддерживать баланс интересов, участвующих в переговорах о занятости, оплате и условиях труда и способствовать достижению приемлемого компромисса ради реализации корпоративных или общественных интересов. В систему социального партнерства входят:

субъекты социального партнерства;

совокупность различных постоянно и временно действующих двух- и трехсторонних органов, формируемых представителями работников, работодателей, исполнительной власти и осуществляющих взаимодействие между ними на различных уровнях регулирования социально-трудовых и связанных с ними отношений (республика, регионы, отрасли, территории, предприятия);

совокупность различных совместных документов (коллективных договоров, соглашений, решений и др.), принимаемых этими органами на основе взаимных консультаций, переговоров, договоренностей между сторонами, и направленных на регулирование социально-трудовых и связанных с ними экономических отношений (генеральное, региональное, отраслевое, территориальное и другие соглашения, коллективные договоры и др.);

порядок, формы взаимодействия, соотношения, определенная последовательность в разработке, сро-

ках принятия, приоритетности вышеуказанных органов и документов.

Субъектами системы социального партнерства, олицетворяющими и реализующими в своей практической деятельности ее задачи и принципы являются:

представители работников, их органы и организации;

работодатели и их представители, их органы и организации;

органы государственной и исполнительной местной власти, их представители.

Следует отметить, что такого разделения субъектов социального партнерства придерживаются все ученые Узбекистана, исследовавшие те или иные аспекты социального партнерства в сфере труда.

Действующий Трудовой кодекс признает профсоюзы полноправным представителем работников, хотя иное представительство не запрещено и о нем прямо указывается, как альтернатива профсоюзу. Поэтому представляется целесообразным остановиться на проблемах, непосредственно связанных с осуществлением представительства работников. На сегодняшний день можно выделить две актуальные проблемы, это: 1) критерии предоставления профсоюзам права на осуществление коллективно-договорного регулирования; 2) существование, наряду с профсоюзами, иных представительных органов, обладающих равными с профсоюзами правами.

Первичная профсоюзная организация представляет собой "ячейку" профсоюза на предприятии. Только она (если учитывать исключительно систему профсоюза) может представлять интересы работников предприятия. Трудовой кодекс РУз и Закон "О профессиональных союзах, правах и гарантиях их деятельности" предусматривает для профсоюза возможность представительства интересов работников, независимо от того, являются ли последние членами профсоюза или ими не являются. Закон предоставляет гарантию защиты работников от дискриминации на работе по признаку принадлежности к профсоюзу или активной работы в нем (в том числе выборным профсоюзным руководителям). Учитывая отсутствие в законодательстве механизма наделения профсоюза полномочиями представлять интересы всех работников, практика ввела правило определять данное обстоятельство в коллективно-договорных актах. В то же время, действующий Трудовой кодекс Республики Узбекистан исходит из того, что профсоюзы как добровольное объединение, как выборный орган не могут быть абсолютизированы. Другими словами представительство интересов работников в трудовых отношениях и защите таких интересов наравне с профсоюзами и их выборными органами на предприятиях могут осуществлять и иные избираемые работниками органы. На практике иные представительные органы работников образуются в связи с отсутствием профсоюзного органа. Эти органы могут рассматриваться в качестве представителей всего трудового коллектива работников при заключении коллективного договора и разрешении коллективного трудового спора при условии соблюдения правовой процедуры образования представительных органов работников. Однако их объединения на уровне территорий (регионов) или отрасли, республики в настоящее время отсутствуют. Поэтому на практике эти органы осуществляют представительство интересов работников только на уровне предприятий. Учитывая процессы глобализации и нарастаю-

щую долю транснациональных компаний в отдельных отраслях производства, а также требования одной из основополагающих Конвенций МОТ №87 [1], целесообразно было бы закрепить данный механизм в Трудовом кодексе Республики Узбекистан.

Особо следует остановиться на представителях работодателей, участвующих в системе социального партнерства в сфере труда. О проблемах социального партнерства на уровне предприятий говорить не приходится. Действующий Трудовой кодекс содержит ряд статей, посвященных праву работодателей участвовать во всех формах социального партнерства, начиная от участия в создании специальной комиссии по вопросам заключения коллективного договора и заканчивая участием в рассмотрении коллективного трудового спора [2].

Однако, в действующем Трудовом кодексе остаются неточности, связанные с правосубъектностью представителей работодателя, которые необходимо убрать. Они касаются права работодателя заключать коллективные договоры, коллективно-договорные акты в обособленных подразделениях предприятия, выступать в качестве стороны коллективного соглашения и др. Особо необходимо остановиться на проблеме представительства работодателей при осуществлении социального партнерства вне предприятий на уровне территорий, отраслей при заключении и в период функционирования коллективных соглашений. Трудовое законодательство не устанавливает каких-либо ограничений для представительства интересов работодателей. Достаточно того, что объединения работодателей создаются и функционируют как общественные добровольные организации, ставящие своей целью содействие развитию и повышению эффективности экономики и предпринимательской инициативы (ст.28 ТК РУз). В числе актуальных проблем, относящихся к определению представительства работодателей, относится отсутствие полномочных представителей работодателей Республики Узбекистан. Генеральное соглашение, заключенное в 2011, потом в 2014 году от имени работодателей Республики было подписано Республиканской Торгово-промышленной палатой. Учитывая ту роль и значение, которое придает правительство деятельности и перспективам палаты, делегирование полномочий со стороны отраслевых объединений субъектов хозяйствования Торгово-промышленной палате в решении вопросов выработки социально-экономической стратегии работодателей было правильным. Однако, необходимо признать, что задачи Торгово-промышленной палаты по представительству работодателей в сфере социально-трудовых отношений не отражены ни в законе Республики Узбекистан «О торгово-промышленной палате», ни в Уставе палаты.

Объединения работодателей являются не единственными представителями работодателей при заключении соглашений. В качестве представителей могут быть и иные уполномоченные работодателями органы. Такая возможность предусмотрена на тот случай, когда объединение работодателей не создано, а потребность (и желание) заключить отраслевое тарифное, профессионально-тарифное или иное соглашение присутствует. В этой ситуации работодатели уполномочивают представлять свои интересы в социально-партнерских отношениях уже существующий и функционирующий орган. Как правило, на практике это государственный орган отраслевого управления – от-

раслевые министерства и ведомства. Это касается отраслей образования, здравоохранения и других сфер, находящихся в ведении государства. Необходимо отметить, что в соответствии с законодательством иные уполномоченные органы могут принимать участие в заключении любых соглашений, за исключением территориального. Они представляют интересы только тех работодателей, которые специально уполномочили их на представительство. Это касается крупных производственных объединений, как правило, функционирующих в форме акционерных компаний. Именно они и являются участниками отраслевых соглашений.

Поэтому содействие консолидации работодателей, по нашему мнению, является одной из актуальнейших задач. Только при наличии ответственных, эффективных объединений работодателей государство может выступать как арбитр, гарант социально-экономической политики, правового регулирования социально-трудовых отношений.

Учитывая, что одной из главных задач объединений работодателей в сфере трудовых отношений является организация работодателей отрасли, региона для участия в системе социального партнерства, представляется важным сформировать полноправные объединения работодателей в качестве второй стороны социального диалога. Вопрос об объединении работодателей, несомненно, связан с Трудовым кодексом, но, по сути, он охватывает более широкий круг отношений, нежели социально-трудовые. Об этом наглядно говорит содержание Генерального соглашения. Такой подход целесообразен не только с позиции практического применения, но также и последующей работой над совершенствованием законодательства по данному вопросу.

Говоря о соотношении государственного и коллективно-договорного регулирования, необходимо отметить, что в действующем Трудовом кодексе не всегда четко разграничена сфера государственного и коллективно-договорного регулирования. Именно поэтому государственное регулирование трудовых отношений зачастую может быть достаточным и не требует дополнительного коллективно-договорного регулирования. Особенно это касается непроизводственных предприятий, финансируемых из государственного или местного бюджета. Другая проблема – нет четкого разграничения в сфере регулирования коллективными договорами и коллективными соглашениями. Так, ряд статей Трудового кодекса относит регулирование отдельных вопросов к ведению, как коллективных договоров, так и коллективных соглашений¹. Это приводит к тому, что на предприятиях подавляется инициатива заключения коллективного договора в силу того, что вышестоящее коллективное соглашение уже регулирует все необходимые вопросы. Это противоречит принципам социального партнерства. Поэтому роль государства в регулировании социально-трудовых отношений и уровня социальной защиты населения должна будет постепенно переноситься в область создания условий, способствующих эффективному договорному регулированию этих отношений между орга-

¹ Например, статьи, посвященные регулированию вопросов временных переводов на другую работу, установления сокращенной продолжительности рабочего времени и предоставления дополнительных отпусков, гарантий оплаты труда и охраны труда (прим. авт.)

низациями, представляющими интересы всех социальных групп.

И последний, но не менее важный вопрос, на котором хотелось остановиться, говоря о дальнейшем развитии социального партнерства в сфере труда – это вопрос, касающийся формирования и деятельности трехсторонних комиссий по социально-трудовым отношениям. Комиссии, состоящие из представителей сторон, наделенных необходимыми полномочиями, образуются для обеспечения регулирования социально-трудовых отношений, ведения коллективных переговоров и подготовки проектов коллективных соглашений, их заключения, а также для организации контроля над выполнением коллективного договора и соглашений на всех уровнях на равноправной основе по решению сторон.

На республиканском уровне образована постоянно действующая трехсторонняя комиссия по регулированию социально-трудовых отношений, созданная при заключении Генерального соглашения, которая периодически собирается для обсуждения вопросов его исполнения. Для более полного осуществления контроля над исполнением отраслевых и территориальных коллективных соглашений, думается, было бы целесообразным создание соответствующих отраслевых и территориальных комиссий.

Таким образом, повышение активности субъектов социального партнерства, собственно как и развитие самого социального партнерства в сфере труда предполагает разработку, принятие и осуществление целого комплекса различных по своему содержанию мер, в том числе и совершенствования соответствующей правовой базы, включая Трудовой кодекс Республики Узбекистан.

Список литературы:

1. Закон Республики Узбекистан от 25.10.2016 года №ЗРУ-412 «О ратификации Конвенции Международной организации труда N 87 о свободе объединения и защите права на объединение в профсоюзы (Сан-Франциско, 9 июля 1948 года)».
2. Трудовой кодекс Республики Узбекистан (www.lex.uz).

У.Ш.Шарахметова

ТДЮУ “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси доценти,
юридик фанлар номзоди

ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мақолада ота-оналарнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усул ва воситалари ёритилган. Муаллиф ота-оналарнинг болаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлари хусусиятларини ўрганиб, бу борада оила қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан фикр юритган.

Калит сўзлар: шахсий номулкий ҳуқуқлар, оила қонунчилиги, ота-она ҳуқуқи.

Аннотация: В статье освещены способы и средства защиты личных неимущественных прав родителей. Автор, изучив особенности личных неимущественных прав родителей, делится с идеями о совершенствовании семейного законодательства.

Ключевые слова: личные неимущественные права, семейное законодательство, права родителей.

Annotation: Ways and means of protection of the personal non-property rights of parents are covered in article. The author studies features of the personal non-property rights of parents and shares with the ideas about improvement of the family legislation.

Key words: personal non-property rights, family legislation, rights of parents

Маълумки, ҳар бир инсон оилада туғилиб вояга етади. Оила инсон учун муҳим таълим тарбия ўчоғи ҳамдир. Халқимиз азал азалдан оилани муқаддас санаган ҳамда оилавий қадриятлар сақланиши ва авлоддан авлодга ўтказилиши учун ҳаракат қилиб келган.

Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар - яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳроқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одабийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий олами ташкил этади [1].

Шу маънода 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чоратадбирларни янада амалга ошириш масалаларига эътибор қаратилган.

Шундай экан, ҳар бир оила билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатни ўрганиш, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимо диққат эътиборда бўлиши табиий. Шу билан бирга оила мавжуд экан, у билан боғлиқ (баъзида ота-оналар, баъзилар ота-она ҳамда вояга етмаган болалар ўртасида) тушунмовчиликлар, келишмовчиликлар бўлиб туриши табиий. Шу боисдан оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга эҳтиёж сезилади. Ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш оилавий ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг бир бўлаги сифатида кўрар эканмиз, амалдаги қонунчилик оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш суд томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари бўйича, Оила кодексига назарда тутилган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилишини назарда тутлади. Шунингдек, оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш Оила кодексининг тегишли моддаларида назарда тутилган усулларда амалга оширилади (11-модда). Бироқ, бу ўринда ФҚда ёки алоҳида фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган усуллар (масалан, муаллифлик ҳуқуқи, товар белгиларини ҳимоя қилиш каби) каби алоҳида ва батафсил кўрсатиб ўтилмаган.

Л.Пчелинцеванинг таъкидлашича, субъектив оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш деганда, мажбурлов характеридаги мустаҳкамланган моддий ҳуқуқий чоралар воситасида бузилган ҳуқуқларни тиклаш (тан олиш) ва ҳуқуқбузарга таъсир кўрсатиш тушунилади [2]. Бу ўринда муаллиф ҳам оила кодексига оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари рўйхати мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Оила кодексига мустаҳкамланган оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари ўз ҳуқуқий табиати бўйича бир хил бўлмасдан, уларни амалга ошириш имкониятига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Юридик адабиётларда ҳимоя чоралари ҳамда жавобгарлик чораларига бўлиш кенг тарқалган. Ушбу чоралар ўз навбатида қўллаш асослари, ижтимоий функцияси, амалга ошириш шаклларига кўра фарқланади. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, жавобгарлик чоралари айбдор шахсга нисбатан қўлланилади ва унинг учун қўшимча мажбуриятлар, муайян оилавий ҳуқуқлардан маҳрум бўлиш кабиларда ифодаланади.

Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари муайян ҳолатларда фақат суд томонидан қўлланилиши мумкин. Масалан, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш, никоҳ шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, фарзандликка олишни бекор қилиш ва ҳ.к. Бошқа ҳолатларда эса, уларни амалга оширишнинг маъмурий тартибини белгилайди, яъни васийлик ва ҳомийлик органи, ФХДЁ органи томонидан (никоҳни ФХДЁ органида бекор қилиш, васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ота-онага болани қариндошлари билан кўришишига тўсқинлик қилмасликка кўрсатма бериши ва ҳ.к.) амалга оширишни белгилайди.

Назаримизда, Оила кодексига ҳуқуқбузарликнинг тури ва хусусиятидан келиб чиқиб қуйидаги оилавий ҳуқуқий ҳимоя усуллари назарда тутилган:

- а) ҳуқуқни тан олиш (Оила кодекси 27, 56-моддалар);
- б) бузилган ҳуқуқни тиклаш (Оила кодекси 48, 56-моддалар);
- в) бир шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бошқа бир шахснинг ҳуқуқларини чекланиши (Оила кодекси 79-модда);

г) мажбуриятни бажаришга, масалан алимент тўлашга, зарарни қоплашга мажбур қилиш (Оила кодекси 109, 124, 125, 142, 199 -моддалар);

д) ҳуқуқий муносабатни тугатиш ёки ўзгартириш (Оила кодексининг 32, 100-модда).

Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш кенг маънодаги тушунча саналади. Чунки, мазкур тушунча ўз ичига никоҳ тузиш, никоҳнинг тугатилиши (тугаши) ва уни ҳақиқий эмас деб топиш шартлари ва тартибини, оила аъзолари: эр-хотин, ота-она ва болалар (фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар) ўртасидаги, оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва доирада эса қариндошлар ҳамда ўзга шахслар ўртасидаги шахсий номулкӣ ва мулкӣ муносабатларни тартибга солади, шунингдек ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага олиш шакл ва қоидаларини, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш билан боғлиқ жиҳатларни ҳам қамраб олади. Биз қуйида ота-оналик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласини таҳлил этамиз. Оила кодексининг 78-моддасига асосан, ота-она болани қонунга асосланмасдан ушлаб турган ҳар қандай шахсдан унинг қайтарилишини талаб қилишга ҳақли. Низо чиққан тақдирда, ота-она ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишга ҳақли. Бу талабларни кўришда суд болани ота-онасига қайтариш унинг манфаатларига зид деган хулосага келса, боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг даъвосини рад қилишга ҳақли.

Оила кодексига белгиланган юқоридаги қоида гарчи ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш деб номлансада, унинг мазмунида “болаларни ўзларига қайтариш”, “судга мурожаат қилиш” каби қоидаларни назарда тутлади. Тўғри, ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш боланинг ҳуқуқларидан ажралган ҳолатда бўлмайди, зеро ота-оналикнинг ўзи ўз навбатида уларнинг ота-она эканликларини ҳамда улар ўртасида бола мавжудлигини тақазо этади. Шу боисдан ҳам қонун чиқарувчи ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир моддада улар ҳуқуқлари бола ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳолда кўради ҳамда уларни ҳимоя қилишга доир қоидаларда белгилаб беради.

Оила кодексининг 78-моддасига кўра:

1) ота-она болани қонунга асосланмасдан ушлаб турган ҳар қандай шахсдан унинг қайтарилишини талаб қилишга ҳақли. Ушбу талаб болани ушлаб турган ҳар қандай шахсга, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларга, давлат органлари ва муассасаларига татбиқ этилади. Бунда қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши лозим:

а) улар болани қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб туришган бўлса (масалан, ички ишлар органи вояга етмаган болани маъмурий ушлаб туриш муддатидан ортиқ ушлаб турса, у ҳолда ота-она болани уларга дарҳол қайтарилишини талаб қилишга ҳақли);

б) улар болани суднинг қарорига асосланмаган ҳолда ушлаб туришган бўлса (бунда суднинг нафақат қарори балки бошқа ҳар қандай ҳуқуқий тусга эга бўлган ҳужжати, ҳукм, ажрими ҳақида кетади). Агар бола озодликдан маҳрум этилган бўлса, у ҳолда ота-она болани уларга қайтаришни талаб қила олмайдилар;

2) ота-она ҳамда болани ушлаб турган шахслар ўртасида низо чиққан тақдирда, ота-она ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишга ҳақли.

3) суд (ушбу талабни кўриш жараёнида):

а) умумий қоидага асосан ота-онанинг талабини қаноатлантириши лозим;

б) суд болани ота-онасига қайтариш унинг манфаатларига зид деган ҳулосага келса, боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг даъвосини рад қилишга ҳақли.

Агар суд ота-она ҳам, болани ўз қарамоғига олган шахс ҳам болага лозим даражада тарбия беришни ҳамда уни қамолотга етказишни таъминлай олмайдилар, деб топса, болани васийлик ва ҳомийлик органи қарамоғига олиб беради. Бундай ҳолатлар жумласига болани етарли даражада тарбиялай олмаслик (яъни, болани нормал дунёқараш, одат, ҳаёт тарзи, ҳулқ атвор, ҳушмуомалалик ва ҳ.к.) киритилиши мумкин. Бундай ҳолатда унинг сабаблари (масалан, ота-она жамиятдан ажралган ҳолда, яқкаланган ҳолда яшashi, турли иллатларга мубтало бўлиши, наркотик моддалар истеъмол қилиши ва ҳ.к.) аҳамиятга эга бўлмайди. Шу билан бирга улар боланинг лозим даражада ҳам жисмонан ҳам маънан ривожланишини таъминлай олмаслигини ҳам кўрсатиш мумкин.

Н.Ф.Имомовнинг фикрича, даъво муддати фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим ҳуқуқий институтларидан бири бўлиб, унинг муҳимлиги шундаки, даъво муддатининг ўтиши юридик факт ҳисобланади. Бинобарин, унинг ўтиши, тарафларда янгидан фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтиради, ўзгартиради ёки бекор қилади [3].

Оила кодексининг 12-моддасини 1-қисмида оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларга нисбатан даъво муддати жорий қилинмайди, ушбу кодекс билан белгиланган ҳоллар бундан мустаснодир, деган умумий қоида белгиланган. Бу оила ҳуқуқида узоқ муддат давом этадиган шахсий ҳуқуқ билан боғлиқ бўлиб, уларни ҳамма вақт ҳимоя қилиш табиатидан келиб чиқади. Оила муносабатини иштирокчилари амалда бузилган оила ҳуқуқини ҳимоя қилишда вақтинчалик ўткинчи вақт билан чекланмаган.

Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилишни сўраб судга мурожаат қилиш асослари турлича, масалан, вояга етмаган боланинг яшаш жойини белгилаш, бола билан кўришиш ҳуқуқини белгилаш, ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ва ҳ.к.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш боланинг манфаатларини муҳофаза қилиш учун зарур чора ҳисобланади. Бу билан ота-она суд қарорига асосан болани шахсан тарбиялаш ҳуқуқидан маҳрум бўлади ва келажакда болани ундан (уларнинг биридан) олиб қўйиш билан ижро қилинади. Бунда айбдорлик ушбу чорани қўллаш учун мажбурий шарт ҳисобланмайди. Шу билан бирга ота-оналик ҳуқуқини чеклаш муддатли чора бўлиб, ота-оналик ҳуқуқларининг айримларидангина маҳрум бўлишга олиб келади [4]. Бироқ, амалиётда бу борада муайян қийинчиликлар ва муаммолар мавжудлиги кўзга ташланади.

Ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш аввало бола манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилмоғи зарур. Шу билан бирга ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш муайян даражада васийлик ва ҳомийлик органининг фаолиятига, уларнинг ҳуқуқий маданиятига ҳам бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу боисдан улар фаолиятини янада жонлантириш, ота-оналик ҳуқуқларини судсиз ҳам ҳимоя қилиш имкониятини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бир қатор талабларни қўйишни тақазо этиши мумкин. Жумладан, ота (она) оталикни (оналикни) белгилашни, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва чеклашни, ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ва чеклашни бекор қилишни, боладан алоҳида яшаётган ота-онанинг ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш тартибини белгилашни, болани тарбияга беришни, болани қайтаришни, фарзандликка олишни бекор қилишни талабини қўйиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилишда ота-оналар судсиз тартибда болалар хусусида ўзаро келишувга ҳам эришишлари мумкин. бундай келишувнинг мазмуни турлича, яъни, ота-оналик ҳуқуқи ва мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ барча жиҳатларни қамраб олиши мумкин. Бу борада Оила кодекси мазкур масалаларни тўлақонли ҳал этишга доир қоида белгиланмаган.

Фикримизча, Оила кодексининг 75-моддасига қуйидаги қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ:

“Ота-оналар болаларнинг таълим-тарбиясига, ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш тартиби ва усулларига тааллуқли барча масалаларга доир келишувга эришишга ҳақлидирлир. Мазкур келишув нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Шунингдек Оила кодексининг 44-моддаси иккинчи қисмига қуйидаги хатбоши киритиш мақсадга мувофиқ:

“Никоҳдан ажралгандан сўнг боладан алоҳида яшовчи ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартибини белгилаш;”

Оила кодексининг 40-моддаси учинчи қисм сифатида қуйидаги қўшимчани киритиш мақсадга мувофиқ:

“Никоҳдан суд тартибда ажратишда уларнинг умумий вояга етмаган фарзандлари бўлган ҳолларда суд болаларнинг манфаатини ва фикрини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади.”

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юсак маънавият енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. –24 б.
2. Пчелинцева Л.М. Семейное право России. Учебник для вузов. 3-е издание. –М.: Норма, 2004. –67 с.
3. Имомов Н.Ф. Муддатлар ва даъво муддати. –Т.: ТДҶОИ, 2004.
4. Мардахаева П.Н. Эффективность норм семейного законодательства о юридической ответственности родителей // Семья и право (к 10-летию принятия Семейного кодекса Российской Федерации): Материалы Международной научно-практической конференции (Москва, 5-6 декабря 2005). – 9 с.

Н.Раимова

самостоятельный соискатель ТГЮУ, к.ю.н.

ИНФОРМАЦИЯ КАК ОБЪЕКТ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ

Аннотация: В статье приведен комплексный анализ сущности и правовой природы информации как объекта правового регулирования, даны предложения по совершенствованию действующего законодательства, регулирующего данную сферу.

Ключевые слова: информация, конфиденциальная информация, правовой режим, виды информации, способы защиты информации.

Аннотация. Мақолада ахборотнинг ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида моҳияти ва ҳуқуқий табиатининг комплекс таҳлили берилган бўлиб, мазкур соҳани тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш учун бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ахборот, махфий ахборот, ҳуқуқий режим, ахборот турлари, ахборотни ҳимоя қилиш усуллари.

Annotation: In this article is given a complex analyses of essence and legal nature of information as the object of legal relations and elaborated decisions to improve acting legislation regulating present sphere.

Key words: information, confidential information, legal regime, types of information, methods of protection of information.

Одним из главных факторов, обеспечивающих эффективность управления различными сферами общественной жизни, является правильное использование информации различного характера. Темпы прогресса сегодняшнего, а тем более завтрашнего дня в значительной мере зависят от состояния дел в области информационно-вычислительного обслуживания важнейших сфер деятельности – науки, техники, производства и управления.

Исходя из этого, создание правовых норм, закрепляющих права и обязанности граждан, коллективов и государства на информацию, а также защита этой информации становятся важнейшим аспектом информационной политики государства. Защита информации, особенно в экономической сфере, – очень специфический и важный вид деятельности.

В последнее время понятие «информация» получило необычайную популярность. Как справедливо отметил глава нашего государства И.А.Каримов: «Не секрет, что XXI век – это век, в котором главенствуют интеллектуальные ценности. Именно поэтому, если каждое государство и общество вовремя не осознают эту истину и необходимость стремления к освоению новых знаний, наращиванию интеллектуального потенциала, если эти критерии не станут смыслом их повседневной жизни, то это общество неизбежно останется за рамками мирового прогресса» [1, с. 182].

Так что же такое информация?

Согласно ст. 3 Закона Республики Узбекистан «О принципах и гарантиях свободы информации», *информация* – сведения о лицах, предметах, фактах, событиях, явлениях и процессах независимо от источников и формы их представления.

Уникальной особенностью информации, на наш взгляд, является то, что она является правовой категорией – объектом гражданских правоотношений.

Как известно, каждому объекту гражданских прав должен быть придан свой уникальный правовой режим. Так, если, например, недвижимые и движимые вещи, ценные бумаги, результаты интеллектуальной деятельности на сегодняшний день довольно тщательно изучены цивилистами и пущены в гражданский оборот в рамках различных правовых механизмов и схем, то информация, в том числе и конфиденциальная информация, к сожалению, относительно молодой институт гражданского права. В связи с этим, вследствие отсутствия должного внимания к информации со стороны цивилистов, появились определенные пробелы в определении смысла информации как объекта правового регулирования.

С одной стороны, это объясняется тем, что включение информации в сферу правового регулирования в качестве объекта гражданских правоотношений произошло относительно недавно, в эпоху появления систем связи, средств вычислительной техники, новых информационных технологий. С другой стороны, понятие «информация» отличается сложностью и неоднозначностью: она является объектом различных отраслей знания (права, кибернетики, философии, социологии, психологии и др.), которые выделяют определенные ее стороны и признаки исходя из особенностей предметной области этих наук.

Весьма актуальным, на наш взгляд, является вопрос о характерных особенностях информации как объекта гражданских правоотношений, которые определяют специфику ее правового режима и отличие от вещей и от объектов интеллектуальной собственности.

К сожалению, выработать точное толкование понятия «информация», которое вмещало бы в себя все многообразие ее сторон, ее единую классификацию до сих пор не удалось.

Тогда к какой же разновидности объектов гражданских правоотношений нужно относить информацию? К материальным или идеальным явлениям окружающего мира? На наш взгляд, это особый продукт жизнедеятельности общества: информация материальна в том смысле, что материя может переносить, отражать или содержать информацию, и нематериальна, т.к. не является особым видом материи.

Большинство цивилистов оспаривают возможность распространения на информацию и информационные ресурсы как на нематериальные объекты института права вещной собственности [2, с. 94-98].

Как отмечает Суханов Е.А., объекты права собственности – более узкое понятие, чем объекты гражданского права, и включают в себя только вещи, т.е. предметы материального мира, имеющие к тому же форму товара. Существует и еще более узкий подход к объектам права собственности, согласно которому в качестве последних может выступать «только индивидуально определенное имущество... Вещи, определяемые родовыми признаками, а также различные нематериальные блага объектами вещных прав не являются». Таким образом, на информацию, не являющуюся вещью, нельзя распространить режим права собственности.

Категорически отвергает возможность распространения на информацию права собственности Гостев И.М. [3, с. 20]. Проводя аналогию с ценной бумагой,

Гостев И.М. утверждает, что информация, даже зафиксированная на материальном носителе, может существовать и отдельно от него и иметь совершенно другую материальную оценку.

Эта же позиция поддерживается и Сергеевым А.П., относящим коммерческую и служебную тайну к «нетрадиционным объектам» интеллектуальной собственности, которые также не могут быть объектами права собственности [4, с. 620]. Данная точка зрения основана на том, что в качестве объектов здесь выступают результаты творческой деятельности, имеющие нематериальный характер, частью которых вообще нельзя обладать физически даже при приобретении в собственность материально выраженного результата.

Промежуточную позицию предложили в своих работах Вихорев С.В. и Бачило И.Л. [5, с. 95], согласно которым информация характеризуется двойкой природой – это идеальное и материальное одновременно. Поэтому применить к информации только вещное право или только интеллектуальное право было бы ошибочно. И если Бачило И.Л. «разделяет позицию комплексного применения институтов вещного права и интеллектуальной собственности к рассматриваемому объекту», то Вихорев С.В. предлагает создать по аналогии с нормами материального или интеллектуального права специфическую область права – информационную.

На основании вышеизложенного, можно сделать вывод о том, что информация является благом, обладающим в равной степени как свойствами, характерными для всех объектов гражданских прав, так и признаками, позволяющими говорить о необходимости формирования для нее собственного правового режима.

Что же касается национального законодательства Республики Узбекистан, то законы Республики Узбекистан «Об информатизации», «О защите государственных секретов» используют термины «владелец» и «собственник» применительно к документированной информации.

Соответственно, прямое указание закона на то, что информация относится к объектам вещных прав, вызывает проблемы на практике, связанные с налогообложением.

К примеру, аудиторы и налоговые органы ссылаются на данные нормы закона и заявляют, что включение информационных ресурсов в состав имущества и перевод операций по продаже и покупке документированной информации на законную основу увеличат налоговые поступления в бюджет как за счет налога на имущество, так и за счет налога с оборота и налога на добавленную стоимость.

Таким образом, в гражданский оборот вступает не информация, а «*документированная информация*».

Исходя из вышесказанного, можно сделать следующие выводы:

1. Информация является особым объектом гражданских правоотношений.

2. Информация как особый объект не равнозначна материальному носителю, хотя и связана с ним. Нематериальных носителей информации не бывает. Информация всегда находится в связи с конкретными материальными носителями.

3. Вместо термина «информация» необходимо использовать термин «документированная информация».

4. Так как документированная информация тесно связана с интеллектуальной собственностью, целесообразно было бы использовать ст. 81 ГК Республики Узбекистан в следующей редакции:

Статья 81. Виды объектов гражданских прав

К объектам гражданских прав относятся вещи, в том числе деньги и ценные бумаги, другие предметы, имущество, включая имущественные права, работы и услуги, документированная информация, изобретения, промышленные образцы, произведения науки, литературы, искусства и иные результаты интеллектуальной деятельности, а также личные неимущественные права и другие материальные и нематериальные блага.

Список литературы:

1. Каримов И.А. По пути преодоления последствий мирового кризиса, модернизации страны и достижения уровня развитых государств. – Ташкент, Узбекистан, 2010. Т. 18. – С. 182.

2. Ефремов А.А. Понятие и виды конфиденциальной информации // Закон. – Москва, 2005. – № 4. – С.94-98.

3. Гостев И.М. Информационное общество и информационное право. Иллюзии и реальности рождения информационного права // Защита информации. – Москва, 1999. – № 1-2. – С.20.

4. Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в РФ. – М., 1999. – С. 620.

5. Бачило И.Л. Информационные ресурсы как объект права и объект отношений, регулируемых ГК РФ // Государство и право. – Москва, 2014. – № 5. – С. 95.

Қ.Мехмонов
ТДЮУ мустақил изланувчиси

КОМПЬЮТЕР ДАСТУРИ – ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТИ СИФАТИДА: РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР МИСОЛИДА

Аннотация: Мақолада компьютер дастурлари интеллектуал мулк объекти сифатида хорижий ривожланаётган мамлакатлар мисолида ўрганилади. Муаллиф хорижий мамлакатлар – Ҳиндистон, Жанубий Корея, Испания ва Лотин Америкаси мамлакатлари қонунчилигини таҳлил қилади. Муаллиф ўз хулосасида компьютер дастурларига оид муносабатларни тартибга солишга доир қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазаларни билдиради.

Калит сўзлар. Компьютер дастури, дастурий маҳсулот, ривожланаётган мамлакатлар қонунчилиги, муаллифнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари, шартнома, мутлақ ҳуқуқлар.

Аннотация: В статье рассматриваются компьютерные программы – как объект интеллектуальной собственности на примере развивающихся стран. Автор анализирует законодательства зарубежных стран на примере: Индии, Южной Кореи, Испании и Латиноамериканских стран. В заключение автор дает свои идеи по совершенствованию правового регулирования отношений, связанных с компьютерными программами.

Ключевые слова: компьютерная программа, программный продукт, законодательство развивающихся стран, имущественные и личные неимущественные права автора, договор, исключительное право.

Annotation: The article deals with computer programs - as an object of intellectual property on the example of developing countries. The author analyzes foreign legislation as an example - India, South Korea, Spain, and Latin American countries. In conclusion, the author gives their ideas and views on the improvement of legal regulation of relations connected with the computer programs.

Key words: computer software, software product, the legislation of developing countries, the economic and moral rights of the author, the contract, the exclusive right.

Маълумки, компьютер технологияларининг яратилиши бевосита иқтисодий тараққиёт, саноат, илм-фаннинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Шу боисдан ҳам ушбу технологияларнинг дастлаб ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилиб жорий қилина бошлаган. Бироқ, тараққиёт бир жойда қотиб қолмаслиги боис гарчи компьютер технологиялари ривожланган мамлакатларда яратилган бўлсада, бу борада ривожланаётган мамлакатларда ҳам ўзига хос ёндашувлар, қонунчилик тизими, компьютер технологияларини қўллашнинг тараққиёт стратегиялари ҳамда ривожланиш тенденциялари мавжудлигини қайд қилиш ўринлидир.

Дунё мамлакатлари компьютер дастурларига нисбатан хоҳ муаллифлик ҳуқуқий ҳимоя, хоҳ патент ҳуқуқий ҳимоя (баъзида, фирром рақобат тўғрисидаги қонунчилик ва ҳ.к.) шаклини танлашларидан қатъий

назар, асосий мақсад ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳисобланади. Баъзи мамлакатларда ҳуқуқбузарлик учун таъсир чоралари бирмунча қаттиқ бўлишига қарамасдан, ҳуқуқ эгалари фойдасига кескин ўзгараётганлиги кўринмайди. Аксарият мамлакатлар қонун чиқарувчилари халқаро конвенциялардаги қоидаларни миллий қонунчиликка унификация қилишга ҳаракат қилмоқда. Бу ҳам сезирларли ўзгариш сифатида баҳоланаши мумкин.

Business Software Alliance ташкилотининг берган маълумотларига кўра, 2016 йилда дастурий таъминотларнинг 39 фоизи лицензияланмаган бўлса, 2013 йилда Осиё ва Тинч океани минтақасида 62 фоиз дастурий маҳсулот лицензияланмаган бир вақтда АҚШда лицензияланмаган дастурий таъминотдан фойдаланиш 19,1 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган. Компьютер дастурларидан ноқонуний фойдаланишда етакчилик Хитойга тегишли, кейинги ўринларда Нигерия, Вьетнам, Украина, Малайзия, Тайланд, Индонезия, Саудия Арабистони, Жанубий Корея ва Мексика каби давлатлар жой олган. Россиялик, Бразилиялик ва Ҳиндистонлик фойдаланувчиларнинг ярмидан кўпи ноқонуний равишда фойдаланади. Ушбу кўрсаткич Германия, Нидерландия ва бошқа давлатларда ҳам бирмунча юқори [1].

Компьютер дастурларини яратиш бўйича энг йирик потенциалга эга мамлакатлар сирасига кировчи Ҳиндистон мамлакатиде бу борада муайян қонунчилик базаси мавжуд. Ҳиндистон 1928 йилдан Берн Конвенциясининг иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонун 1957 йилда қабул қилинган ва унинг асосий қоидалари Буюк Британиянинг 1956 йилдаги Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунидан олинган [2].

Қонун мазмунига кўра компьютер дастури сўз, код, схема ёки исталган бошқа шаклда, шу жумладан, машина ўқийдиган элтувида ифодаланган, компьютерни алоҳида топшириқни бажаришга ёки муайян натижага эришишга мажбур қила оладиган кўрсатмалар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Бадиий асар ўзида компьютер дастури, жадваллар ва компиляцияларни, шу жумладан, компьютер бадиий маълумотлар базасини ҳам қамраб олади.

Бундан ташқари, 2000 йилда Ҳиндистонда парламент томонидан Ахборот технологиялари тўғрисидаги қонун қабул қилинган (*Information Technology Act, 2000*) [3] бўлиб, ушбу қонун бир қатор муносабатларни шу жумладан, компьютер, компьютер ресурси, компьютер тизими, электрон тижорат, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар ва бошқа муносабатларни тартибга солади. Мазкур қонун ушбу соҳани тартибга солувчи ўзига хос ягона тизимга эга.

Муаллифлик ҳуқуқи ғоянинг ўзини ҳимоя қилмасида, ғоянинг ифодаланиш шаклини ҳимоя қилади. Компьютер дастурининг объекти коди муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилади, дастур доирасида усуллар ва алгоритмлар ҳимоя қилинмайди. Бошланғич код ва объект коди сўзма-сўз нуса олишдан ҳимоя қилинади. Дастурий таъминотга нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари: 1. Доимий ва вақтинчалик суд тақиқи; 2. Барча контрафакт нусхаларга тақиқ қўйиш ва йўқ қилиб ташлаш; 3. Аниқ пул кўринишидаги зарар ва ҳуқуқбузарнинг олган даромади; 4. Аниқланган

зарарлар; 5. Суд харажатлари ва адвокатлар учун муносиб ҳақ тўлаш [4].

Демак, Хиндистонда компьютер дастурларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш чоралари бир қатор имкониятларни назарда тутди. Бу нафақат муайян ҳуқуқий соҳадаги ҳуқуқий жавобгарлик, балки усуллар тарзида бир қатор ҳолатларни белгилаб беради. Ўзбекистон Республикасида ҳам бу борада турли ҳуқуқ соҳаларида кенг ҳуқуқий имкониятлар назарда тутилган.

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланаётган мамлакатлардан бири бу Корея Республикасидир. Ушбу мамлакатда компьютер дастурларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида қонун [5] қабул қилинган бўлиб дастур деганда – компьютер ёрдамида маълумотларни бевосита ёки билвосита қайта ишлашга мўлжалланган кўрсатма ва буйруқларда ифодаланган ижодий асар тушунилади. Дастур муаллифи бўлиб эса, уни яратган инсон ҳисобланади. Макур қонунда белгиланган қоидалар дастурни тайёрлашда фойдаланиладиган дастурлаш тиллари, қоидалар ва алгоритмларга нисбатан татбиқ қилинмайди. Шундай бўлсада, мазкур банд мақсадлари учун дастурлаш тили тушунчаси ишлатилади ва у дастурни ифодалаш воситаси бўлган символлар, кодлар ва тизимлардан иборат бўлади. Алгоритм ибораси эса, дастурда қўлланиладиган кўрсатма ва буйруқлар комбинациялаш усулини ўзида ифодалайди.

Испанияда 1996 йил апрелдан бошлаб “Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида”ги қонун амал қилади. Ушбу қонунга 1987 йилдаги интеллектуал мулк ҳуқуқи тўғрисидаги ва 1993 йилдаги дастурларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун мослаштирилган. Компьютер дастурлари муайян вазифани ечиш ёки муайян натижага эришиш учун кўрсатмалар кетма-кетлиги ҳисобланади. Бу ҳам интеллектуал мулк объекти, унга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар унинг муаллифига тегишли. Дастур техник ҳужжатлар ва фойдаланувчи учун кўрсатмалар билан тақдим қилиниши мумкин. Қонунга мувофиқ, оригинал дастурларга, шунингдек уларнинг кейинги авлодлари (версиялари)га (ҳисоблаш тизимига зарар етказилмайдиган) нисбатан ҳуқуқий муҳофаза берилади.

Лотин Америкаси мамлакатларида компьютер дастурига оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш борасида ўзига хос ёндашувлар бўлганлиги маълум. Лотин Америкаси мамлакатлари ТРИПС битимини имзолаганларидан сўнг, интеллектуал мулк ҳуқуқига алоҳида эътибор қарата бошлади. Бироқ, интеллектуал мулк борасидаги барча масалалар ўз ўрнида ва тўлиқ ҳал қилинди, деб бўлмайди. Жумладан, компьютер дастурларига доир масала шулар жумласидан бўлиб ҳисобланади.

Биргина Бразилия давлати ўзининг миллий манфаатларини кўзлаган ҳолда электроника соҳасини ривожлантиришга бўлган ёндашувига эътибор қаратиш, бу борада узоқ кўзлаган ҳолда стратегик ёндашув бўлишини талаб қилган. Бразилия ҳукумати электрониканинг ривожланиши чет эл инвестициясини таъқиқлаган ҳолда ички ривожланишга қаратилган чораларни кўради. 1979 йили ҳукумат электрон саноатни тартибга солиш учун информатика бўйича махсус котибият ташкил қилди. Шахсий компьютерлар ва периферик қурилмаларни ишлаб чиқариш тўлиқ миллий компаниялар тасарруфига ўтказилди. Чет

элликларни ҳатто қўшма корхоналарда кам улушда бўлса ҳам иштирок этиши тақиқланди. Импорт ҳам тақиқланди. Бир қарашда бозорни ички саноат билан тўлдириш Бразилияда шахсий компьютерларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ёрдам берди. 1988 йилга келиб маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш ҳажми 190 млн.доллардан деярли уч миллиард долларга етди. Ушбу давр ичида трансмиллий корпорацияларнинг ички бозордаги улуши 77 дан 33 фоизга қисқарди. [6, 3-бет].

Бироқ, муайян самарага эришилган бўлсада, 80-йилларнинг охирига келиб Бразилия компьютер саноати жиддий муаммоларга дуч келди. Жумладан, информатика бўйича махсус котибият чет элликларни иштирок этишини тақиқлаш орқали технологик янгиликларни олиб келишнинг асосий каналини ёпиб қўйди. Натижада бразилиялик ишлаб чиқарувчилар чет элликка ўхшаш намуналарни яратаётган бир вақтда, чет эллик рақобатчилар янада янги технологияларни яратишга улгуришди ва бу билан Бразилия компанияларини ортда қолиб кетишига ҳамда уларни ўзларига рақобатчи бўла олмасликка мажбур қилди. Шу ҳолат ҳам қийинчилик келтириб чиқардики, маҳаллий фирмаларда ишлаб чиқаришни модернизация қилишда рағбат мавжуд бўлмади, улар бусиз ҳам ички бозорда чет эллик рақобатчилардан кўрқмаган ҳолда ҳукмронлик қиларди. Гарчи маҳаллий бозорни ҳимоя қилиш сиёсати Бразилиянинг миллий компьютер саноатини вужудга келтиришига олиб келган бўлсада, жаҳон бозоридида тақлиф қилинаётган товарларга нисбатан сифати паст, нархи эса бирмунча қimmat бўлган товарларни ишлаб чиқарувчи кам самара берадиган саноат бўлиб чиқди.

Шу боисдан 1992 йил октябрь ойида Бразилияда электроникага қўлланилган чеклов бекор қилинди. Янги қонунчиликка мувофиқ, ҳатто ўхшаш бўлган компьютер қурилмалари Бразилияда ишлаб чиқилсада, уларни импорт қилишга рухсат берилди. Қонун, шунингдек қўшма корхоналарни ташкил қилишга ҳам рухсат берди. Бразилиянинг компьютер ва алоқа қурилмаларини олиб киришга тақиқ қўйиш тажрибаси шунга ўргатадики, рақобатбардошликни яхшилаш ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашга ёрдам бериш учун, чет эл инвестицияларига ва халқаро савдо учун эшиклар очилиши зарур [6, 4-бет].

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, ривожланаётган мамлакатлар қонунчилигида компьютер дастурига доир берилган қонун ҳужжатларида куйидаги жиҳатлар намоён бўлади: 1) компьютер дастури сўз, код, схема ёки исталган бошқа объектив шаклда ифодалангани; 2) муайян моддий элтувчида мужассамланади; 3) компьютерни алоҳида топшириқни бажариш ёки муайян натижага эришиш учун бериладиган кўрсатмалар йиғиндиси; 4) компьютер дастури, асосан, муаллифлик ҳуқуқий ҳимоя остидаги объект.

Интеллектуал мулк объектлари, хусусан, электрон саноатни ривожлантириш мақсадида қандайдир “чегара”, “таъиқ”, “қобиқ” белгиланиши натижасида айрим ривожланаётган мамлакатлар (хусусан, Бразилия)да мазкур соҳа ривожини таназзулга юз тутганлигини кўришимиз мумкин. Демак, интеллектуал мулк объектлари, шу жумладан, компьютер дастурлари ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш маъмурий йўллар, турли бюрократик тўсиқлар қўйиш, алоҳида қобиқлар яратиш орқали ҳал этиб бўлмайди. Қолаверса, ушбу соҳа тор

доирада эмас, балки халқаро миқёсда ривожланмоқда. Соҳага доир талаблар ва тақлифлар айнан халқаро интеллектуал мулк бозорига ривожланмоқда.

Мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳар томонлама рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган бир шароитда ушбу соҳада бозор механизмларини самарали жорий этиш, рақобат муҳитини таъминлаш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш тизимини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айниқса, ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган мамлакатлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида шаклланаётган шартномавий конструкцияларни ўрганиш, уларнинг ижобий жиҳатларини ўзлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. www.bsa.org.
2. Indian Copyright Act, 1957. Govt. of India. www.copyright.gov.in
3. The information technology Act, 2000 (No. 21 OF 2000). // The Gazette of India. Registered No. DL-33004/2000. www.wipo.int
4. Brahat Charan. Indian Copyright Software. www.legalservicesindia.com
5. Computer Programs Protection Act (Act No. 3920 of December 31, 1986, as amended up to Act No. 5605 of December 30, 1998). www.wipo.int
6. Материалы о расцвете экономики. Привлечение иностранных капиталовложений. – Вена, 1994. – С.3-4.

Н.Ф.Имомов

ТДҶУ “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси доценти,
юридик фанлар доктори,

Д.И.Бабажанова

“Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Аннотация: ушбу мақолада 2017-2021 йиллар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлашдаги аҳамияти ва унда белгиланган вазифаларнинг мазмуни ёритилган. Муаллифлар тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Ҳаракатлар стратегияси асосида қонунчиликка киритилиши назарда тутилган ўзгартиришларнинг мазмун-моҳияти хусусида фикр юритишади.

Калит сўзлар: Ҳаракатлар стратегияси, устувор йўналиши, тадбиркорлик субъектлари, ҳуқуқ ва манфаатларни кафолатлаш.

Аннотация: в настоящей статье освещены роль и значение Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в гарантии прав и законных интересов субъектов предпринимательства. Авторы раскрывают содержание и значение изменений в законодательстве, предусмотренных в Стратегии действий, и направленных на защиту прав субъектов предпринимательства.

Ключевые слова: Стратегия действий, приоритетные направления, субъектов предпринимательства, гарантия прав и законных интересов.

Annotation: This article highlights the role and importance of the Strategy of Action for the five priority development directions of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 in guaranteeing the rights and legitimate interests of business entities. The authors disclose the content and significance of changes in the legislation provided for in the Strategy of Actions and aimed at protecting the rights of business entities.

Key words: Strategy of Action, priority development directions, business entities, guarantee of rights and legitimate interests.

Мамлакатимизда қабул қилинган қатор қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органлари ва маъмурий тузилмаларнинг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини бартараф этиш учун қатъий тартиб ўрнатиш ва ана шу идораларнинг раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш бўйича катта аҳамиятга эга бўлди.

Давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили жорий этилди.

Маълумки, тадбиркорлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш деганда тадбиркорларнинг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқ ёки манфаатларини тиклаш ёки тан олиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган чора (механизм)лар мажмуи тушунилади. Бу чоралар муайян шаклда, белгиланган усулларда,

қонунчиликда белгиланган доирада ҳуқуқбузарга нисбатан юридик жавобгарлик чораларини, шунингдек ушбу чораларни амалда реализация қилиш (ижро этиш) бўйича механизмларни қўллаш йўли билан амалга оширилади [1, 11-стр].

Бугунги кунда тадбиркорлик ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари сифатида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (11-модда), Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сон “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида”ги (4-боб. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, 35-42-моддалар), 2012 йил 20 декабрдаги ЎРҚ-341-сон “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги (27-модда) ва 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сон “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни келтириб ўтиш мумкин. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган нормалар ўз ифодасини топган янги қоидалар ва давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига ҳилоф равишда чиқарилган ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш орқали ҳам мулкдорлар синфининг янада ривожланишига кўмаклашилмоқда [2].

Тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқий ривожланишининг кейинги босқичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва ушбу Фармон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури” ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури алоҳида аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси юритимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги

энг муҳим ва устувор йўналишлар, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ва эришилиши лозим бўлган мақсадларни назарда тутди. Мазкур ҳужжат лойиҳасининг кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши эса унинг ҳар томонлама ва чуқур маънода инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганлигидан далолат беради.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳасининг учинчи “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да назарда тутилган хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳамда туризмни ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ҳам Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишида алоҳида ўрин тутди.

Таъкидлаш лозимки, Ҳозирги кунда мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг қарийб 75 фоизи кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётганини ҳисобга олсак, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш долзарб аҳамиятга эга [3].

Шу боис Ҳаракатлар стратегиясининг 3.4-бандига кўра, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг истиқболли ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом этиш назарда тутилган. Бунда асосий эътибор хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни иқтисодий ривожланишдаги ўрни ва аҳамиятини янада мустаҳкамлашга қаратилади ва бу борадаги институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш асосий мақсад сифатида белгиланади. Маълумки, институционал ислохотлар хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик тизими ва унинг қафолатларини амалда таъминловчи оммавий ва хусусий тузилмаларнинг фаолиятдан ташкил топади. Ҳозирда мамлакатимизда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари яратилган ҳамда хусусий тадбиркорликка кенг имтиёзлар ва эркинликлар берилган.

Ҳаракат стратегиясининг “хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш”га қаратилган бандларида энг муҳим жиҳатлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1) хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва қафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш; барча турдаги тўсиқликлар ва чекланишларни бартараф этиш назарда тутилган. Ушбу вазифанинг амалга оширилиши натижасида хусусий мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатлар тизими янада кучайтирилади ҳамда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун муҳим институционал ўзгаришлар амалга оширилади;

2) хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлида тўлиқ эркинлик бериш;

3) амалиётда “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган принципни амалга ошириш назарда тутилган.

Шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясининг 3-бўлимида “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ноқонуний аралашувини қатъий олдини олиш” вазифаси белгиланган бўлиб, келгусида

назорат қилувчи органларнинг кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини ва улар фаолиятида ўтказиладиган режаларни текширишлар сонини янада қисқартириш, бунда:

тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига оид маълумотлар базасини шакллантириш, уларни автоматлашган ахборот тизими орқали таҳлил қилиб, хавфларни баҳолаш асосида тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича режа-жадвални ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиш тартиб-таомиллар механизмларини такомиллаштириш ва соддалаштиришда муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш бўйича шартномада кўрсатилган харажатларни камайтириш; тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига уланиш тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни унификациялаш назарда тутилади. Бинобарин, тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиш тартиб-таомиллар бугунги кунда мураккаб тартиб-таомиллар ва рухсат олишнинг кўп поғонали тизими амал қиладики, Ҳаракатлар стратегиясида бу йўналишнинг киритилиши келгусида ишлаб чиқариш ва саноат тармоқларида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда қулайликларни таъминлайди.

Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини децентрализация қилиш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш бўйича келгусида иккита янги қонун “Давлат харидлари тўғрисида”ги ва “Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида”ги қонунларини қабул қилиш белгиланган.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қуйидаги қоидалар киритилиши назарда тутилмоқда: давлат харидларини рақобат асосида амалга оширишнинг шаффоф ва очиқ механизми, ушбу соҳада коррупциянинг олдини олиш чоралари; давлат харидларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш.

“Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасида эса ДХШ иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, тадбиркорлик субъектлари маблағларининг сарфланиши шаффофлиги ва самарадорлиги кафолатлари белгиланадики, бу ҳолатлар хусусий тадбиркорлик фаолияти йўналишларини кенгайтириш билан бирга, иқтисодиёт тармоқлари ривожланишига муҳим ҳисса қўшади. Қолаверса, мазкур қонунларнинг қабул қилиниши иқтисодиётнинг муайян тармоқларини ривожлантиришда хусусий капитални жалб этишга имкон яратади. Мисол қилиб оладиган бўлсак, чиқиндиларни қайта ишлаш ёки спорт-соғломлаштириш соҳаларида давлат-хусусий шерикликни йўлга қўйиш ушбу тармоқлар ривожига катта ҳисса қўшиши мумкин.

Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган хусусий мулк ва тадбиркорлик ҳамда туризмни ривожлантириш борасидаги вазифалар, стратегик йўналишларнинг барчаси муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли Ҳаракатлар стратегиясида хусусий мулк

ва тадбиркорлик ҳамда туризмнинг ривожига оид белгиланган вазифалар, устувор йўналишлар ва ғояларнинг аҳамияти юқори бўлиб, уларнинг реализацияси эса ушбу соҳалар ривожланиши ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига катта ҳисса қўшади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бережной Ю.С. Защита прав субъектов предпринимательской деятельности при осуществлении государственного контроля (надзора): автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2011. – С. 11.

2. Камиллов К. Хусусий мулк ва тадбиркорликка берилган ҳуқуқий кафолатлар барқарор иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилдир // xs.uz

3. Якубов Ш. Хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш йўлида // Sharh.uz. 2015 йил 10 ноябрь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони

6. www.lex.uz.

7. www.pravo.uz.

И.Рустамбеков
заведующий кафедрой ТГЮУ,
к.ю.н., доц.

РАЗРЕШЕНИЕ СПОРОВ ВОЗНИКАЮЩИХ В СЕТИ ИНТЕРНЕТ: НА ПРИМЕРЕ ДОМЕННЫХ ИМЕН

В настоящее время вопрос правового регулирования сети Интернет находится под бурными дискуссиями во всем мире. Существует ряд мнений относительно того, распространяется ли правовой механизм регулирования на Интернет-отношения. При этом, привычное понимание территориального признака государства неприменимо к интернет-отношениям. Последние обладают специфическим признаком экстерриториальности, в силу объективной возможности объединить практически мгновенно двух и более людей, находящихся в разных частях планеты. Кроме того, учет территориального признака грозит столкновением юрисдикции разных государств по одним и тем же вопросам.

Ныне на практике сложилась объективная потребность в регулировании отношений, складывающихся в сети Интернет. Это также обуславливается возникновением споров в связи с интернет-отношениями, которые часто именуются интернет-спорами. В качестве примера можно привести споры, связанные с регистрацией доменного имени, когда недобросовестное лицо регистрирует домен, аналогичный какому-либо товарному знаку. Затем продает его обладателю товарного знака по значительно превышающей цене. На практике суды, как правило, выносят решение в пользу обладателей товарных знаков, разумеется, с учетом фактических обстоятельств дела.

Учитывая экстерриториальность пространства Интернет, можно предположить, что эта сфера нуждается в особом характере регулирования. В связи с этим возникает необходимость создания специализированных наднациональных учреждений, которые будут компетентны рассматривать споры, связанные с Интернет – отношениями.

Следует отметить, что на сегодняшний день существует несколько международно-правовых документов, которые напрямую регулируют Интернет-сферу. Во-первых, это Окинавская хартия (принята 20 июля 2000 г.), которая призывает стремиться к глобальному информационному сообществу. Во-вторых, Конвенция Совета Европы о преступности в сфере компьютерной информации №185 (подписана 21 ноября 2001 г.), охватывающая такое понятие как «киберпреступность».

Как правило, большинство споров, связанных с использованием Интернет-ресурсов, возникает в связи с распространением недостоверной информации.

Таким образом, можно выделить два основных способа защиты права применительно к Интернет-отношениям. Во-первых, возможность обратиться за защитой интеллектуальных прав, например при возникновении спора на авторство сайта или его контента. Во-вторых, судебная защита с требованиями об опровержении распространенных сведений, также обращение в специализированный международный арбитраж.

Правовое регулирование Интернет-отношений особенно актуально при рассмотрении вопроса электронной коммерции и защиты прав потребителей. Источником регулирования выступает типовой закон

ЮНСИТРАЛ об электронной торговле, принятый 28 мая 1996 г. – 14 июня 1996 г. в нем рассматриваются условия действительности электронных договоров, регулируется сложный вопрос, связанный с определением времени и места отправления и получения сообщений данных. Кроме того, современное законодательство в силу своей неоднозначности не запрещает защиту прав потребителей в Интернет.

Кроме того, наиболее актуальным и важным вопросом является определение подсудности споров, связанных с Интернет-отношениями. Ведь обычные критерии не подходят в силу специфики исследуемых проблем. Сложность также заключается в том, что не всегда можно с достоверностью определить надлежащего ответчика. Все эти и некоторые другие вопросы необходимо решить для того, чтобы упорядочить материальные и процессуальные нормы применительно к Интернет-отношениям.

На сегодняшний день широко распространена практика разрешения споров, возникающих по регистрации и использованию доменных имен.

Доменное имя считается одним из средств индивидуализации юридического лица. В некоторых случаях оно совпадает с товарным знаком (с его «буквенным» обозначением). Это порождает достаточно большое количество ситуаций, когда третьи лица регистрируют доменное имя, сходное с чьим-либо товарным знаком, например, в целях последующей перепродажи собственнику товарного знака.

Для разрешения возникающих вопросов в отношении регистрации прав доменных имен Всемирной Организацией Интеллектуальной собственности (ВОИС) разработаны и приняты в 1999 году Международной корпорацией по распределению адресного пространства сети Интернет (Internet Corporation for Assigned Names and Numbers, ICANN) [1] основные документы: это Единая Политика Рассмотрения Споров о Доменных Именах (Uniform Domain Name Dispute Resolution Policy или UDRP) и Правила для Единой Политики Рассмотрения Споров о Доменных Именах [2].

В настоящее время создано несколько центров, назначение которых – рассмотрение доменных конфликтов в зонах общего пользования (COM, NET, ORG), в отдельных национальных доменах первого уровня (например, .nu, .tv, .ws).

Не стоит полагать, что обращение в арбитражный центр означает автоматическую передачу домена собственнику товарного знака, хотя за время работы данных центров удовлетворено около 80% обращений.

Данные центры не стоит путать с судами – созданная структура призвана разрешать вопросы, связанные с передачей доменов во внесудебном порядке.

Следует отметить, что наибольшее количество доменных споров рассматриваются в Центре ВОИС и Национальном Арбитражном Форуме. Выбор центра, рассматривающего спор, касающийся доменного имени, принадлежит заявителю.

Споры в международных центрах рассматриваются в основном на основании Единой политики разрешения споров, которая содержит общие положения о порядке рассмотрения споров о доменных именах. В соответствии со ст. 4(а) Единой политики под особую административную процедуру рассмотрения подпадают следующие споры:

1. Доменное имя, являющееся предметом спора, идентично или похоже на товарный знак или знак обслуживания, принадлежащий заявителю;

2. Текущий владелец доменного имени не имеет прав или законных интересов в отношении доменного имени, являющегося предметом спора;

3. Доменное имя зарегистрировано и используется недобросовестно.

Спор рассматривается одним из одобренных ICANN операторов услуг по разрешению споров. Выбор оператора производит заявитель [2].

На данный момент в список входят 4 одобренных организации [3]:

1. Азиатский центр разрешения споров о доменных именах;

2. Национальный арбитражный форум;

3. Всемирная Организация Интеллектуальной Собственности;

4. Чешский арбитражный центр по спорам, связанным с Интернет.

Административная процедура, в соответствии с которой происходит разрешение спора, регулируется тремя основными документами:

1. Единой политикой разрешения споров;

2. Едиными правилами рассмотрения споров о доменных именах [4];

3. Дополнительными правилами конкретного оператора, развивающими ряд положений, предусмотренных Едиными правилами.

В случае, если Дополнительные правила противоречат Единым правилам, то преимущество имеют последние. Плата за рассмотрение спора вносится по общему правилу заявителем. Исключение составляет ситуация, когда обе стороны спора изъявляют желание, чтобы их спор рассматривала Комиссия из трех человек. Размер платы различается в зависимости от численности членов Комиссии и количества доменных имен, являющихся предметом спора. Минимальный размер платы (Комиссия из одного человека, от 1 до 5 доменных имен в рамках одного разбирательства) установлен Чешским арбитражным центром и составляет 500 Евро [5].

Иными центрами установлены более высокие сборы. Спор рассматривается Комиссией из одного человека, который назначается оператором услуг по разрешению спора. Стороны могут совместно решить, что спор будет рассматриваться Комиссией из трех человек. В таком случае члены Комиссии назначаются совместно Сторонами и оператором [2].

Ст. 7 Единых правил рассмотрения споров о доменных именах предъявляет к членам Комиссии требование быть независимыми и беспристрастными. Согласно ст. 15(b) Единых правил Комиссия по общему правилу должна принять решение в течение 14 дней с момента утверждения ее состава. При этом заседания комиссии, на котором каким-либо образом присутствовали бы стороны (очно, аудио- или видеосвязь), по общему правилу не проводится. Языком разбирательства, если иное не будет установлено сторонами спора, будет язык соглашения, заключаемого при регистрации доменного имени, в которое вступил ответчик (текущий владелец доменного имени) [2].

Единой политикой специально оговаривается в статье 4(i), что заявитель может требовать только отмены регистрации доменного имени или перевода прав на доменное имя на заявителя. Остальные споры, вытекающие из принадлежности домена, разрешаются в рамках иных средств защиты.

Процедура рассмотрения споров, разработанная и применяемая ICANN, отличается рядом особенностей, среди которых стоит выделить как минимум три основных. Во-первых, решения, принимаемые в результате этой процедуры, принципиально неисполнимы в рамках классического для альтернативных способов разрешения споров подхода. Несмотря на схожесть с арбитражным разбирательством (наличия Комиссии со схожими функциями, таковыми у арбитров, практически идентичные процессуальные подходы по многим аспектам), решение в данном случае не будет являться окончательным и обязательным. Стороны имеют право обратиться в государственные суды для разрешения этого же спора в соответствии со ст. 4(k) Единой политики. Во-вторых, несмотря на отсутствие возможности принудительно исполнить решение в рамках государственного механизма принуждения, решение не является рекомендательным. Как уже было указано, лицо, регистрирующее доменное имя, соглашается с тем, что регистрация имени может быть приостановлена, отменена или переведена на другое лицо в результате рассмотрения спора в рамках административной процедуры. Поэтому решение исполняется в итоге самой ICANN. Такой способ исполнения можно назвать «внегосударственным аппаратом принуждения» [6].

Из первых двух особенностей вытекает третья: особый порядок взаимодействия между государственными судами и ICANN. Как уже было указано, стороны могут обратиться в суд для разрешения спора. ICANN после получения уведомления о решении административной комиссии исполнит его только по истечении 10 рабочих дней. ICANN приостановит исполнение решения, если в течение этого периода получит достаточные свидетельства о том, что по данному спору сторона обратилась в суд. ICANN предпримет дальнейшие действия только после получения подтверждения об окончании судебного разбирательства. В этом случае действия ICANN будут соответствовать судебному предписанию [2].

Статистика свидетельствует о достаточно успешном функционировании системы разрешения споров, разработанной ICANN. По статистике Всемирной Организации Интеллектуальной Собственности [7] с момента создания и по 2011 год в системе было рассмотрено более 36 000 заявлений в рамках Единой политики разрешения споров. Сама ВОИС рассмотрела из общего числа около 53% заявлений, из которых только единицы оспариваются в национальных судах [8].

Список литературы:

1. ICANN – некоммерческая организация, зарегистрированная на территории США и исполняющая свои функции на основании соглашения с Правительством США (которое ранее самостоятельно управляло процессом распределения доменных имен). На сегодняшний день ICANN рассматривается как публично-частное партнерство и в качестве общественной организации международного характера. Информация с сайта ICANN- <http://www.icann.org/tr/english.html> .

2. Единая политика разрешения споров - <http://www.icann.org/en/dndr/udrp/policy.htm> .

3. Список одобренных операторов услуг по разрешению споров: <http://www.icann.org/en/dndr/udrp/approved-providers.htm>

4. Единые правила рассмотрения споров о доменных именах: <http://www.icann.org/en/dndr/udrp/uniform-rules.htm>.

5. UDRP Supplemental Rules of the Czech Arbitration Court Arbitration Center for Internet Disputes: http://www.adr.eu/arbitration_platform/udrp_supplemental_rules.php, Annex A.

6. Бабкин С.А. Интеллектуальная собственность в глобальной компьютерной сети «Интернет»: проблемы гражданско-правового регулирования в России и США (сравнительно-правовой анализ): автореф. дис. ... канд. юрид. наук, М., 2005, с. 30.

7. Отчет ВОИС «The Uniform Domain Name Dispute Resolution Policy and WIPO» http://www.wipo.int/export/sites/www/amc/en/docs/wipoint_audrp.pdf

8. Список судебных решений — <http://www.wipo.int/amc/en/domains/challenged>.

М.Юсупов

ТДЮУ “Халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи”
кафедраси ўқитувчиси

МАГИСТРАЛ ҚУВУР ТРАНСПОРТИ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ТРАНСПОРТ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада магистрал қувур тушунчаси, унинг турлари, бошқа транспорт турларидан афзалликлари ёритиб берилган. Шунингдек, мақолада магистрал қувур транспортнинг халқаро хусусий ҳуқуқий тушунчаси ва тавсифи берилган.

Калит сўзлар: транспорт, магистрал қувур, халқаро маҳсулот ташиш, халқаро транспорт ҳуқуқи.

Аннотация: в данной статье рассмотрены понятие магистрального трубопровода, его виды и преимущество в отношении других транспортов. Также в статье дано понятие магистрального трубопроводного транспорта в международном частном праве.

Ключевые слова: транспорт, магистральный трубопровод, международная транспортировка товаров, международное транспортное право.

Annotation: in this article, we consider the concept of the main pipeline, its types and advantages than other transports. Also in the article is given the concept of pipeline transport in international private law.

Key words: transport, main pipeline, international transportation of goods, international transport law.

Қувур транспорти транспорт турларининг бири сифатида, узоқ масофадаги жойларга нефть, газ, нефть маҳсулотлари ҳамда бошқа химик маҳсулотларни (аммиак ва б.), сув ва буғларни етказиб бериш учун фойдаланилади. Алоҳида ҳолларда, майдаланган ва сув оқими билан транспортировка қилинадиган (пульпо қувурлар ва бошқалар) қаттиқ моддаларни (кўмир) транспортировка қилишда ҳам фойдаланилади.

Ҳозирги кунда қувур транспортини алоҳида бўлган икки турга ажратиш мумкин: ички ва магистрал транспортга [1, 154-бет].

Бундай ажратиш ўзининг ривожланган магистрал газ ва нефть қувур тизимига эга давлатларга, яъни Россия, Европа давлатлари ва АҚШга хос.

Биринчи – ички қувур транспорти тизими, ўзида иқтисодий объект ичида транспорт ишлаб чиқариш учун мўлжалланган комплекс қувур ва унинг ишлашини таъминловчи жиҳозларни акс эттиради.

Иккинчи – магистрал қувур транспорти тизими, катта ҳажмли ва узоқ масофага транспорт операцияларини амалга оширувчи, ташкилий-ҳуқуқий тартибга солинадиган мустақил йирик ҳажмли объект ҳисобланади. У техник, ташкилий ва марказий бошқариладиган магистрал қувур ва унга тегишли объектлардан иборат.

Психотоническая тренировка (ПТ) – разновидность аутогенной тренировки была разработана Миrowsким К.И. и Шогамом А.Н., представляет собой направленную тренировку внутренних органов и различных систем организма (сердечно-сосудистой, нервной, мышечной).

Ее отличие от классической Шульца А.Т. состоит в том, что она изначально предусматривала «продуцирование» не только седативных, успокаивающих (тормозящих) воздействий, но и прямо противоположных – мобилизующих, активизирующих физиологические системы влияний, практически значима для быстрой мобилизации организма человека на выполнение конкретной работы.

Медитация (лат. *meditatio* – размышление) представляет собой состояние, в котором достигается высшая степень концентрации внимания на определенном объекте или же, наоборот, полное рассредоточение внимания. Исследования показали, что, хотя состояние медитации имеют некоторые общие черты со сном, в целом они не тождественны ему. Полагают, что это особый интегрированный или всеобъемлющий рефлекс, осуществляемый через центральные мозговые структуры по механизмам самовнушения.

С точки зрения современной психологии, ведущим моментом в состоянии медитации является временное выключение из комплекса постоянно осуществляющихся психических процессов функции памяти. Кроме того, при медитации уровень «собственных шумов» мозга становится очень низким и, следовательно, позволяет более эффективно управлять ассоциативными процессами и функцией образных представлений, временно выключая человека из системы реальных физических и информационных воздействий.

Тренировки в системе биологической обратной связи (БОС) разработаны в конце 60-х годов и нашли достаточно широкое применение для формирования приемов целенаправленного управления вегетативными функциями организма (потоотделение, сердцебиение и др.). БОС обычно реализуется с помощью цепи обратной связи (зрительной, слуховой и т. п.), по которой обучаемому подается осознаваемая им информация об изменениях произвольных реакций, являющихся объектом регуляции. Для получения эффективных навыков управления вегетативными реакциями требуется от 3-4 до 8-10 сеансов обучения, в зависимости от индивидуальных особенностей обучаемого. Эти тренировки могут быть полезны для ликвидации функциональных нарушений организма (сердцебиения и др.) в экстремальных ситуациях.

Нейролингвистическое программирование (НЛП) представляет собой комплекс психотехник, позволяющих в широком диапазоне корректировать состояние человека, его поведенческие установки и психические реакции.

Система НЛП была разработана в 70-х годах в Америке Бэндлером Р. и Гриндером Дж. как разновидность психокоррекционного воздействия существенно отличается от аутогенных тренировок тем, что эта методика по существу работает с бодрствующим сознанием, хотя посредством своих психотехник может формировать и состояния транса [6].

Образы локализируются во внутреннем психологическом пространстве личности и кодируются в определенной системе информации, так называемой модальности: зрительной, слуховой, тактильной и пр. Бэндлер Р. первым обратил внимание на первостепенное значение в психической деятельности так называемых субмодальностей в организации внутренних психологических программ человека. Субмодальности – это частные характеристики чувственного образа внутри данной модальности. Для зрительной модальности, например, это будет цветность, яркость, контрастность, размеры и т. п. «субъективной картины», представляемой субъектом, для слухового образа – высота звука, его громкость, тембр и т. п.

Богатейшей практикой НЛП установлено, чтобы изменить или устранить у человека ту или иную приобретенную реакцию, необходимо модифицировать тот образ, который ее вызывает. На этом принципе основываются все многочисленные техники НЛП, ко-

торые можно использовать для восстановления работоспособности в эмоционально-значимых ситуациях при допросах, обысках и др.

Список литературы:

1. Еникеев М.И., Черных Э.А. Психология следователя. – М.: Юридическая литература, 1988; Котов Д. П., Шиханцов Г.Г. Психология следователя. – Воронеж: ВГУ, 2006.
2. Прикладная юридическая психология. Учеб. пособие для вузов / Под ред. проф. А.М. Столяренко. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
3. *Сабиров К.А.* Предъявление для опознания. – Т.: НУУз, 2013.; *Пулатов Ю.С., Жалолов Ш.Р.* Таниб олиш учун қўрсатишнинг криминалистик ва тезкорқидирув таъминланиши. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти, 2015.
4. Тактика и методика допроса в судебном процессе: опыт Узбекистана и Германии. – Т.: Адолат, 2013.
5. *Буль П. И.* Основы психотерапии. – Л.: Медицина, 1974.
6. *Бэндлер Р.* Используйте свой мозг для изменения. – М.: Психология, 1985.

Б.А.Саидов,

ЎЗР ИИВ Академияси Конституциявий ҳуқуқ кафедраси бошлиғи,
юридик фанлари номзоди, доцент.

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮРИТИЛАДИГАН ТИЛ ПРИНЦИПИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси жорий этилганлиги муносабати билан, жиноят ишларини юритишда процесс иштирокчиларига танишиш учун такдим этиладиган давлат тилидаги иш материаллари, уларнинг хоҳиш-истагига кўра лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида тайёрланишига доир бир қатор таклиф ва мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: дастлабки тергов, жиноят ишларини юритиш, лотин ёзуви, ўзбек алифбоси, процесс иштирокчилари, шахснинг ҳуқуқи, иш материаллари.

Аннотация: в данной статье изложены некоторые суждения и предложения, касающиеся подготовки материалов дела на государственном языке, предоставляемых для ознакомления участникам процесса при ведении уголовных дел, по их желанию, в связи с принятием узбекского алфавита основанного на латинской графике.

Ключевые слова: предварительное следствие, ведение уголовных дел, латинская письменность, узбекский алфавит, участники процесса, право лица, материалы дела.

Annotation: the article considers some judgments and proposals dealing with preparation of case papers in the State language provided for acquaintance to participants of the procedure on their wish in conducting criminal cases in connection with adoption of the Uzbek alphabet based on Latin character.

Key words: preliminary investigation, conducting of criminal cases, Latin character, Uzbek alphabet, participants of procedure, right of the person, case papers.

Маълумки, 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосланган ҳолда, 1929-1940 йилларда ўзбек алифбосининг лотин ёзувига ўтилган халқ ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари истак-хоҳишларига биноан қабул қилинди. Ушбу қонун мамлакатимизнинг юксак даражада раванқ топишига ва жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштиришга хизмат қилади.

“Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида”ги Олий Кенгашнинг 1993 йил 2 сентябрдаги Қарорига кўра, 1996 йил 1 сентябрдан эътиборан мактабгача тарбия муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида янги алифбо бўйича машғулотлар ўтказилиши, унга босқичма-босқич ўтилиб, бу иш 2010 йилнинг 1 сентябрига қадар тўлиқ тугалланиши белгиланган эди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 25 ёшгача бўлган шахсларнинг деярли барчаси, 30 ёшгача

бўлганларнинг аксарияти лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини мукамал тарзда ўзлаштиришган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 115-моддасига асосан: “Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади” деб қайд қилинган. [1, 62-63-бетлар]

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг

20-моддасига кўра, “*Жиноят ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.*

Иш юритилаётган тилни билмайдиган ёки етарли даражада тушунмайдиган процесс иштирокчиларига ўз она тилида ёки ўзи билмайдиган бошқа тилда оғзаки ёки ёзма арз қилиш, кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, илтимоснома ва шикоятлар билан мурожаат қилиш, судда сўзлаш ҳуқуқи таъминланади. Бундай ҳолларда, шунингдек иш материаллари билан танишиш вақтида процесс иштирокчилари қонунда белгиланган тартибда таржимон хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Айбланувчига, судланувчига ёки процессда иштирок этувчи бошқа шахсларга тақдим этилиши лозим бўлган тергов ва суд ҳужжатлари уларнинг она тилига ёки улар билмайдиган бошқа тилга таржима қилиб берилиши лозим”.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўзбек тилига давлат мақоми берилиб, айна пайтда жиноят ишлари жараёнлари фаолияти тил тўғрисидаги Асосий Қонунимизнинг 4 ва 18-моддалари, ЖПКнинг 20-моддаси, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддаси, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пакт (14-модданинг 3-қисми) [2, 42-бет], “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг ҳимояси тўғрисида”ги Конвенция (3-банди) [3] билан мустақамланган халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва ҳуқуқий меъёрларига мос келади.

Эътироф этишимиз лозимки, юқорида таъкидланган матнларда асосан тил ҳақидаги нормалар белгиланиб, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бирортасида ўзбек алифбосининг лотин ёзувига асослангани ҳақида қайд этилмаган. Шу боис ҳам жиноят процессининг суриштирув ва дастлабки тергов босқичи ҳамда жиноят ишини юритишга масъул мансабдор шахслар томонидан қулай бўлган кирилл ёзувидан фойдаланиш: ҳужжатларни тайёрлаш, расмийлаштириш ва уларни жиноят процесси иштирокчиларига таништириш учун тақдим этиш ҳоллари ҳозирги пайтда нафақат давом этмоқда, балки жиноят процессига жалб этилган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг бузилишига, оқибатда эса уларнинг ҳақли шикоят ва эътирозларига сабаб бўлиши каби табиий вазиятларни келтириб чиқармоқда.

Бундай вазиятнинг олдини олиш учун жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахслар, ўз зиммаларига процесс иштирокчилари учун улар ҳуқуқларини тушунтириш мажбуриятини олар экан, уларнинг таржимон билан таъминланиш ҳуқуқи, шунингдек ўз она тилида ёки

яхши билмайдиган тилда тушунтириш, ҳамда норматив-меъёрий ҳужжатларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида расмийлаштириши керак.

Иш процесси юритилишида давлат тилини билмайдиган ёки етарли даражада тушунмайдиган процесс иштирокчиларига ўз она тилида ёки ўзи билмайдиган бошқа тилда оғзаки ёхуд ёзма арз қилиш, кўрсатма ва тушунтиришлар бериш, илтимоснома ва шикоятлар билан мурожаат қилиш, шунингдек судда сўзлаш ҳуқуқи таъминланади. Ушбу принцип жиноят процессининг барча босқичларида қўлланилади. Унга риоя қилиш жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш ҳамда иштирокчиларнинг уларга мансуб бўлган ҳуқуқларини тўлақонли амалга оширишга, ўз манфаатларини тўла ҳимоя қилишга, уларга юклатилган мажбуриятларни амалга оширишга, шунингдек принципиал ҳисобланадиган далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимоя этиш ҳуқуқи билан таъминлаш, айбсизлик презумпциясини амалга ошириш, судда ишларни юритишда тортишув, одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш кабиларни татбиқ этиш борасида катта роль ўйнайди.

Таъкидлаш жоизки, процесс иштирокчилари, дастлабки тергов пайтида иш ҳужжатлари юритилган тилни ёки ёзув алифбоси (лотин ёки кирилл)ни яхши билмаслигини, етарли даражада тушунмасликларини билдирсалар ёхуд бу ҳолат терговчи, прокурор ҳамда суд вакили томонидан аниқланса, уларга ёрдам бериш мақсадида таржимон жалб қилиниши керак.

Таржимон жиноят ишлари юритиладиган тил ҳамда ёзув алифболарини яхши билиши, айна пайтда ишда иштирок этувчи ва шу тилни билмайдиган шахснинг она тилида гаплаша олиши лозим. Таржимон шахснинг барча тушунтиришлари, аризалари, илтимосномалари, саволлар ва жавоблари ҳамда ҳужжатлар ва қарорларини аниқ ва тўлиқ таржима қилиши шарт.

Жиноят ишини юритишга масъул мансабдор шахслар ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчилари айнан бир вақтда иш бўйича таржимон сифатида иштирок этиши ман қилинади. Чунки, бир шахснинг бир неча процессуал функцияларни бажаришига жиноят процессида рухсат этилмайди. Лекин шу билан бирга қайд этиш лозимки, мансабдор шахслар процесс иштирокчиларининг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб процессуал ҳужжатларни лотин ёки кирилл алифбосида мустақил равишда тайёрлашлари ва уларга тақдим этишлари мумкин.

Айбланувчига тақдим этиладиган ҳужжатлар, жумладан айблов хулосаси ва ҳукм, унинг она тилига таржима қилиб берилиши, она тили ўзбек тили бўлган тақдирда, унинг хоҳишига кўра лотин ёки кирилл ёзувида тақдим этилиши лозим.

Бизнингча, бу борадаги амалиётни замон талабларига мослаштириш асосида амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси

20-моддасининг (жиноят ишлари юритиладиган тил) 3-қисмини 4-қисмга ўтказиш ва 3-қисм сифатида қуйидаги қўшимча киритилиши мақсадга мувофиқдир:

“Процесс иштирокчиларига танишиш учун тақдим этиладиган давлат тилидаги иш материаллари, процесс иштирокчиларининг хоҳиш-истагига кўра

лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида тайёрланиши лозим”, деган қоида;

2. Жиноят-процессуал кодекси 99-моддасининг (сўроқ қилинувчининг қайси тилда кўрсатув бера олишини аниқлаш) 2-қисми сифатида қуйидаги кўшимча киритилиши ниҳоятда зарурдир:

“Сўроқ қилинувчи давлат тилида кўрсатув беришни маълум қилса, суриштирувчи, терговчи ва судья, сўроқ қилиш баённомасини сўроқ қилинувчининг хоҳиш-истагига кўра лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ёзиши лозим”, деган қоида;

3. Жиноят-процессуал кодекси 375-моддасининг (жиноят иши тамомлангандан кейин ундаги материаллар билан танишиб чиқиш ҳуқуқини таъминлаш) 6-қисми сифатида қуйидаги кўшимча киритилиши айни муддаодир:

“Терговчи процесс иштирокчиларига тақдим этаётган давлат тилидаги иш материалларини процесс иштирокчиларининг хоҳиш-истагига кўра лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ёзиб бериши лозим”, деган қоида.

Қайд этиш лозимки, ушбу таклифимизнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига киритилиши, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга тўла мос келади. Зеро, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи судлов иши олиб борилаётган тилни билмасликлари билан боғлиқ ҳуқуқларини чеклаш ва уларнинг процесснинг барча босқичида она тилидан фойдаланиш имконияти билан боғлиқ даражада таъминламаслик жиноят процессуал қонун талабларини жиддий бузиш ҳисобланади.

ЖПКнинг 2-бобида белгиланган принципларнинг кўпол тарзда бузилишига йўл қўйган, дастлабки тергов ёки суд мажлиси давомида уларнинг талабларига риоя этмаган мансабдор шахслар интизомий жавобгарликка тортиладилар. Шу боис дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида терговчи, прокурор, судья ушбу талабларга, иш мазмунига хос хусусиятлар ҳамда ушбу процессда иштирок этаётган шахсларнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда тўлиқ риоя этишлари шарт. [4, 85-бет]

Шундай қилиб, тилга эътибор – элга эътибор, деганларидек, ҳар қандай жиноят ишлари жараёнлари фаолиятида, жумладан суриштирув, тергов ва суд ҳаракатларини ўтказиш, ҳужжатларни расмийлаштиришда давлат тили, шу билан бирга унда иштирок этаётган шахслар учун қулай ва тушунарли бўлган алифбодан фойдаланишга оид қоидаларни белгилаб бериш, қонун ижодкорлигининг бу соҳадаги муҳим омили эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2014. – Б. 62-63.
2. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири проф. А.Х.Саидов. – Тошкент: Адолат, 2004. –Б.42.
3. Европа Кенгаши томонидан 1950 йил 4 ноябрда қабул қилинган.
4. Жиноят процесси принциплари: Ўқув кўланма / Б.А.Саидов, А.Ш.Умархонов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. – 85 б.

Б.П.Зокиров

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ходими

ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Аннотация: мақолада иқтисодиёт соҳасидаги мансабдорлик жиноятларига қарши кураш бўйича миллий ва хорижий давлатлар тажрибаси, шу жумладан, миллий қонунчилигимизга киритилган сўнгги ўзгартиришлар қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этилган ҳамда ушбу соҳага оид хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: иқтисодиёт, тадбиркорлик, мансабдорлик жиноятлари, коррупция, қарши кураш, профилактика, маъмурий тартиб-таомиллар, давлат хизмати, хорижий тажриба.

Резюме: в статье в сравнительно-правовом контексте изучен национальный и зарубежный опыт по противодействию должностным преступлениям в сфере экономики, в том числе последние изменения, внесенные в национальное законодательство; разработан ряд предложений и рекомендаций с учетом опыта зарубежных стран в этой сфере.

Ключевые слова: экономика, предпринимательство, должностные преступления, коррупция, противодействие, профилактика, административные процедуры, государственная служба, зарубежный опыт.

Resume: In article in a comparative-legal context national and foreign experience on counteraction to crimes of official in economical sphere, including, last changes brought in the national legislation is studied, and also a number of offers and recommendations taking into account experience of foreign countries in this sphere are developed.

Key words: economy, businesses, official's crimes, corruption, counteractions, preventive maintenance, administrative procedures, public service, foreign experience.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришнинг умумий стратегиясини амалга ошириш доирасида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш юзасидан қатор чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда.

Тарихан қисқа давр ичида мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг мустаҳкам ва барқарор институционал ва ҳуқуқий асослари шакллантирилди, иқтисодий жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали тизими яратилди ва бу борадаги ишлар изчил давом эттириб келинмоқда.

Сўнгги йилларда иқтисодий жиноятларнинг таркибий қисми сифатида тадбиркорлик фаолияти соҳасида мансабдорлик жиноятларига қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Масалан, Жиноят кодекси 2015 йилда “Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда

аралашиб билан боғлиқ жиноятлар ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъвоуз қиладиган бошқа жиноятлар”га оид XIII¹ боб билан тўлдирилиб, унда илк мартаба “Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш”, “Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш” ва “Нодавлат тижорат ташкилотиди ёки бошқа нодавлат ташкилотиди мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суистеъмол қилиш” каби қилмишлар учун жиноий жавобгарлик мустаҳкамланди, мансабдор шахслар тоифалари илғор хорижий таърибага мувофиқ такомиллаштирилди, 2016 йилда эса, пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият учун жавобгарлик белгиловчи 188¹-модда билан тўлдирилди.

Бу борада айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида давлат органлари, аввало, назорат қилувчи органларнинг тадбиркорликни амалга ошириш соҳасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, бу борадаги тадбирлар самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар маъмуи ишлаб чиқилиши ўта муҳим қадам бўлди.

Хусусан, иқтисодий жиноятлар содир этиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиб оқибатида етказилган зарарни аниқлашнинг асосланган ягона мезонлари ва асосларини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг қонуний кафолатларини ишлаб чиқишга ва уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклашнинг ишончли механизмларини яратишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, Фармон асосида тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланиши ҳам иқтисодиёт соҳасидаги мансабдорлик жиноятларига қарши курашни такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги ҳужжат асосида, коррупция тусидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга қаратилган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ҳамда давлат органлари бошқарув фаолияти ташкил этилишини такомиллаштириш, самарали давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш ва юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишнинг замонавий тартиб-таомилларини жорий этишга қаратилган “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши ҳам мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасидаги мансабдорлик жиноятларининг олдини олиш ва уларга қарши

курашнинг самарали тизимини йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш лозимки, ушбу чора-тадбирлар энг илғор хорижий давлатлар таърибасига ҳамда халқаро стандартларга мос бўлиб, мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасидаги мансабдорлик жиноятларининг олдини олиш ва уларга қарши курашнинг яхлит ва самарали тизимини яратишга хизмат қилади.

Айни дамда иқтисодиёт соҳасидаги мансабдорлик жиноятларининг олдини олиш ва уларга қарши кураш самарадорлигини оширишда хорижий мамлакатлар таърибасини ўрганиш ва ушбу давлатлар таърибасидан тегишли хулосалар чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда ушбу соҳадаги жиноятчиликка қарши кураш муаммосига жаҳоннинг ҳар бир мамлакатиди дуч келиш мумкин. Иқтисодиёт соҳасидаги мансабдорлик жиноятларининг вужудга келиш сабаблари дунё мамлакатларида турлича бўлиб, уларнинг тарихий ривожланиш ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси билан белгиланади. Шу боис иқтисодиёт соҳасидаги мансабдорлик жиноятларининг олдини олиш ва уларга барҳам беришнинг универсал барча давлатлар учун бир хил бўлган жиноий-ҳуқуқий воситаларини ишлаб чиқишнинг имкони йўқ.

Шундай бўлса-да, чет эл мамлакатларида давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида иқтисодий мансабдорлик жиноятларини фош этиш ва уларга қарши курашнинг самарали тизими ишлаб чиқилган ва йўлга қўйилган. Таъкидлаш лозимки, XX асрнинг 90-йиллари бошидан халқаро ва минтақавий доирада иқтисодиёт соҳасидаги мансабдорлик жиноятларига қарши кураш бўйича шартномалар қабул қилина бошланди. Масалан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан 1997 йил 21 ноябрда қабул қилинган “Халқаро тижорат битимларида хорижий давлатлар мансабдор шахсларини сотиб олишга қарши кураш тўғрисида”ги, Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 1999 йил 27 январда қабул қилинган “Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида”ги, БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка ҳамда коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги конвенциялари шулар жумласидандир. МДҲ доирасида 2003 йил 15 ноябрда Парламентлараро Ассамблея томонидан “Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисида”ги намунавий (модел) қонун қабул қилинган.

Таъкидлаш лозимки, АҚШ, Австрия, Германия, Франция, Швейцария ва бошқа давлатларда мансабдорлик жиноятларини фош этиш бўйича таъриба узлуксиз такомиллашиб бормоқда. Хусусан, ҳозирги вақтда амал қилаётган Шенген ахборот тизими – полиция ахборот-қидирув компьютер тизими Шенген шартномаси бўйича аъзо-давлатлар Европа полицияси ходимларининг шахсларни ва предметларни қидириш бўйича маълумотлар базасига тўғридан-тўғри кириш имконини беради [1, 18-стр].

Иқтисодиёт соҳасида мансабдорлик жиноятларининг олдини олиш мақсадида бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган АҚШ таърибасига эътибор қаратсак, бу йўналишдаги ишлар фақат XX асрнинг ўрталарига келиб фаол тус олган. Чунончи, 1965 йилда ҳокимият органларидаги давлат хизматчилари ўз вазифаларини қонунга мувофиқ, ҳалол ва сидқидилдан бажариши учун уларнинг хулқ-атворини белгилайдиган ахлоқ қоидаларини, хулқ-атвор стандартларини ўрнатиш ҳақидаги Президент

фармойиши қабул қилинди. АҚШ Президентининг мазкур фармойиши олий мартабали ҳукумат амалдорларига ўз “молиявий манфаатлари”нинг ҳолати ҳақида тегишли ҳукумат органига вақти-вақти билан маълумот бериб туриш мажбуриятини юклар эди. Ушбу фармойиш асосида Фуқаро хизмати бўйича комиссия молиявий декларация тақдим этишга мажбур мансабдор шахслар рўйхатини белгилади.

ГФР тажрибасида эса, ушбу тоифадаги жиноятларни олдини олиш мақсадида мансабдорлик жиноятларига таъсирчан соҳаларни аниқлаш ва мазкур соҳаларда ялпи назорат ўрнатиш тартиби белгиланган. Бундан ташқари, мамлакат Марказий банкида давлат хизматчиларини пора эвазига оғдиришда фош қилинган жисмоний ва юридик шахсларнинг маълумотлар базаларини ташкил этилганлигини мансабга боғлиқ жиноятларни олдини олиш борасида энг самарали ташкилий-ҳуқуқий чоратadbирлар бўлиши мумкинлигини исботлади. Бу уларга янги ном билан ёки бошқа ниқоб остида давлат буюртмаларини олишга имкон бермайди [1, 62-стр].

Муаммонинг юзага келиш омиллари ўрганилганда, давлат ва ҳокимият органлари мансабдор шахслари томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни олдини олиш механизмининг етарлича ташкил этилмаганлиги ҳамда миллий қонунчиликнинг норматив-ҳуқуқий асослари такомиллашмаганлиги умумий жиноятчилик кесимида ушбу турдаги жиноятларни содир этилишига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, айбдор шахсларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан ҳар йили анъанавий тарзда эълон қилинадиган амнистия актига асосан жиноий жавобгарикдан озод этилишлари ҳақида тушунчага эга эканликлари ва бунинг оқибатида етказилган моддий зарарни қоплашни хоҳламасликларини шу каби муаммолардан бири сифатида кўриш мумкин.

Тўпланган маълумотларига кўра, 2015 йилда жиноий ишга қўл урган 52 мингдан ортиқ шахс дастлабки тергов, суд ва жазони ижро этиш муассасаларидан Олий Мажлис Сенатининг амнистия актига мувофиқ жазодан озод қилинди. Содир этган жинояти оқибатида етказилган моддий зарарни қопламай (432,2 млрд. сўмдан ортиқ), суд ҳукми билан озодлиқдан маҳрум этилган 2800 га яқин фуқаро Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш бош бошқармаси муассасаларидан озод этилди. Улар томонидан етказилган моддий зарар эса қопланмай қолган. Ушбу ҳолат, ўз навбатида, мамлакатимизда амнистия актини қўллаш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Хусусан, амнистия актини қўлланилиши юзасидан хорижий давлатлар, шу жумладан, Германия ва Россия Федерацияси тажрибасига мурожаат этсак, уларда ҳам Ўзбекистон Республикаси каби инсонийлик принципларига мувофиқ ногирон, вояга етмаган, қария, аёлларга ва биринчи мартаба ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилишига гувоҳ бўлиш мумкин. Шу билан бир қаторда оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятлар, давлат конституциявий тузумига, миллий хавфсизликка ва иқтисодий асосларига қарши қаратилган барча турдаги жиноятларни содир этган фуқароларга нисбатан амнистия акти қўлланилмаслиги қатъий белгиланган (“1941-1945 й.й. Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 70-

йиллиги муносабати билан амнистия эълон қилиш тўғрисидаги” Россия Давлат Думасининг 2015 йил 24 апрелдаги қарори, 2013 йилги Германиянинг “Рождество амнистияси”).

Етказилган моддий зарарни инobatга олиб ҳамда келгусида бошқа шахслар томонидан мазкур турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олиш мақсадида ушбу давлатларда иқтисодий асосларига қарши қаратилган жиноятларни содир этган фуқароларга нисбатан амнистия акти қўлланилмайди.

Бундан ташқари, ҳокимият ва бошқарув органларида фаолият олиб борувчи мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларидан фойдаланиб давлат мулкани талон-торож қилишларини олдини олишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ва ташкилий чоратadbирлар ишлаб чиқилган. Унга кўра, ҳар йили таҳлил натижаларига асосан давлат мулки талон-торож этилиши мумкин бўлган ҳамда коррупциоген ҳолатлар рўй бераётган давлат идоралари рўйхати тузилиб, мазкур объектлар ва унда хизмат олиб борувчи ходимлари алоҳида назоратга олинади. Шунингдек, мансабдор шахсларнинг ваколат доиралари, йиллик даромадлари, харажатлари, мол-мулкларини ҳисобини юритиш, уларга қўйиладиган чекловлар қонуний тартибга солинган (АҚШнинг “Ҳукуматдаги ахлоқ тўғрисида”ги Қонуни, Россия ва Қозоғистоннинг “Давлат хизмати тўғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонунлари). Бу ўз навбатида уларни мансаб ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда жиноят содир этишларига шароит яраталишини олдини олади.

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари тажрибасида эса, мансабдор шахслар томонидан қонунчилик ва хизмат интизомини бузилиш ҳолатларига қарши кураш ўзининг бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Чунончи, ушбу давлатларда мансабдор шахс барча турдаги мол-мулкни қонуний қўлга киритганлигини исботлаб бериш талаби белгиланган, башарти, исботлаб бера олмаса, унинг мол-мулк давлат фойдасига мусодара этилиб, мансабдор шахс қамоққа олиниши мумкин.

Шунингдек, ушбу мамлакатларда қоида тариқасида, ҳукуматдан мустақил, давлат раҳбарига бўйсунувчи “Интизомни текшириш марказий комиссияси” ташкил этилган бўлиб, комиссия томонидан мансабдор шахсларни харакатлари устидан назорат олиб борилади. Улар томонидан йўл қўйилган жиноятлар таҳлил қилиниб, жиноятни содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитлари ўрганиб борилади. Ушбу комиссия томонидан амалдаги қонунчилик ижроси устидан доимий мониторинг олиб борилиб, мансабдор шахсларга мансаб ваколатларидан фойдаланиб жиноят содир этишларига шароит яратаётган қонунчиликдаги камчиликлар аниқланади ҳамда уларни бартараф этиш бўйича мамлакат раҳбарига таклиф киритилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда хорижий давлатлар тажрибисини инobatга олган ҳолда қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

Биринчидан, иқтисодий соҳасидаги мансабдорлик жиноятларининг олдини олиш механизмини норматив-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш, шу жумладан, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигида акс этган мансабдор шахсларни давлат мулкани талон-торож этганлиги учун жиноий жавобгарлик чораларини етказилган

моддий зарарга муносиб тарзда қўллаш орқали самарали натижаларга эришиш мумкин.

Иккинчидан, парламент томонидан эълон қилинадиган амнистия актларида иқтисодиёт асосларига қарши қаратилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жиноятлари оқибатида етказилган моддий зарарни қопламаган тақдирда уларга нисбатан ушбу амнистия акти қўлланилмаслигини қатъий белгилаб қўйиш зарур.

Учинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида фаолият олиб борувчи мансабдор шахсларнинг фаолиятлари устидан жамоатчилик назоратини ошириш, уларнинг ўз ваколатларидан фойдаланиб давлат мулкани талон-торож қилишларини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат хизмати тўғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонунларини қабул қилиш жараёнини янада жадаллаштириш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар рўйхати:

1. Переводы материалов о практике деятельности правоохранительных органов зарубежных стран. – М., 2000. – №11. – С. 17–24.

2. Сокол В.Ю. Криминалистика в Германии: понятие, система, перспективы: – Краснодар, 2010. – С. 62.

Б.Муминов,

ЎзР ИИБ Академияси мустақил изланувчиси

МУТАХАССИС ХУЛОСАСИНING ДАЛИЛИЙ АҲАМИЯТИ

Аннотация: мақолада дастлабки терговда мутахассис хулосасидан фойдаланиш муаммолари қайд қилиниб, мазкур муаммоларни ҳал қилиш юзасидан таклифлар киритилган. Мулоҳазалар натижасида, мутахассис хулосасининг далиллар тўплаш воситаси сифатида моҳияти белгиланган.

Калит сўзлар: жиноят процесси, дастлабки тергов, мутахассис, хулоса.

Аннотация: в статье выдвигаются проблемы использования заключения специалиста в предварительном следствии, рассматриваются возможные пути решения данной проблемы. Путем рассуждений определена сущность заключения специалиста как способа сбора доказательств.

Ключевые слова: уголовный процесс, предварительное следствие, специалист, заключение.

Annotation: an article describes problems of using specialist's conclusion on preliminary investigation, examines possible solutions to tackle this tasks. By reasoning is determined. The matter of specialist's conclusion as method of gathering evidences.

Key words: criminal procedure, preliminary investigation, specialist, conclusion.

Иқтисод тармоқлари қўпайиши билан, иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш жараёнида махсус билимларни қўллаш соҳалари ва имкониятлари кенгайиб бормоқда. Сабаби, кўпгина жиноят турларини фақатгина малакали мутахассисларни ўз вақтида жалб қилиш, улар томонидан аниқланган ҳолатларни процессуал тўғри расмийлаштириб, далил сифатида фойдаланиш орқали фош қилиш мумкин.

Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, жиноят процессуал қонунчилигида тафтиш ва ҳужжатли текширув ўтказишда асосий муаммо шундан иборатки, жиноят процессида тафтиш ва ҳужжатли текширув тайинлаш мумкинлиги белгиланган бўлсада, тафтиш ва ҳужжатли текширув жараёни умуман тартибга солинмаган [1, 14-бет.]

Ўзбекистон Республикаси ЖПКда махсус билимларни қўллашнинг 2 турдаги субъекти белгиланган, яъни эксперт ва мутахассис.

Амалдаги ЖПКга асосан тафтишчининг процессуал мавқеи белгиланмаганлиги сабабли у тергов жараёнида амалда мутахассис сифатида қатнашади. Бироқ ЖПКнинг 69-моддасида мутахассис тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун чақирилиши, яъни фақат тергов ва суд жараёнида қатнашиши кўзда тутилган. [2. 41 бет.] Бинобарин, ЖПКда мутахассиснинг мустақил процессуал мавқеи ва унинг хулоса бериш ҳуқуқи, шунингдек, мутахассисни сўроқ қилиш тартиби белгиланмаган. РФ ЖПК 80-моддаси 3-қисмига мувофиқ, мутахассис хулосаси – тарафлар томонидан қўйилган саволлар юзасидан мутахассиснинг ёзма равишда билдирган якуний фикридан иборатлиги белгиланган. Шунингдек, мазкур модданинг 4-қисмида мутахассиснинг кўрсатувлари бу

– махсус билимлар талаб қиладиган ҳолатлар юзасидан сўроқ жараёнида берилган маълумотлар ва Кодекснинг 53, 168, 271-моддаларига асосан ўзининг хулосасини тушинтириш эканлиги белгиланган. [3] Яъни мутахассиснинг нафақат тергов ва суд жараёнида қатнашиш, балки ўзига қўйилган саволлар юзасидан хулоса бериш ҳуқуқи курсатиб утилган.

Мутахассис хулосаси тадқиқот ўтказишни талаб қилмайдиган фактлар юзасидан олинishi мумкин ва экспертиза хулосасидан фарқи ҳам ана шунда. Мутахассис хулосаси бу тергов ва суд томонидан қўйилган, махсус тадқиқот ўтказишни талаб қилмайдиган саволлар юзасидан, ўз ваколатлари доирасида, ёзма равишда берилган фикрdir.

Е.А.Зайцева ва С.М.Гарисов тўғри таъкидлаганларидек, жиноятларни тергов қилишда исботлаш фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан, суриштирувчи ва терговчи томонидан мутахассисларнинг махсус билимларидан оқилона фойдаланиш, жиноят иши учун муҳим бўлган ҳолатларни аниқлаш учун исботлаш субъектлари томонидан махсус билимлардан фойдаланиш шаклини тўғри танлашга боғлиқ [4. 67 бет.]

Жиноятларни тергов қилишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг мутахассисни жалб қилиш шаклидан фойдаланиш, процессуал куч ва воситаларни тежаш, яъни экспертиза ва тадқиқот ўтказиш талаб қилинмайдиган ҳолларда мутахассис хулосасидан фойдаланиш имконини беради.

ЖПКнинг 329-моддасида терговга қадар текширув ўтказиш жараёнида ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкинлиги белгиланган. Бинобарин, жиноят ишини кўзғатиш босқичида иқтисодий экспертизалар шу жумладан суд-бухгалтерия экспертизаси тайинланиши мумкин. Бироқ, суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказиш учун катта ҳажмдаги материаллар ва узоқ муддат талаб қилиниши сабабли амалиётда терговга қадар текширув босқичида камдан-кам ҳолларда тайинланади.

Шунингдек, терговга қадар текширув ўтказиш жараёнида тафтиш хулосаси ёки эксперт-бухгалтер томонидан берилган маълумотномадан ҳам фойдаланиш мумкин, бироқ маълумотноманинг далилий аҳамияти ЖПКнинг 201-моддасида белгиланган ҳужжатга тенг бўлади. Бироқ, тафтиш хулосасидан “ҳужжат” сифатида фойдаланиш мантиққа зид бўлиб, тафтишчи тафтиш предметига кирувчи ҳолатлар бўйича фактик назорат усуллари қўлланган ҳолда турли ҳужжатлар, мансабдор ва моддий жавобгар шахслардан тушинтиришлар талаб қилиб олади, тўпланган материалларни таҳлил қилиб, махсус билимларини қўллаган ҳолда хулоса беради.

Мутахассис хулосасининг экспертизадан афзал жиҳати, терговга қадар текширув босқичи ва дастлабки терговнинг илк босқичларида, жиноят ҳақида хабарни кўриб чиқиш ва гумон қилинувчини ушлаб туриш муддатлари қатъий чегараланганлиги сабабли қисқа муддатларда қарор қабул қилиш имконини беради. Шу сабабли ЖПКда мутахассис текширувининг муддатини, айниқса экспертизага нисбатан қисқартирилган муддатларини белгилаш дастлабки тергов муддатларини ҳам оптималлаштириш имконини беради. Шу билан бирга, айбланувчи ва ҳимоячига ҳам мутахассис хулосасини тергов ва судга тақдим қилиш ҳуқуқини берилиши, тергов ва суд жараёнида хулоса

берган мутахассисни сўроқ қилиш орқали текшириш, яъни ЖПКнинг 25-моддасида белгиланган суд ишларини юритишда тортишув принципини таъминлаш имконини беради.

Маълумки, терговга қадар текширув муддатлари чекланганлиги, айниқса, иқтисодий жиноятлар бўйича текширувни тўлиқ ҳажмда ўтказиш имконини бермайди. Шу сабабли, терговга қадар текширув жараёнида етарли асослар мавжуд бўлмасида, жиноят ишини кўзғатиш ҳолатлари учраб туради. Сабаби текширув муддатлари чекланганлиги сабабли катта ҳажмли экспертизалар, шу жумладан суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказишнинг имкони йўқ. Айнан шундай ҳолатларда, тадқиқот ўтказишни талаб қилмайдиган ҳолатлар юзасидан мутахассис хулосасини олиш, чекланган муддатларда қонуний қарор қабул қилиш имконини беради. ЖПКнинг 329-моддасида терговга қадар текширув жараёнида мутахассис хулосасини олиш мумкинлигини кўзда тутилмаган, бироқ амалиётда терговга қадар текширув жараёнида мутахассис хулосасини олиш қўлланилади.

Юқоридагиларга асосан ЖПКнинг 329-моддасига қўшимча киритиб, терговга қадар текширув ўтказиш жараёнида мутахассис хулосасини олиш мумкинлигини белгилаш, жиноят ҳақида, айниқса, иқтисодий жиноятлар бўйича хабарларни тўлиқ ва ҳолисона кўриб чиқиш ва кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш имконини беради.

Шу билан бирга терговга қадар текширув давомида фактик назорат усуллари шу жумладан инвентаризация ва назорат ўлчовини ўтказиш, ЖПК билан тартибга солинмаган бўлишига қарамасдан амалиётда фактик назорат усулларида иқтисодий соҳадаги жиноятлар ҳақида хабарларни текшириш воситаси сифатида кенг фойдаланилади. Бу ўринда, фактик назорат усуллари бошқа ҳуқуқ соҳаларида белгиланган нормалар асосида, масалан, Солиқ Кодексида асосланиб ўтказилади.

Бироқ, ЖПКда далилларни аниқлаш, тўплаш ва расмийлаштириш юзасидан бошқа ҳуқуқ тармоқларида мавжуд бўлмаган, ўзига хос талаблар қўйилган бўлиб, далиллар тўплашнинг процессуал таомилни бузиш, далилнинг номақбул далилга айланишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 12-сонли “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал Қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” Қарори 2-бандига мувофиқ маълумотлар тергов ва суд ҳаракати ўтказилмасдан ёки қонунда назарда тутилмаган манбадан, масалан, жиноят-процессуал қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган тезкор-қидирув тадбирлари вақтида олинган бўлса номақбул далил деб топилши белгиланган. [5]

Шунингдек, текширув ва фактик назоратни ўтказётган мутахассислар, экспертлардан фарқли равишда ЖКнинг 238-моддасига асосан ёлғон хулоса бериш ва 240-моддага асосан жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаш учун огоҳлантирилмаслиги, хулосадаги фикрларнинг тўғрилиги ва асослилиги учун мутахассисларнинг маъсулиятини камайтиради.

Бундан ташқари, текширув ўтказётган мутахассиснинг фактик назорат усуллари қўллаш, тушинтириш хатлари, маълумотлар олишдаги ваколатлари, унга ўзининг нуқтайи назарига мос

бўлган, бир ёқлама материалларни йиғиш ва текширув хулосасида акс эттириш имконини беради. Юқоридагиларга асосан, мутахассис хулосасининг далилий аҳамиятини ЖПКда белгилаш мақсадида, ЖПКга қуйидаги ўзгартиришларни киритиш таклиф қилинади.

“69-модда. Мутахассис

Тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш, шунингдек, махсус билимлар талаб қилинадиган ҳолатлар юзасидан хулоса бериш учун мутахассис чақирилади. Мутахассис сифатида шифокор, педагог ҳамда зарур билим ва малакага эга бўлган бошқа шахслар чақирилиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан, шунингдек, ҳимоячининг илтимосномасига кўра мутахассис тушунтириш бериш ва сўроқ қилиш учун чақирилиши мумкин.

Хулосада: хулоса берилган сана ва жой; тадқиқот ёки текширув ўтказиш асоси; тайинлаган орган (шахс) тўғрисида маълумотлар; мутахассис(фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва хулоса бериш топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар; мутахассиснинг била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатсиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги; мутахассиснинг олдида қўйилган саволлар; тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материаллари; ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар; қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда текширувларининг мазмуни ва натижалари, шунингдек бу текширувлар, агар мутахассислар комиссияси ишлаган бўлса, ким томонидан ўтказилганлиги; мутахассис текшируви натижаларининг баҳоланиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар; иш учун аҳамиятга молик бўлган ва мутахассиснинг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар кўрсатилиши лозим”.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-моддасида мутахассис (тафтишчи)нинг била туриб нотўғри хулоса бериши, ёлғон хулоса бериши, 240-моддасида мутахассис(тафтишчи)нинг хулоса беришни рад этиши ёки бу ишдан бўйин товлаши учун жавобгарлик белгилаш жиноят ишлари бўйича жалб қилинган мутахассисларнинг маъсулиятини ошиши, ўз навбатида далилларнинг сифати яхшиланишига хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Волгушев А.В. Проблема проведения ревизий и документальных проверок в стадии возбуждения уголовного дела. Уголовное судопроизводство. 2007, №1.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. –Т.: “Адолат”, 2015.
3. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. Издательство “Норма”, 2014.
4. Зайцева Е.А. Гарисов С.М. К вопросу о заключении специалиста. Вестник Волгоградской Академии МВД РФ. - №4 (11), 2009.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 12-сонли “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” Қарори.

Г.Юлдашева

руководитель Центра правовых исследований ТГЮУ,
к.ю.н., доцент.

ПОНЯТИЙНО-КАТЕГОРИАЛЬНЫЙ АППАРАТ КОНСУЛЬСКОГО ПРАВА КАК САМОСТОЯТЕЛЬНАЯ ОТРАСЛЬ СОВРЕМЕННОГО МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА

Аннотация: в данной статье автор попытался раскрыть понятийно-категориальный аппарат консульского права, источники консульского права и определить место консульского права как самостоятельной отрасли современного международного права. Также рассмотрены некоторые проблемы консульской деятельности и пути её решения, учитывая современный опыт зарубежных стран.

Ключевые слова: консул, консульская деятельность, консульские отношения, консульская служба, консульское право, источники консульского права.

Annotation: in this article the author tries to reveal the conceptual and categorical apparatus consular law, the sources of consular law and determine the location of consular law as an independent branch of modern international law. some problems consular activities and the ways of its solution have been disclosed, given the recent experience of foreign countries.

Key words: consul, consular activities, consular relations, consular service, consular law, the sources of consular law.

Аннотация: ушбу мақолада муаллиф концептуал ва консуллик ҳуқуқининг тушунчавий-категориялик аппаратини очиб беришга ҳаракат қилган, консуллик ҳуқуқ манбаларини ва замонавий халқаро ҳуқуқининг муस्ताқил тармоғи сифатида консуллик ҳуқуқининг ўрнини аниқлашга ҳаракат қилган. Консуллик фаолиятига тааллуқли бўлган баъзи муоммалари ва уни ҳал қилиш йўллари хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ёритилган.

Калит сўзлар: консул, консул фаолияти, консуллик муносибат, консуллик хизмат, консуллик ҳуқуқ, консуллик ҳуқуқ манбалари.

Необходимо особо отметить, что в международно-правовой литературе относительно понятийно-категориального аппарата консульского права отсутствует единство в употреблении терминов, таких как консульские отношения, консульская деятельность, консульская служба, консульский институт, консульские учреждения, консульское право. Все эти понятия близки по содержанию, но существенно отличаются друг от друга. Нам представляется, что необходимо четко дифференцировать содержание этих терминов.

Следует четко определиться с такими понятиями как консульские отношения, консульская деятельность, консульское право, консульский институт, консульская служба и консульские учреждения.

Консульские отношения – это официальные отношения между государствами, правительствами и специальными органами внешних сношений (консульскими учреждениями), характеризующиеся совокупностью практических мер, форм, средств и методов развития двусторонних отношений и направленные на защиту прав и интересов государства, юридических и частных лиц за границей. Этим они отличаются от дипломати-

ческих отношений, которые носят универсальный представительный, политический характер, являясь формой взаимодействия государств, в полном объеме. Консульские отношения, как и дипломатические, призваны содействовать развитию сотрудничества между государствами в различных областях (в частности, в экономической, торговой, культурной, научно-технической и др.). Поэтому они образуют подсистему международных политических отношений. Однако консульские отношения носят самостоятельный и функциональный характер внутри международных отношений, так как они предполагают взаимодействие консульских учреждений с национальными органами и правовыми системами государств пребывания.

В сферу консульских отношений входят: отношения, связанные с взаимными поездками граждан, безвизовые поездки граждан владельцев дипломатических паспортов, двусторонним безвизовым режимом, упрощением визовых процедур, взаимным отказом от консульских сборов при выдаче виз, пропуском через границу, правовой помощью и правовыми отношениями, свободой передвижения, урегулированием случаев двойного гражданства, реадмиссиями, передачей осужденных для дальнейшего отбывания наказания, выдачей и экстрадицией, торговлей и мореплаванием и др.

Консульская деятельность – это деятельность государственных органов внешних сношений (консульских учреждений), по осуществлению консульских функций в соответствии международным и национальным правом.

Консульская деятельность Республики Узбекистан регулируются международными принципами, нормами и международно-правовыми обычаями, составляющими основу современного консульского права, а также нормами национального права.

Саидова Л.А. выделяет в консульской деятельности четыре направления: 1) координация консульской деятельности за рубежом; 2) поддержание контактов с зарубежными консульскими учреждениями, расположенными в Узбекистане; 3) выполнение специфических консульских функций; 4) разработка международных конвенций по консульским вопросам на двусторонней основе и обеспечение их исполнения [1, стр. 279].

Консульская служба – это вид государственной службы в структуре МИД, регулируемая как международным, так и национальным правом, которая выполняет функции по защите прав и интересов граждан и юридических лиц, находящихся за рубежом.

По нашему мнению, понятие консульской службы может зависеть от различных подходов исследователя. Если его рассматривать с точки зрения институционального подхода, консульская служба представляет собой систему консульских учреждений. Функциональный подход позволяет понимать консульскую службу как деятельность и совокупность функций. А правовой подход рассматривает консульскую службу как правовой институт консульского права.

Как и в других отраслях системы международного права, в консульском праве проявляют свое действие основополагающие принципы и нормы международного публичного права. К общим принципам относятся: 1) принципы всеобщего уважения прав человека; 2) принцип суверенного равенства государств; 3) принцип невмешательства во внутренние дела друга; 4) принцип сотрудничества между государ-

ствами; 5) принцип добросовестного выполнения международных обязательств.

Современное развитие международных отношений требует разработки и закрепления не только основополагающих принципов международного права, но и специальных отраслевых принципов консульского права, которые играют решающую роль в определении и осуществлении консульской политики государств, так как они определяют объем и содержание консульского права, а также практику применения консульско-правовых норм. Таким образом, мы считаем, что принципы консульского права – это закрепленные в праве основополагающие идеи, определяющие направленность, характер, основания и объем правового регулирования консульских отношений.

Предлагается следующая система отраслевых (специальных) принципов консульского права: 1) верховенство норм международного права; 2) самостоятельность консульских отношений; 3) тесная связь консульских отношений с дипломатическими отношениями; 4) целенаправленность консульских учреждений на обеспечение защиты прав и интересов граждан и юридических лиц, а через них прав и интересов государства; 5) функциональный характер консульских иммунитетов; 6) принцип не дискриминации; 7) принцип взаимности.

Принцип самостоятельности консульских отношений заключается в том, что эти отношения могут существовать и действовать независимо, даже от политических и дипломатических отношений и связаны с потребностями международного общения.

Принцип взаимности, широко применяемый в дипломатической и консульской практике, означает, что страна пребывания предоставляет аккредитуемому государству, его физическим и юридическим лицам определенные права, льготы и привилегии при условии, что физические и юридические лица страны пребывания пользуются аналогичными правами, льготами и привилегиями в аккредитуемом государстве.

В международном праве известны два вида взаимности:

- материальная взаимность – предоставление физическим и юридическим лицам иностранного государства той же суммы конкретных материальных условий и благ, какими пользуются физические и юридические лица этого государства;

- формальная взаимность – предоставление юридическим и физическим лицам иностранного государства определенных прав, возможностей и привилегий, вытекающих из местного законодательства, при условии, что физические и юридические лица представляющего государства пользуются такими же правами в данном иностранном государстве.

Принцип взаимности закрепляется в международных двусторонних договорах и регулируется международными обычаями.

Консульское право можно определить как самостоятельную отрасль международного права и через совокупность правовых институтов. На наш взгляд, современное консульское право состоит из следующих институтов:

- институт консульских учреждений;
- институт консульских служащих;
- институт консульских функций;
- институт консульской защиты прав и интересов физических и юридических лиц;
- институт консульских иммунитетов и привилегий;

- институт почетного консула.

Функции консульских учреждений подразделяются на основные и специальные. К категории основных функций консульского учреждения относятся: развитие дружественных связей, в частности, в таких областях, как экономика, торговля, наука и техника, культура, защита в государстве пребывания интересов представляемого государства, граждан и организаций;

А к категории специальных функций консульского учреждения относятся: информирование властей представляемого государства об экономической, торговой, социальной, культурной, научной и политической жизни страны и округа пребывания; информирование находящихся на территории консульского округа соотечественников о законах и обычаях государства пребывания; учет соотечественников, находящихся на территории консульского округа; консульская деятельность и практическая помощь находящимся в консульском округе гражданам представляемого государства, представителям его органов и организаций, а также воздушным судам и членам их экипажей; паспортно-визовая работа, то есть выдача, возобновление, аннулирование паспортов соотечественников и оформление виз лицам, направляющимся в представляемое государство; выполнение функций органов записи актов гражданского состояния, совершение нотариальных действий; консульская легализация, то есть установление и засвидетельствование подлинности подписей на документах, исходящих от властей государства пребывания, и соответствия этих документов его законам и правилам; выполнение соответствующих действий по истребованию документов; охрана в государстве пребывания прав и интересов несовершеннолетних или лиц, не обладающих полной дееспособностью, которые являются гражданами представляемого государства, в особенности когда над ними требуется установление опеки или попечительства; совершение необходимых действий по представительству или обеспечению представительства соотечественников в судебных или иных учреждениях государства пребывания; выполнение поручений следственных или судебных органов представляемого государства;

Источниками международного консульского права являются: международный обычай, международный договор, общие принципы международного права, решения и постановления международных организаций и их органов, доктрины специалистов в области международного, дипломатического и консульского права.

Источники консульского права в зависимости от сферы действия подразделяются на универсальные, региональные и локальные.

Универсальный характер имеют Венская конвенция о консульских сношениях 1963 г., Венская конвенция о дипломатических сношениях 1961 г., Конвенция ООН о гражданстве замужней женщины 1957 г., Гагская конвенция, отменяющая требование легализации иностранных официальных документов 1971 г., Конвенция о предотвращении и наказании преступлений против лиц, пользующихся международной защитой, в том числе дипломатических агентов 1973 года.

К региональным относятся Каракасская конвенция о консульских функциях 1911 года, Гаванская конвенция о консульских чиновниках 1928 года, Конвенции СНГ о безвизовом передвижении граждан по территории государств-участников (1992 г.), О правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семей-

ным и уголовным делам (1993 г.), О порядке въезда граждан государств СНГ в государства, не входящие в СНГ, и выезда из них (1997 г.), О сотрудничестве государств-участников в борьбе с незаконной миграцией (1998 г.) и др.

К локальным относятся консульские конвенции, например, Консульская конвенция между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией 1994 г., Консульский договор между Республикой Узбекистан и Китайской Народной Республикой 1994 г. и двусторонние договоры по консульским вопросам, например, Договор между Узбекистаном и Грузией о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам от 28 мая 1996 года, Договор между Узбекистаном и Украиной о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам от 19 февраля 1998 года.

По определению понятия консульского права в международно-правовой научной литературе нет единого мнения.

По мнению российского профессора Соловьёва Э.Я.: «Современное консульское право представляет собой совокупность норм, выраженных в международных соглашениях и обычаях и сочетающихся в необходимых случаях с нормами внутреннего права государства, по вопросам статуса и функционирования консульств и их персонала» [2, стр. 6].

Плотникова О.В. пишет, что консульское право - это совокупность международно-правовых принципов и норм, регулирующих деятельность консульских учреждений и членов их персонала и определяющих их статус, функции, права и обязанности [3, стр. 3].

Миркасымов С., Рахимова М. и Юза П. определяют: «консульское право - это совокупность международно-правовых норм и принципов, регулирующих деятельность консульских учреждений и членов их персонала, и определяющий их статус, функции, права и обязанности» [4, стр.12].

Лукашук И.И. определяет консульское право как совокупность международно-правовых норм, регулирующих консульские отношения между государствами, включая статус и функции консулов [5, стр. 92].

Саидов А.Х. также определяет: «Консульское право – это совокупность международно-правовых принципов и норм, регулирующих деятельность консульских учреждений, а также определяющих статус, функции, права и обязанности их персонала» [6, стр.159].

Все авторы определяют консульское право как совокупность международно-правовых норм, только Соловьёв Э.Я. добавляет к этому в необходимых случаях и нормы внутреннего права государства, с которыми мы также согласны. Но мы считаем, что необходимо учесть и международно-правовые принципы и определить консульское право как совокупность международно-правовых принципов, норм, обычаев и сочетающихся в необходимых случаях с нормами национального права государства.

Также хочется отметить, что все авторы считают, что консульское право регулирует деятельность консульских учреждений и определяет статус, функции, права и обязанности их персонала, только Лукашук И.И. включает сюда и консульские отношения. Мы же считаем, что консульское право, в первую очередь, регулирует консульские отношения между государствами и деятельность консульских учреждений и чле-

нов их персонала, а также определяет их статус, функции, привилегии и иммунитеты, права и обязанности.

В общей теории права основным фактором образования отрасли права считается особый предмет и особый метод регулирования. И в международном праве специфика предмета или, точнее, объекта регулирования является фактором формирования отрасли права. Но наличие только этого фактора ещё не создаёт отрасли международного права, пишет Е.Т.Усенко [7, стр.113].

Необходимо подчеркнуть, что в науке международного права нет единой точки зрения в отношении критериев выделения отраслей международного права.

В теории международного права под отраслью международного права принято считать совокупность норм и принципов, регулирующих отношения между субъектами международного права, возникающие в конкретной сфере международной жизни. Отрасль международного права всегда характеризуется собственным предметом и объектом, что является критерием для её выделения [8, стр. 54]. К критериям выделения отрасли в международном праве, на наш взгляд, можно отнести:

- 1) специфику объекта и предмета регулирования;
- 2) наличие специальных отраслевых принципов;
- 3) качественное своеобразие и обособленность данной группы норм;
- 4) особенность источников этих норм и способов их создания;
- 5) большой объём нормативного материала, регулирующего данный вид международных отношений;
- 6) заинтересованность международного сообщества в развитии отрасли (или данного вида международного общения).

Сегодня консульское право является самостоятельной отраслью в системе международного права, о чём не упоминают авторы в вышеприведенных определениях.

Исключением является учебник «Международное право» [9, стр. 545-546] под редакцией Вылегжанина А.Н., изданный в 2010 году, в котором автор рассматривает консульское право как самостоятельную отрасль международного права без аргументации.

Также основанием для утверждения, что консульское право стало на современном этапе самостоятельной отраслью международного права, является наличие в нём специфического: объекта и предмета регулирования, специальных, отраслевых принципов, институтов и источников.

Таким образом, можно определить, консульское право – самостоятельная отрасль современного международного публичного права, основанная на совокупности международно-правовых принципов, норм, обычаев и сочетающихся в необходимых случаях с нормами национального права государства, регулирующая консульские отношения, а также деятельность консульских учреждений и членов их персонала, и определяющих их статус, функции, привилегии и иммунитеты, права и обязанности.

На определенном историческом этапе развития и дипломатическое и консульское право возникли и развивались взаимосвязано друг с другом и сегодня между ними есть общие черты.

Но, на наш взгляд, в современном международном праве можно говорить о разделении между диплома-

тическим и консульским правом, как двух самостоятельных отраслей. Аргументами данного утверждения являются:

- различие в генезисе и эволюции развития (консульское право первоначально возник как частноправовой институт, а дипломатическое право всегда было публично-правовым);
- различные объекты и предметы регулирования;
- различные системы источников права;
- отличие в отраслевых принципах;
- функциональное отличие;
- различие в правовом статусе органов;
- по сравнению с дипломатическим правом в консульском праве более тесное взаимодействие с национальным правом и правом страны пребывания;
- более тесное взаимодействие консульского права с международным частным правом.

Данные признаки позволяют нам говорить о консульском праве как самостоятельной отрасли современного международного права. В условиях глобализации консульские отношения становятся шире и многообразнее, и год от года увеличиваются, а, соответственно, и правовое регулирование этих отношений совершенствуются и развиваются, приобретая цельность и системность.

Методологически консульское право может рассматриваться как:

- 1) отрасль права;
- 2) самостоятельное научное направление;
- 3) учебный курс.

Все эти названные подходы могут реализовываться в разнообразной форме и содержании, что находит свое отражение в различных научных исследованиях, монографиях и программах учебных дисциплин, а также в международных договорах.

Список литературы:

1. Саидова Л.А. Дипломатическое право в Узбекистане: проблемы теории и практики. Дис... докт. юрид. наук. –Т.: УМЭД, 2001. – 279 с.
2. Соловьёв Э.Я. Основы консульского права. Учебное пособие. – М.: Ось-89, 2005. –С.6.
3. Плотникова О.В. Консульские отношения и консульское право. Учебник для вузов. – М.: Издательская группа НОРМА—ИНФРА • М, 1998. – С. 3.
4. Миркасымов С.М., Рахимова М.А., Петер Юза. Консульское право и консульская практика. – Т.: Akademiya, 2004. – С. 12.
5. Лукашук И.И. Международное право. Особенная часть. -М.: Волтерс Клувер, 2005. – С.92.
6. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. – Т.: Адолат, 2001. – С.159.
7. Усенко Е.Т. Очерки теории международного права. – М.: Норма, 2008. – С. 113.
8. Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. – Тошкент: “Адолат”, 2006. – С. 54.
9. Международное право // Под ред. Вылегжанина А.Н. – М.: Юрайт, 2010. – С. 545-546.

Б.Сирожиiddинов,
мустақил изланувчи

ХАЛҚАРО ЮК ТАШИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШДА АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Аннотация: в статье исследованы зарубежный опыт по правовому регулированию вопросов международной перевозки грузов, указаны отличительные особенности норм зарубежного законодательства.

Ключевые слова: опыт, груз, перевозка, закон, транспорт.

Аннотация: мақолада халқаро юк ташишни ҳуқуқий тартибга солишда хорижий мамлакатларнинг тажрибаси таҳлил этилган, хорижий мамлакатлар қонунчилигининг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: тажриба, юк, ташиш, қонун, транспорт.

Annotation: in this article were analysed foreign experiment on legal regulation of questions of the international transportation of goods, were specified distinctive features of standards of the foreign legislation.

Key words: experience, goods, transportation, law, transport.

Хорижий давлатларда халқаро юк ташишга оид муносабатлар қоида тариқасида фуқаролик қонунчилигининг халқаро фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга оид махсус қисмларида тартибга солинади. Шундай бўлсада, айрим давлатларда халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари алоҳида қонунларда – халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини тизимлаштириш асосида махсус кодекслар қабул қилинган бўлиб, ушбу давлатларда халқаро юк ташиш муносабатлари мазкур кодекслар ёки алоҳида қонунлар доирасида тартибга солинади. Бундай тажрибага эга давлатлар сифатида Австрия (1978 йил), Венгрия (1979 йил), Польша (1965 йил), Туркия (1982 йил), Словения (1982 йил), Хорватия (1982 йил), Хитой (1985 йил), ГФР (1986 йил), Швейцария (1987 йил), Руминия (1992 йил), Италия (1995 йил) ва Эстония (2001 йил) каби давлатларни кўрсатиш мумкин.

Иккинчи гуруҳ давлатлар сифатида фуқаролик қонунчилигида халқаро хусусий ҳуқуқнинг коллизия нормаларини мустаҳкамлаган ҳамда ушбу қоидалар доирасида халқаро ташишга оид муносабатларни тартибга солувчи давлатларни кўрсатиш мумкин. Хусусан, мазкур давлатлар сирасига Испания, Португалия, Вьетнам, МДҲ давлатлари – Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва бошқа қатор давлатларни киритиш мумкин.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари махсус ушбу соҳага бағишланган Кодекс ёки Қонун, шунингдек Фуқаролик кодекслардан ташқари бошқа қонун ҳужжатларида ҳам мавжуд. Бундай қонун ҳужжатлари қаторига Хитойнинг 1986 йилдаги фуқаролик ҳуқуқининг Умумий қоидалари, 1985 йилдаги халқаро хўжалик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонуни киради. Қонун Хитой ва чет эл ташкилотлари ўртасида барча чет эл иқтисодий, олди-сотди муносабатлари бўйича тузиладиган шартномаларга нисбатан қўлланилади. Ушбу қонунни чет эл элементлари билан

муракбашлаган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга бевосита қўлланадиган меъёрлардан иборат деб айтиш мумкин. Қонуннинг кўп нормалари диспозитив характерга эга.

Халқаро юк ташишни ҳуқуқий таъминлаш бўйича хориж тажрибаси шундан далолат берадики, ушбу муносабатлар аксарият давлатларда алоҳида қонунлар тизими орқали тартибга солинмоқда. Айрим давлатларда, жумладан, АҚШда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини тизимлаштириш йўлидан бориб, ягона Транспорт кодекси қабул қилинган бўлиб, у ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўйича қонун ҳужжатларини умумлаштиради.

Шунингдек, АҚШда Америка ҳуқуқ институти томонидан тайёрланган конфликтлар тўғрисидаги қонунлар Тўплами ҳаракат қилади (1834 йилда – биринчи, 1971 йилда – иккинчи тўплалари нашр қилинган). Халқаро юк ташишга оид муносабатлар АҚШнинг Ягона Савдо кодексида ҳам мавжуд, унда қонунни макон ва замон бўйича қўллаш ҳақида қоидалар ўз аксини топган. Юқоридагилардан ташқари, АҚШнинг Луизиана штатида 1991 йилда “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида” қонун қабул қилинган бўлиб, у мазкур штатнинг Фуқаролик кодекси таркибига киритилган. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам халқаро ташишга оид муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

Франция фуқаролик қонунчилигига мурожаат этадиган бўлсак, Фуқаролик кодексида юк ташишга оид муносабатлар батафсил тартибга солинмаган. Унинг атиги айрим моддаларида, жумладан, 1782-1786-моддаларида куруқлик ва сувда юк ташувчиларга оид баъзи нормалар мустаҳкамланган. Францияда, шунингдек, халқаро хусусий ҳуқуққа оид қонун ҳужжатларини тизимлаштириш борасида муайян тажриба тўпланган. Хусусан, Францияда 1959 ва 1969 йилларда “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги қонун лойиҳалари ишланган бўлиб, уларда халқаро юк ташишга оид муносабатлар ҳам ўз ифодасини топган эди.

Канадада халқаро юк ташиш масалаларини тартибга солишга оид нормалар бир қатор ҳужжатларда, шу жумладан, Федерал Божхона Акти, Федерал Божхона хизмати агентлиги тўғрисидаги Акт, Хавфли юкларни ташиш тўғрисидаги Федерал Акт, Божхона тарифи Акти, Шимолӣ Америка Эркин савдо Акти (“NAFTA”), Автомобил хавфсизлиги Акти, Юк ташувчи транспортлар тўғрисидаги Акт, Транспорт ва денгиз орқали ташиш тўғрисидаги Акт, Соҳилбўйи ҳудуди тўғрисидаги Акт, Денгизда суғурталаш тўғрисидаги Акт, Темир йўлда хавфсизлик тўғрисидаги қонун, Денгизда сузиш тўғрисидаги Акт, Ташишлар тўғрисидаги Акт, Ҳаво орқали ташишлар тўғрисидаги Акт, Тижорат мақсадларида ташишлар тўғрисидаги Акт, Юк ташишда хавфсизлик тўғрисидаги Акт, Хавфли юкларни ташиш ва улар билан муомала қилиш тўғрисидаги Акт, Йўл ҳаракати тўғрисидаги Акт, Денгиз бўйича иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Акт, Автомобил транспорти тўғрисидаги Акт, Темир йўлда хизмат кўрсатиш тўғрисидаги Акт, Темир йўл тўғрисидаги Актда ва бошқаларда ўз ифодасини топган [3]. Канаданинг Квебек провинцияси Фуқаролик кодексининг ўнинчи китоби халқаро хусусий ҳуқуқ масалаларига бағишланган бўлиб, унинг умумий қоидалари халқаро юк ташишга оид муносабатларни тартибга солишда ҳам қўлланилади.

Эстониянинг 2001 йилдаги “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги қонунда ташиш шартномасига нисбатан шартнома тузилиш вақтида жўнатувчининг асосий фаолият жойи жойлашган давлат, агар юклар жойи ёки юкларни тушириш жойи ушбу давлатда жойлашган бўлса шартнома узвий боғлиқ давлат сифатида эътироф этилиши кўзда тутилган. Эстония қонунчилигига биноан юкларни ташиш шартномасининг қоидалари асосий мақсади юк ташишдан иборат бўлган барча шартномаларга нисбатан қўлланилади. Ушбу қоидалар агарда ҳолатлар мажмуидан шартнома бошқа давлатга нисбатан узвийроқ боғлиқлиги аниқланган ҳолатлардагина қўлланилмайди [2].

Японияда ҳам халқаро юк ташишга оид муносабатлар ўз ҳуқуқий асосларига эга бўлиб, улар, авваламбор, 1989 йилда қабул қилинган ва 1990 йилнинг 1 январидан амалга киритилган “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги қонунда назарда тутилган [1].

Хитой Халқ Республикасида эса, 1984 йилги “Денгиз кемалари тўғрисида”ги, 2003 йилги “Бандаргоҳ тўғрисида”ги, 1991 йилги “Темир йўл тўғрисида”ги ва бошқа қонунларида халқаро юк ташишни амалга ошириш билан боғлиқ давлат ички қоидалари белгилаб берилган [6, 77-78-стр]. Таъкидлаш лозимки, Хитойда 2000 дан ортиқ бандаргоҳлар фаолият кўрсатади, улардан 130 дан ортиғи чет эл кемаларини ҳам қабул қилади. Хитойнинг энг йирик 16 та бандаргоҳи йилига 50 млн. тонна юкни қабул қилади. Хитой бўйича барча бандаргоҳларнинг умумий юк қабул қилиш ҳажми эса, йилига 2890 млн. тоннадан ошиб кетади. 2010 йилги маълумотларга кўра, бутун дунё бўйича халқаро денгиз ташишларининг 35 фоизи айнан Хитойда амалга оширилади [4, 152-стр]. Шу боис ҳам Хитойда денгиз орқали халқаро ташишлар анча чуқур тартибга солинган. Чунинчи, 1992 йилги Денгиз кодекси, 2003 йилги “Бандаргоҳ тўғрисида”ги қонун, 1984 йилги “Денгиз кемалари ҳаракатланиши хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун, 1998 йилги Денгиз ҳакамлик комиссияси тўғрисидаги Ҳакамлик қоидалари, 1974 йилги “Чет эллик кемалардан ундириладиган транспорт солиғи тўғрисида”ги низом ва бошқа қонун ҳужжатларида ушбу масалалар атрафлича ёритилган. Шунингдек, Хитойда 1986 йилда Фуқаролик ҳуқуқининг Умумий қоидалари, 1985 йилда “Халқаро хўжалик ҳуқуқи тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, уларда Хитой ва чет эл ташкилотлари ўртасида барча чет эл иқтисодий, олди-сотди шартномаларга оид муносабатлар тартибга солинган. “Халқаро хўжалик ҳуқуқи тўғрисида”ги қонун асосан диспозитив хусусиятга эга чет эл элементлари билан муракбашлаган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга бевосита қўлланадиган меъёрлардан иборатдир.

Беларусь Республикасида 1998 йил 7 декабрдаги Фуқаролик кодексининг 40-41-боблари “Ташиш” ва “Транспорт экспедицияси”га бағишланган. Шунингдек, ташишнинг алоҳида турларини тартибга солишга қаратилган кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, 2006 йил 16 майдаги Ҳаво кодекси, 1998 йил 15 июлдаги Сув кодекси, 2002 йил 24 июндаги Савдо денгизчилиги кодекси, 1999 йил 6 январдаги “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонун, 2001 йил 21 июлдаги “Автомобил транспорти ва автомобилда ташиш тўғрисида”ги қонун, 1998 йил 5 майдаги “Транспорт фаолияти асослари тўғрисида”ги қонун, 1994 йил 2 декабрдаги “Автомобил йўллари

тўғрисида”ги қонун, 2002 йил 17 июлдаги “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги қонун шулар жумласидандир. Беларусда транспортнинг мустақил тури сифатида – қувур транспорти кўзда тутилади. Шу боис, 2002 йил 9 январда махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат – “Магистрал қувур транспорти тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. 1998 йил 5 майдаги “Транспорт фаолияти асослари тўғрисида”ги қонунга асосан транспортда ташиш фаолияти давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш, транспорт фаолияти субъектларининг мулкчилик шаклидан қатъий назар тенглиги, транспорт фаолияти субъектлари ва давлат манфаатларининг уйғунлиги ва уларнинг ўзаро масъулияти, халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги каби принципларга асосланиши белгиланган [7, 114-116-стр].

Россия Федерациясида ташиш шартномасига нисбатан коллизиянинг принциплари асосида моддий ҳуқуқ нормаларининг қўлланилиши умуман Фуқаролик кодексида (1211-модданнинг 3-банди), ташишнинг алоҳида турларига нисбатан эса тегишли кодекслар ва қонунларда ифодаланган. Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1211-моддаси 3-қисмига мувофиқ, ташувларга нисбатан тарафлар ўртасида битим мавжуд бўлмаган тақдирда ташувчининг давлат қонуни қўлланилади, транспорт экспедицияси шартномасига нисбатан эса экспедитор давлати қонуни қўлланилади, чунки ташувчи, жумладан, экспедитор ҳам кодекс томонидан “шартнома мазмуни учун муҳим аҳамият касб этувчи ижро”ни амалга оширувчи томонлар сифатида белгиланади. Халқаро ташиш ҳуқуқи қўлланилиши лозим бўлганда бундай ҳолат ташувчи томонидан тақдим қилинган ҳужжатда белгиланган бўлиши мумкин.

Халқаро тўғридан-тўғри аралаш темир йўл-сув юк ташувлари тўғрисидаги 1959 йилги Битим Россия Федерацияси учун ўз кучини сақлаб қолган. Россия Федерацияси, шунингдек халқаро комбинациялашган ташувлар ва мутаносиб объектлар муҳим йўналишлари тўғрисидаги 1 февраль 1991 йилги Европа Битими (САКПП)нинг ҳам аъзоси ҳисобланади.

Бироқ, Россия Федерацияси Юкларнинг халқаро аралаш ташувлари тўғрисидаги БМТ Конвенцияси (24 май 1980 йил), Хавфли юкларни автомобиль, темир йўл ва ички сув транспорти орқали ташишда етказилган зарар учун фуқаролик жавобгарлиги тўғрисидаги Конвенция (КГПОГ) (1 февраль 1990 йил), Халқаро савдода транспорт терминаллари операторларининг жавобгарлиги тўғрисидаги БМТ Конвенцияси (15 апрель 1991 йил)нинг аъзоси эмас.

Россия Федерациясида охириги йилларда халқаро автомобиль қатнови ўрнатиш тўғрисида ҳуқуматлараро халқаро битимлар тузиш фаолиятининг кучайишини кузатиш мумкин. Масалан, Россия Федерацияси ва Испания Қироллиги ўртасидаги халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги 2001 йилдаги Битим, собиқ СССР ва Италия Республикаси ўртасидаги халқаро автомобиль юк ва йўловчи қатнови ҳақидаги 19 июнь 1984 йилдаги Битим ва бошқалар. Ҳозирги кунда Россия Федерацияси ва бошқа давлатлар иштирокида 35 тадан ортиқ шартномалар амал қилмоқда. Бундай шартномаларнинг барчаси қоида тариқасида намунавий хусусият касб этади ва тузилиши жиҳатидан учта бўлимдан иборат бўлади: умумий қоидалар, йўловчи қатнови ва юк қатнови [5].

Қирғизистон Республикасида эса, юк ташиш муносабатлари 1997 йил 5 декабрдаги Фуқаролик кодексининг ташиш ва транспорт экспедициясига оид

32-33-боблари билан тартибга солинади. Шунингдек, Қирғизистонда транспорт соҳасидаги айрим масалаларни тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатлари – 1998 йил 8 июлдаги “Транспорт тўғрисида”ги ҳамда 1998 йил 9 июлдаги “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонунларида ҳам юк ташишга оид қоидалар ўз ифодасини топган.

Молдовада ҳам юк ташишга оид муносабатлар, авваламбор, 2002 йил 6 июндаги Фуқаролик кодекси Учинчи китобининг ташишга бағишланган 12-боби (980-1028-моддалар) қоидалари билан тартибга солинади. Унинг 980-моддасига биноан, ташиш шартномасига кўра, бир тараф (ташувчи) бошқа тараф (йўловчи ёки жўнатувчи) олдида йўловчи, багаж ёки юкни муайян ҳақ эвазига келишилган жойга етказиб бериш мажбуриятини зиммасига олади. Ташиш шартномаси Қирғизистон қонунчилиги бўйича оммавий шартнома сифатида баҳоланади. 982-моддада эса, ташишнинг аралаш ва бир нечали турлари фарқланади. Бир нечали ташишда бир неча ташувчилар бир-бирини алмаштирган ҳолда ташишнинг айнан бир усулидан (айнан бир транспорт воситасидан) фойдаланадилар. Аралаш ташишда эса, ташувчи ҳам, транспорт тури ҳам алмашуви кўзда тутилади.

Тожикистон Республикасида эса, юк ташиш муносабатлари Фуқаролик кодексининг ташишга оид 38-боби қоидалари, шунингдек 2000 йил 29 ноябрдаги “Транспорт тўғрисида”ги ва 2006 йил 3 мартдаги “Транспорт-экспедиция тўғрисида”ги қонунлар билан тартибга солинади. Украинада эса, юк ташишга оид муносабатлар Фуқаролик кодексининг ташишга оид 64-боби ҳамда транспорт экспедициясига оид 65-боби билан, шунингдек 2003 йил 16 январдаги Хўжалик кодекси юк ташишни ҳуқуқий тартибга солишга тааллуқли 32-боби билан тартибга солинади.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг транспорт фаолиятининг алоҳида жиҳатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини тизимлаштирган ҳолда ягона транспорт тўғрисидаги қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Ушбу қонун лойиҳасининг Умумий қисмида транспорт фаолиятининг асослари, транспорт соҳасини давлат томонидан тартибга солиш, транспорт соҳасида тариф, тўлов ва йиғимлар, йўловчи, багаж ва почта жўнатмаларини ташиш, юк ташиш, транспорт хавфсизлигини таъминлаш, транспорт соҳасидаги жавобгарлик, даъво ва эътирозлар; Махсус қисмида эса, автомобил ва шаҳар электр транспорти соҳасини тартибга солиш, темир йўл транспорти соҳасини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳаво транспорти соҳасини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, сув транспорти соҳасини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, аралаш юк ташиш ва бошқа масалаларни алоҳида тартибга солиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар рўйҳати:

1. Časlav P. Delivery of goods without a bill of lading: revival of an old problem in the Far East // Journal of International Maritime Law. – 2003. – №448.
2. Pejović Č. Legal Issues Arising from Delivery of Goods Without a Bill of Lading: Case Study of Some Asian Jurisdictions, PPP god.45 (2006), 160, 1-20.

3. Westeringh W. Transporting goods into Canada by road // Fasken Martineau DuMoulin LLP Vancouver.

4. Белых В.С. Транспортное законодательство России и зарубежных государств, ЕС, ШОС, ЕврАзЭС: сравнительно-правовой анализ: Монография / отв. ред. В.А.Бублик. – М.: Проспект, 2013. – 152 с.

5. Гречуха В.Н. Международное транспортное право. – М.: ЮРАЙТ, 2011. – 280 с.

6. Егизаров В. Транспортное законодательство государств - членов ЕврАзЭС (Окончание) // Право и экономика. – М.: Юстицинформ, 2003. – №4. – 120 с.

7. Егизаров В. Транспортное законодательство государств - членов ЕврАзЭС. Проблемы и перспективы развития (Начало) // Право и экономика. – М.: Юстицинформ, 2003. – № 3. – 180 с.

Э.Ахунджанов,

ТДЮУ катта илмий ходим-изланувчиси

ХАЛҚАРО ҚЎЛАМДА ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ТЕЗ БУЗИЛАДИГАН ЮКЛАРНИ ТАШИШ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини темир йўлларда ташиш муносабатларини таҳлил қилишга ҳаракат қилинган. Муаллиф қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тез бузиладиган юкларнинг бир тури сифатида кўриб чиқиб, бу турдаги юкларни темир йўлларда ташишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда тез бузиладиган юкларни ташишларни ташкил қилиш бўйича бир қатор масалаларни кўриб чиқади. Муаллиф мақолада олиб борилган тадқиқот натижасида Ўзбекистон Республикасида тез бузиладиган юкларни темир йўлларда ташиш бўйича махсус қоидаларни ишлаб чиқишни таклиф қилади.

Калит сўзлар: фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, тез бузиладиган юклар, тез бузиладиган юкларни темир йўлларда ташиш, тез бузиладиган юкларни темир йўлларда ташиш қоидалари, чуқурмузлатиладиган, музлатилган, совутилган ва совутилмайдиган маҳсулотлар.

Аннотация: В статье автор проанализировал отношения по перевозке сельскохозяйственной продукции посредством железных дорог. Автор рассматривает перевозку сельскохозяйственной продукции как один из видов скоропортящейся грузов, особенности железнодорожных перевоз таких грузов, а также ряд вопросов, связанных с осуществлением перевозки скоропортящихся грузов. Автор на основании результатов исследования предлагает принять в Республике Узбекистан Правила «О железнодорожной перевозке скоропортящихся грузов».

Ключевые слова: фермерские хозяйства, деҳқанские хозяйства, сельскохозяйственные продукты, скоропортящийся груз, перевозка железнодорожная перевозка скоропортящийся грузов, правила железнодорожной перевозки скоропортящихся грузов, глубокозамороженные, замороженные, охлажденные и неохлажденные продукты.

Annotation: The author analyzed the relationship on the transport of agricultural products through the railways. The author considers the transportation of agricultural products as one of the types of perishable goods, particularly rail transportation of such goods, as well as a number of issues related to the implementation of the transport of perishable goods. On the basis of the results of research the author put forward the proposes to adopt in Regulations "On railway transport of perishable goods".

Key words: farms, dekhkan farms, agricultural products, perishable cargo, rail transportation of perishable goods, the rules of the railway transport of perishable goods, deep-frozen, refrigerated and non-refrigerated foods.

Ўзбекистон географик жиҳатдан қулай, иқлими мўтадил ва унумдор ерларда жойлашган мамлакат ҳисобланади. Заминимизда қадимги даврлардан бошлаб деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик ва поллизчилик маданияти шаклланиб келган ва ҳозирги

кунда ҳам бу анъаналар давом этиб келмоқда. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида улкан ислохотлар амалга оширилиб, ерлар ернинг ҳақиқий эгаси – деҳқонларга топширилди ва фермерлик ҳаракатига асос солинди. Фермер ва деҳқон хўжаликлари нафақат Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлади, балки олинган ҳосилнинг катта миқдорини чет мамлакатларга экспорт қилиш имкониятини яратиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлисидаги нутқида қишлоқ хўжалигига оид бир қатор маълумотлар кўрсатиб ўтилган, хусусан қишлоқ хўжалигини модернизация ва диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмларини 6,6 фоизга, жумладан, мева-сабзавот – 11,2 фоизга, картошка – 9,7 фоизга, сабзавот маҳсулотлари етиштириш 10,4 фоизга ўсишини таъминлаб берганлиги таъкидланган [1].

Германия пойтахти Берлин шаҳрида бўлиб ўтган “Яшил ҳафталик 2017” халқаро қишлоқ хўжалиги кўргазмасида Ўзбекистоннинг ташқи савдо компаниялари, қайта ишлаш корхоналари, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари вакиллари Европа ва бошқа мамлакатларга ҳўл ҳамда қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш бўйича 151,2 млн. долларлик экспорт шартномалари туздилар [2].

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлар Ўзбекистонда фермер ва деҳқон хўжаликлари тобора ривожланиб бораётганидан, улар томонидан етиштирилаётган маҳсулотларга жаҳон бозорида катта қизиқиш билан қаралаётганидан далолат беради. Бу турдаги маҳсулотларни четга экспорт қилиш ўз навбатида транспорт хизматлари кўрсатадиган ташкилотлардан юкларни ўз вақтида ва сифатли етказиб беришни талаб қилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чет мамлакатларга экспорт қилиш ҳозирги кунда асосан темир йўл ва автомобил транспортида амалга оширилиб келинмоқда. Айрим ҳолатларда маҳсулотларни ташиш ҳаво кемалари орқали ҳам амалга оширилмоқда. Ушбу турдаги маҳсулотларни экспорт қилишда транспорт турларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ташиш соҳасидаги тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олиш ҳамда мажбуриятлар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлик масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб қўйиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чет мамлакатларга тез, ўз вақтида ва сифатли етиб боришини таъминлаб беради.

Ушбу турдаги маҳсулотларни ташиш темир йўл транспортида ташишнинг қайси турига киришини аниқлаб олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва халқаро ҳужжатларни, шунингдек юридик адабиётларни ўрганиб чиқиб таҳлил қилинганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари юкларнинг алоҳида тури бўлган – тез бузиладиган юклар сифатида таснифланишига гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Темир йўл транспортида бундай юкларни ташишларнинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқишдан аввал тез бузиладиган юкларга хос бўлган айрим жиҳатларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Турли хил шароитларнинг таъсири остида нобуд бўлиши, бузилиши ёки қадрсизланиши мумкин бўлган хусусиятларга эга бўлган моддий объектлар – тез бузиладиган юклар деб аталади. Ташишларнинг чўзилиб кетганлиги натижасида ашёнинг истеъмол қилиб бўлмаслиги, ҳаво температурасининг тушиши, ошиб кетиши ёки тез-тез ўзгариб туриши, намлик даражасининг турли ҳолатини ўзгаришини юқоридаги таъкидланган шароитлар сифатида баҳолаш мумкин [3, 167-бет].

Темир йўллар ҳамкорлиги ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган “Халқаро темир йўл юк қатновлари тўғрисида”ги Битимнинг 4-илоvasи тез бузиладиган юкларни ташиш қоидалари деб номланган бўлиб, унинг биринчи бандида тез бузиладиган юкларга таъриф берилган. Унга мувофиқ, ташиш жараёнида юқори ва паст ҳароратнинг таъсиридан ҳимоя қилишнинг алоҳида чоралари (совутиш, иситиш, вентиляция қилиш), шунингдек махсус парвариш ва хизмат кўрсатиш талаб қилинадиган юкларга тез бузиладиган юклар сифатида қаралади.

Юклардан олдин технологик ва термик қайта ишлаш ҳамда термик ҳолатдан келиб чиққан ҳолда тез бузиладиган юклар чуқурмузлатиладиган (18 °C дан кам бўлган даражада), музлатилган (18 °C гача даражада бўлган), совутилган ва совутилмайдиган турларга бўлинади [4].

Айрим хорижий адабиётларда тез бузиладиган юклар ҳарорат билан ишлов беришдан келиб чиққан ҳолда қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- Янги. Бундай юклар уларнинг ҳолатини ўзгартириши мумкин бўлган юқори ва паст ҳарорат таъсиридан сақланиши керак.
- Совутилган маҳсулотлар. Ҳаво ҳарорати -6 дан +4 °C гача бўлган ҳолатда сақланиши лозим.
- Музлатилган маҳсулотлар. Ҳаво ҳарорати -7 дан -17 °C гача бўлиши зарур;
- Чуқурмузлатилган маҳсулотлар. Ҳаво ҳарорати -18 °C дан кам бўлмаслиги лозим.
- Илиқ ҳаво талаб қилинадиган маҳсулотлар. Бундай маҳсулотларга атрофдаги ҳаво ҳароратидан юқори бўлган ҳароратни таъминлаш талаб қилинади [5, 448-бет].

“Халқаро темир йўл юк қатновлари тўғрисида”ги Битимнинг 4.1.-илоvasи Асосий тез бузиладиган юклар рўйхати деб номланиб, унда тез бузиладиган юклар сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қуйидаги турлари кўрсатиб ўтилган:

1. Янги ва консервланган сабзавотлар ва кўзиқоринлар (қуритилган ва қоқилангандан ташқари): бақлажонлар, янги қалампирлар, бодринглар, помидорлар, карамлар, картофель, нўшпиез, ошхона лавлагиси, шолғом, редиска, янги кўзиқоринлар, тузланган ва мариновка қилинган ҳар қандай савзавот ва кўзиқоринлар, сабзавотлардан тайёрланган қиём ва пюре, ҳар қандай кўкатлар.

2. Янги ва консервланган мевалар ва реза мевалар (қуритилган ва қоқилангандан ташқари): тарвузлар, бананлар, қовунлар, янги мева ва реза мевалар, цитрус мевалар, субтропик мевалар, мариновка қилинган мева ва реза мевалар, мева ва

реза мева қиёми, пюреси ва бошқа қоришмалари, турли хил шинни (жем) ва конфитюралар, мева ва реза мева мураббалари[6].

Бундан ташқари ушбу рўйхатда фермерларимиз томонидан етиштириладиган яна бир қатор маҳсулотлар (гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, тухум, балиқ ва балиқ маҳсулотлари) ҳам келтириб ўтилган.

Бундай турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш — юкларнинг бутлигини таъминлашга қаратилган кўплаб омилларни ўз ичига олувчи муҳим жараён ҳисобланади. Тез бузиладиган юкларни ташиш ҳар доим хавф-хатар билан боғлиқ бўлиб, ташиш жараёнининг барча босқичларида уларнинг бутлигини сақлашга доир алоҳида шароитни яратишни талаб қилади. Масалан, айнан шу турдаги юкка мос бўлган ҳароратни таъминлаш ва ҳаво намлигининг даражасини назорат қилиш. Бутун йўл давомида бундай шароитларга амал қилиш одатий омборхона иншоотлари ичида уларга амал қилишга қараганда анча мураккаб ва қийин ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ташишларни амалга оширувчи темир йўл ташкилотларидан олдиндан кўриб бўлмайдиган ҳолатларни инобатга оладиган ва уларнинг салбий таъсиридан юкларни сақлаб қолишни таъминлаб берадиган шароитларни яратиш ва амалга ошириш учун бутун ташиш жараёнини синчковлик билан ташкиллаштириш талаб қилинади. Ушбу вазифаларни бажаришда темир йўл ташкилоти ва унинг ходимларидан техник воситалардан тўғри ва унумли фойдаланиш, улар ишлашининг ўзига хос хусусиятларини билиш, шунингдек ташиш жараёнида юзга келадиган муаммоларни ўз вақтида ва самарали ҳал қилиш талаб этилади.

Тез бузиладиган юкларни ташишнинг ўзига хос хусусияти улар қанчалик тезкор ҳал қилинмасин темир йўл ташкилоти томонидан ташилаётган маҳсулотларни хавфсизлигини таъминлашга қаратилган минимал чора-тадбирларга амал қилиш талаб қилинади. Бутун йўл давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун зарур бўлган ҳароратни таъминлаб бериш имкониятига эга бўлган музлатгичларнинг мавжудлиги минимал зарурат сифатида қаралади. Хавф-хатар фақат музлатгичнинг мавжудлиги билан чекланиб қолмасдан, маҳсулотларга таъсир қилиши мумкин бўлган кимёвий ва бактериологик хусусиятга эга бўлган таъсирларда ҳам кўринади. Лекин музлатгичнинг мавжуд эмаслиги бундай таъсирларга нисбатан чоралар кўрилиши бефойда эканлигидан далолат беради.

Тез бузиладиган юкларни ташишда қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- маҳсулотлар жойлашган қадокларнинг ҳолати, уларнинг хавфсизлик стандартлари ва ташиш шартларига мос эканлигига;

- тез бузиладиган юкларни ташишга мўлжалланган камераларнинг ички шарт-шароити, яъни ҳарорат даражаси, ҳаво оқимлари айланишининг мавжудлиги, тозаллиги, намликнинг мавжуд ҳолати ва ташиш жараёнидаги бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларнинг ҳисобга олинганлиги;

- ушбу камераларда юкларни жойлаштириш вариантлари;

- етказиб берилиши лозим бўлган муддат.

Тез бузиладиган юкларни ташишнинг аниқ ва мақбул шартлари сифатли ташишларни амалга

оширишга мўлжалланган турли хил босқичларни ўз вақтида ишлаб чиқишга боғлиқ ҳисобланади:

- бир ёки турли хил товар гуруҳларидан юкларни танлаб олиш;

- ушбу юкнинг ташишга яроқлилигини, мавжуд таваккалчилик хавфини ва юкнинг бутлигини таъминлашга қаратилган зарур шарт-шароитларни баҳолаш, шунингдек ўрамларнинг ҳолатини кўриб чиқиш ва турли хил кутилмаган ҳолатларни вужудга келиш имкониятини баҳолаш;

- хавфсизлик ва ўринлилик жиҳатидан мос бўлган контейнерларни танлаш;

- товарни юклаш. Бунда юзга келиши мумкин бўлган хавф-хатарни инобатга олган ҳолда тез бузиладиган юкларни жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим;

- аниқ бир ҳолатдан келиб чиққан ҳолда қўшимча хавфсизлик чораларини қўллаш;

- белгиланган жойга тезкор суръатларда етказиб бериш ва ташиш жараёнида юкнинг хавфсизлигини таъминлаш.

Тез бузиладиган товарларни ташишлар йил даврлари ва унга хос бўлган ҳарорат билан, шунингдек бошқа об-ҳаво шароитлари билан мураккаблашган бўлади. Бундай турдаги юкларни ташишда нафақат юклаш жойидаги ҳолатлар, балки оралиқ тўхташ жойларининг, шунингдек юкни етказиб бериш жойининг хусусиятлари инобатга олинади лозим.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш ва жўнатиш соҳасидаги муҳим вазифалардан яна бири темир йўл узелларига яқин бўлган жойларда музлатгичли логистика терминалларини барпо қилишдан иборатдир. Музлатгичли логистика терминалларининг вазифалари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- фермер хўжалиқларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ушбу терминалларга ўз вақтида етказиш;

- фермер хўжалиқларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун мос ва бўш бўлган идишлар билан таъминлаш;

- 2–7 кун давомида тез бузиладиган юкларни музлатгичларнинг тегишли камераларида ҳар бир маҳсулотнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланган ҳарорат ва намлик режимларига мувофиқ сақлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кейинги ташишларга тайёрлаш мақсадида дастлабки совутишни амалга ошириш;

- мавжуд бўлган етказиб бериш шартномаларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чет эл мамлакатларга етказиб бериш бўйича транспорт юк гуруҳларини ташкил қилиш;

- рефрижераторли вагон ва контейнерларга юкларни юклаш ва экспортга жўнатиш;

- транспорт ва ташкилий ҳужжатларни расмийлаштириш ва уларни олиб бориш [7, 64-бет].

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикасида тез бузиладиган юкларни ташиш 1999 йилги Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 23 октябрда қабул қилинган қарори асосида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси темир йўли” Устави ва бир қатор қонун ости ҳужжатлари асосида тартибга солиниб келинмоқда. Бугунги кунда тез бузиладиган юкларни ташишга оид махсус ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги бу

турдаги юкларни ташишда темир йўл ташкилоти ва юк жўнатувчилар ўртасида вужудга келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасини, мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда улар ўртасидаги жавобгарлик масалаларини, шунингдек тез бузиладиган юкларни қабул қилиб олиш, сақлаш ва ташиш билан боғлиқ аниқ норматив қоидаларни белгилашда бир қатор муаммоларга сабаб бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда тез бузиладиган товарларни ташишга оид мажус қоидалар ёки йўриқномани қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу Қоидалар ёки Йўриқномада қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш алоҳида муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз:

– тез бузиладиган товарлар тушунчаси, унинг турлари ва уларни ташишга оид умумий қоидалар;

– тез бузиладиган товарнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қандай вагон ва контейнерларда ташишларга оид қоидалар;

– тез бузиладиган юкларни йилнинг даврлари ва об-ҳавонинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ташишларнинг ўзига хос хусусиятлари;

– тез бузиладиган юкларни ташишга қабул қилиб олиш шартлари, юкнинг ўзига ва ўрамага нисбатан норматив қоидаларнинг белгиланиши;

– юкнинг сифатига ва ташиш мумкинлиги тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим қилишга оид қоидалар;

– тез бузиладиган юкларни қабул қилишни рад қилиш асослари;

– юкнинг тури, хусусияти ва бошқа ҳолатларни инобатга олган ҳолда етказиб бериш муддатлари ва тезлигининг аниқ белгиланиши;

– тез бузиладиган юкларни ташишга мўлжалланган вагон ва контейнерлардан фойдаланиш шартлари;

– тез бузиладиган юкларни ташиш муносабатлари бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

– юкларни ўз вақтида ва сифатли етказиб бермаганлик учун темир йўл ташкилотининг жавобгарлиги масалалари;

– жавобгарликдан озод қилувчи ҳолатлар.

Юқорида таъкидлаб ўтилган Қоидаларнинг қабул қилиниши давлатимиз томонидан қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳасида олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларини амалга оширишни таъминлаш билан бир вақтда фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини темир йўл транспортида чет эл мамлакатларига ва республикамизнинг бошқа ҳудудларига ўз вақтида ва сифатли етказиб беришни таъминлаш, уларнинг экспорт потенциални ошириб, уларга катта миқдорда даромад олиб келишга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. 2017 йил 14 январь. <http://press-service.uz/uz/news/5450/>

2. “Яшил ҳафталик-2017”: кўргазма давомида Ўзбекистон 151,2 млн. АҚШ долларлик шартномалар имзолади. 27 январь 2017 йил. <http://uzagroexport.uz>

3. Тертеров М.Н. Доставка скоропортящихся грузов. – М.: Транспорт, 1992. – С.167.

4. Соглашение о международном железнодорожном грузовом сообщении (СМГС) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 1 июля 2016 года). <http://www.osjd.org/doco/public/ru>

5. Лукинский В.С. Модели и методы теории логистики: Учебное пособие. 2-е изд. / Под. ред. В.С. Лукинского. – СПб.: Питер, 2008. - С.448.

6. Соглашение о международном железнодорожном грузовом сообщении (СМГС) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 1 июля 2016 года). <http://www.osjd.org/doco/public/ru>

7. Журабоев К.А. Совершенствование доставки скоропортящихся грузов. // Современные проблемы транспортного комплекса России. 2012. № 2. – С. 64.